

НОДИРА

ДОЛГИЙ ПУТЬ
СЕМЬЯ
СЧАСТЬЕ



2016/2 - \$146

ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ

НОДИРА

*ТУШУМДА
КҮРСАМ
ЭДИМ*



ТОШКЕНТ – «O'ZBEKISTON» – 2015

УЎК: 821.512.133-1
КБК 84(5У)

Ўзб. аса б.

0-55

H73

Тузувчи ва таржимон:
Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди

Нодира нафақат ўзбек, балки форс-тожик тилида ҳам маҳорат билан калам тебратган ҳассос зуллисонайн шоира ҳисобланади. Мазкур мажмууга унинг ўзбек тилидаги халк ичидаги машхур ва бадиий баркамол ғазаллари билан бирга, форсий меросидан ҳам намуналар таржима қилиб киритилди.

ISBN 978-9943-28-365-7

© Эргаш ОЧИЛОВ, 2015
© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2015





ШЕЪРИЯТ МАЛИКАСИ

Ўзбек мумтоз адабиёти тарихида зуллисонайн шоира Нодиранинг алоҳида урни бор. Унинг дилурттар хассос ғазаллари асрлар давомида тилдан-тилга ўтиб, хофизлар созига тушган. Хусусан, шашмақомнинг «Савти Калон», «Насри Баёт», «Қашкарчай Наво», «Талқинчай Ушшок», «Савти Сарвиноз», «Наврузи Хоро», «Соқийномаи Мўғулчай бузрук», «Уфори настри Уззол» куйлари билан айтиладиган ашулалири, «Ёр ишки», «Тушумда курсам эдим», «Мунтазирдирман», «Эй фалак», «Вафо айламас», «Яхши бор», «Эҳтиёж», «Ишқингда жонон», «Оқибат», «Юзунгдур», «Хажр вайронида», «Жон фидо», «Лабинг шахди нобига» каби бир неча ўнлаб қўшиқлари халқимиз кўнглидан чуқур жой олган.

Машхур шоира, давлат арбоби, маданият ва адабиёт ҳомийси Нодира 1792 йили Андижон хокими Раҳмонқулибий хонадонида дунёга келади. Онаси Ойшабегим хам маърифатли аёл бўлган. У отинби билар қулида завод чиқаради. Ёшлигидан адабиётга меҳр кўйиб, Саъдий, Хофиз, Жомий, Лутфий, На воий, Фузулий, Бедил асарларини севиб мутоб-

лаа қилади (кейинчалик у форсий шеърларида Камол Ҳужандий ва Қосим Анвор номларини ҳам хурмат билан тилга олади). Ўткир зехни, гўзал ҳулки, тенгсиз ҳусни билан танилган кизга ўша даврда Марғилон ҳокими булиб турган Умархон ғонибона ошик булиб, 1807 йили унга уйланади. Улар аслида кариндош булиб, Раҳмонкулибий Умархоннинг тоғаси эди. Улар Султонмаҳмудхон ва Муҳаммадалихон исмли икки фарзанд кўришади.

Қўқон хонлигидаги зиддиятлар туфайли акаси Олимхон үлдирилгач, Умархон тахтга утиради. Нодиранинг шундан кейинги хаёти Қўқон билан боғлик. 1822 йили Умархоннинг бевакт вафотидан кейин 14 яшар Муҳаммадалихон унинг ўрнини эгаллайди. Ўғли ҳали ёшлиги туфайли давлатни бошқариш ишларида Нодира фаол қатнаша бошлайди.

Ўзи шоира бўлган Нодира, айникса, маданият ва адабиёт ахлини ўз хомийлигига олади. У шоирларни ҳамиша изланишга, янги-янги асарлар ёзишга ундейди, кўплаб китобларни кўчиритиради. Моҳир котибларни заркарам, кумуш сиёҳдон билан тақдирлаб, «Заррин қалам» мақомига кутарган. Ижод аҳли уртасида Ойим, Моҳларойим деб улуғланган. «У XIX асрнинг биринчи ярмидаги Қўқон адабий муҳитида том маъноси билан устозлик ва адабий раҳбарлик даражасига кўтарила олган

кудратли ижодкордир»¹. Унинг ташаббуси билан Қўконда кўплаб мактаб, мадраса, кутубхона, хаммом, карвонсарой, бозор, йўл, кўприклар барло этилади. Машҳур Моҳларойим мадрасаси шулар жумласидандир.

Нодиранинг хокимиятни бошқариш ишларидаги фаол иштироки, маърифатпарварлик фаолияти мақсади мол-дунё орттириш бўлган амалдорлару мутаассиб «дин пешволари»га маъқул келмаслиги табиий эди. Улар ўз ёвуз ниятларига эришиш мақсадида ака-ука ўртасига низо солади. Бундан фойдаланган Бухоро амири Насрулло аввалига Муҳаммадалихон билан тескари булиб қолган Султонмаҳмудхонга Шахрисабздан паноҳ беради. Кейин уни Хўжандга хоким қиласи. Нодира ўғилларини яраштириб, Ўратепа, Хўжанд, Тошкент тарафларни Султонмаҳмудхонга, Фарғона водийсини эса Муҳаммадалихонга тайин этади. Бундан ғазабланган Амир Насрулло 1842 йили Қўконга қушин тортиб, Нодирани икки ўғли, 14 ёшли набираси Муҳаммадаминхон, келинлари ва якин маҳрамлари билан бирга қатл эттиради. Бу қонли фожиага исёнкор шоир Жунайдулло Ҳозик Амир Насруллога қаратада айтган, «Сен бу килмишинг билан ӯзингта таъна-маломатдан

¹ Кодирова М. Кириш Нодира. Девон. Ўзбек ва форс-тоҷик тилларидаги шеърлар (Нашрга тайёрловчи М. Кодирова). – Тошкент, 1963. 8-бет.

шундай бир либос бичдингки, у киёматгача устингда қолади» мазмунидаги куйидаги мисралари билан муносиб баҳо берган:

*Буриди бар қади худ аз маломат,
Либосе то ба домони қиёмат.*

Амир Насрулло Қўконда катли ом ўтқазиб, Бухорога қайтгач, фарғоналиклар Шералихон бошчилигида у ҳоким килиб қолдирган самарқандлик Иброҳим парвоначи ва бошқаларни шаҳардан ҳайдаб чикаришади.

«Қўкон тахтига ўтирган Шералихон Нодира ва унинг ўғиллари жасадини кейинчалик ахтариб топиб, иззат ва ҳурмат билан Даҳмаи шоҳонга дағн эттирган. Жаҳолат қурбони Нодира хотирасини абадийлаштириш учун унинг қабрига катта тошдан ёдгорлик лавҳаси кўйилган»¹.

Нодира забардаст зуллисонайн шоира булиб, узбек тилида Нодира ва Комила, форс-тожикчада Макнуна таҳаллуси билан самарали ижод қилган. Унинг ҳар икки тилдаги шеърлари 10000 минг мисра атрофида. Жумладан, форсий мероси 333 та шеърни ўз ичига олиб, 5 минг мисрадан купрок.

Форсий девонига ёзилган дебочада шоира хақида, жумладан шундай таърифларни уқиймиз: «... насаб ва камол денгизининг

¹ Кодирова М. Кириш. 46-бет.

гавҳари, иззату иқбол садафининг дурри ноёби, фуқаро ва ҳалқиарварлик ишида катта-кичикка мусаллам бўлган (зот) ёқимли ва ши-рин-ширин шеърлар ёзиш ва тушунишда минг ақлли эркаклардан ортиқрок бир хотин эди. Унинг яхши хислат ва мақтовга лойик сифатлари хаддан зиёда ва саноқдан ташқаридир... Хуллас, ул хотинлар тожи, иззат ва улуғлик парданишини баъзи-баъзида, хурсандлик ва юрак ўти аланталанган чоғларда, олий табиятидан турли-туман рангдор шеърлар ёзар эди»¹.

Маълумки, Нодира 30 ёшида Амир Умархондан ажралиб, бева қолади. Шунинг учун хам унинг кейинги йигирма йиллик ижодида айрилик оҳанглари, жудолик ҳасратлари муҳим ўрин тутади. «Шоиранинг бу мавзуга доир турли жанрдаги шеърлари ўзига хос бир туркумни ташкил этади ва уларни фирокномалар деб аташ мумкин... – дейди Нодира ижодининг толмас тадқикотчиси, таникли олима Махбуба Кодирова. – Нодира фирокномаларида одатдаги марсияларга ўхшаш анъанавий маъшук, дуст, меҳрибон ота образи әмас, балки, биринчи навбатда, ёридан узоқ тушган аёл образи лирик қаҳрамон сифатида гавдаланади. Шу-

¹ Дебоча // Нодира. Асарлар. Икки жилдлик. 2-жилд. 1-китоб. – Тошкент. 1971. 8-бет.

нинг учун ҳам унинг барча кечинмалари – аёл қалбининг садоси»¹.

Нодиранинг «Кел, даҳрни имтиҳон этиб кет» мисраси билан бошланадиган ғазали жуда машхур бўлиб, унга Залилий, Ходимий, Нодим, Рожеъ каби кўплаб шоирлар тахмис боғлаган.

Умуман, Дилшод, Рожий Хўқандий, Ҳомидий, Нодим, Фурқат каби шоирларга Нодира-нинг таъсири кучли бўлган.

Нодира ҳаёти ва ижодини ўрганиш, адабий меросини излаб топиб ҳалққа етказишда таникли адабиётшунос олима Маҳбуба Кодированинг хизматлари катта. Унинг саъй-харакатлари билан 1968–1972 йилларда шоиранинг ҳар икки тилдаги асарлари икки жилд, уч китобда чоп этилди. Бундан ташқари, у Нодира асарлари-нинг яна қатор алоҳида нашрларини амалга ошириди. Лутфулла Олим, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Воҳид Зоҳидов, Воҳид Абдуллаев, Ўткир Рашид, Тухтасин Жалолов, Азиз Каюмов, Иброҳим Ҳакқул, Нусратулло Жумахўжалар ҳам Нодира ижоди бўйича тадқиқот олиб боришган.

Нодиранинг форсий ғазаллари асосан рамал ва ҳазаж баҳрларининг турли вазнларида яратилганидан уларда бир қадар шаклий якранглик кўзга ташланса-да, мазмунан анча чукур

¹ Кодирова М. Нодира. // Ўзбек адабиёти тарихи. Беш жилдлик. 4-жилд. – Тошкент, 1978. 180–181-бетлар.

ва оҳорли тимсолу ташбехларга бой. Чунончи, куйидаги байтида у «Агар кулол қўлидаги лойга кўйинг насими етса, то киёматгача ҳар бир кўза оғзидан оби хаёт томади», деб ташбех ва муболағани ҳадди аълосига етказади:

*To ба ҳашр аз лаби ҳар кўза чакад оби ҳаёт,
Гар насимат гузаре бар гили фаххор кунад.*

Мана бу байт эса ҳусни таълил санъатининг гўзал намунаси бўлиб, фалакнинг чарх уриб айланишига ҳам, куёшнинг шарқдан чиқиб, фарбга ботишига ҳам ҳар иккисининг маъшуқа ҳуснига ошиқи шайдолиги сабаб қилиб кўрсатилади:

*Чаро гардад аз машриқ ба магриб зору саргардон,
Набошад чун фалак бар ҳусни ў хуршид
мажнунаш?*

«Фалак тоқидан йиқилиш безарар дейдилар, лекин киши дил томидан йиқилса, юз пора бўлиб кетади», – дейди бошқа бир байтида:

*Саҳл бишмурданд галтидан зи болои фалак,
Мешавад сад пора афтад чун касе аз боми дил.*

Лекин шоиранинг ӯзбек тилидаги шеърлари ҳар томонлама кенг ва чукур ўрганилгани холда, форсий меросининг тадқиқи ва таржимаси олимлар ва таржимонлар эътиборидан четда қолиб келмокда. Ушбу кемтикликни бир оз

булса-да тұлдириш мәксадида мазкур түпlamга биз Нодиранинг тожикча ғазалларидан хам намуналар таржима қилиб киритишни лозим топдик. Шоиранинг узбек тилидаги шеърларидан намуналар эса Махбуба Қодирова томонидан Мохларойимнинг ўз құли билан тартиб берган девони асосида тайёрланған нашридан (Нодира-Комила. Девон. – Тошкент: «Халк мероси», 2001) танлаб олинди. Унда шоира шеърлари Комила тахаллуси остида берилған. Лекин халқымиз орасида у Нодира номи билан машхурлиги сабабли биз айни тахаллусни қолдиришни лозим топдик.

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди



«ТУРКИЙ ДЕВОН»ДАН

FAZALLAR

* * *

Лабинг шаҳди нобига¹ жоним фидо,
Хиромон қадингға равоним² фидо.

Фирокинг висол ахлидин жон олур,
Висолинга жону жаҳоним фидо.

Белу оғзида қолди вахму гумон,
Не тонг, улса вахму гумоним фидо.

Агар фильмасал³ меҳр⁴ ила моҳдур,
Қилай сенга, эй меҳрибоним фидо.

Ики лаъли нобингни ёкутиға
Ики чашми⁵ гавҳарфишоним⁶ фидо.

¹ Ноб – тоза, тиник, соф.

² Равон – жон, рух, ҳаёт, тириклик.

³ Фильмасал – масалтан, фаразан.

⁴ Меҳр – күёш.

⁵ Чашм – күз.

⁶ Гавҳарфишон (*Гүҳарфишон*) – гавҳар сочувчи.

Қадинг сарвинозига, эй гулбадан,
Тани логари¹ нотавоним фидо.

Не ғамдур менга ишк аро, Нодира,
Агар бўлса жононга жоним фидо.

* * *

Юзунг ёдида килдим бу кеча оҳи сахар пайдо,
Кавокиб² хирманига бўлди ул ўтдин
шараар³ пайдо.

Ниҳоли сабрима лаълинг хаёли бирла
сү(в) бердим,
Ажаб йўқ, бўлса гар бу нахлдин⁴ ширин
самар пайдо.

Шараф топти мамолик⁵ шохи дарёдил
вужудидин,
Асолат⁶ махзанидин⁷ бўлди ул оли(й)
гуҳар пайдо.

Логар – орик.

Кавокиб – юлдузлар.

Шараф (Шарор) – учқун, аланга.

Нахл – ниҳол, кўчат, дарахт.

Мамолик – мамлакатлар; юрт, давлат.

Асолат – асллик, аслзодалик.

Махзан – хазина.

Зихи¹ шоҳеки, давлат файзидин огоҳ улиб,
қилмиш
Жавоҳирсурма² тавфиқдин³ нури назар пайдо.

Тахаммул⁴, уйлаким, бесабрлиғ талх⁵ этти
комингни,
Булур сабр этсанг аччиғ ғурадин шаҳду
шакар пайдо.

Менинг ёрим ажаб нозикмизожу
бемуруватдур,
Белин қатлимға боғлабдур vale эрмас
камар пайдо.

Нужум⁶ эрмас фалакда шуълаи охим
шароридур –
Ки, бу кошона ичра бўлди андин зебу
фар⁷ лайдо.

¹ Зихи – 1) гўзал, ёкимли; 2) қандай яхши, таҳсин, оғарин.

² Жавоҳирсурма – сурмани марварид резалари билан омихта қилиб, кўзнинг қувватини ошириш учун суриладиган малҳам.

³ Тавфиқ – 1) ёрдам, мадад, кўмак; 2) баҳрамандлик; 3) имконият.

⁴ Таҳаммул – сабр, бардош, чидам.

⁵ Талх – аччик.

⁶ Нужум – юлдузлар.

⁷ Зебу фар – ҳашамат, шаъну шукух.

Күнгүл мажнунини зулфунгни занжириға
банд эттим,
Сурук атфол¹ ичинда бўлмағай деб шўру
шар² пайдо.

Ажаб йўқ, Нодира парвоз қилса ёр кўйига –
Ки, бўлмиш танда фурқат ўқларидин болу
пар³ пайдо.

* * *

Кел, сенга, эй шахи жаҳон, мамлакати
жаҳон фидо,
Дийдаларимга қўй қадам, ҳар қадамингта
жон фидо.

Лаъли лабинг фироқида хуни⁴ жигар
ғизо⁵ менга,
Сарв қадинг ҳавасида жон этарам равон фидо.

Айшу нашоту⁶ оғият⁷ дарду ғамингни садқаси,
Бир нафас иштиёқинга ишрати жовидон⁸ фидо.

¹ Атфол – гўдаклар, ёш болалар.

² Шуру шар – ғавғо, тўполон.

³ Болу пар – қанот ва патлар; мажозан: қўл ва оёқ.

⁴ Хун – кон.

⁵ Ғизо – озик-овқат, егулик, таом.

⁶ Нашот – шодлик, хурсандчилик.

⁷ Оғият – соғлик, тинчлик.

⁸ Жовидон – доимий, абадий, мангу.

❖(ЖАҲОН ШЕҶРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)❖

Вакти хиром, эй санам, дийдаларимга
кўй қадам,
Хоки раҳингга¹ айларам чашми гуҳарфишон
фидо.

Гарчи менинг алимдадур² хосили мулку
мамлакат,
Етса висолинг, айларам барчани ройгон³ фидо.

Йиғлама эмди, эй кўзум, тўкма юракни қонини,
Дорни тоза айладим, қонига бўлди қон фидо.

Нодираи ғазалсаро⁴, назмини кўрса ногахон,
Дурру жавоҳирин қилур фикриға баҳру⁵
кон фидо.

* * *

Фунчадек оғзи аро ул лутфи гуфтори⁶ ажаб,
Сунъ илги⁷ йўқдин изҳор айлаган бори ажаб.

¹ Раҳ – йўл.

² Ал – кўл.

³ Ройгон – текин, муфт.

⁴ Ғазалсаро – ғазал ёзувчи, шоир.

⁵ Баҳр – денгиз.

⁶ Гуфтор – суз, нутқ.

⁷ Илғик (Илиг) – кўл.

↔(ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)↔

Олди күнгүл қүшларин ҳар лахза мушкин
турраси¹,
Боли² шохиндурки³, сайд⁴ айларда
таррори⁵ ажаб.

Баски, Мажнундур аниң ҳусниға гулшан
гуллари,
Фунчалардиндур чаман бүйнида туммори ажаб.

Айлади ошуфта табъимни паришон турраси,
Килди баҳтимни каро холи ситамкори ажаб.

Күзидин озурдадилман, қошидин озурдарок,
Зор ахволимға озор узра озори ажаб.

Ҳар қачонким ноз этиб чикса майи
гулфом⁶ ичиб,
Кон түкар майдек дамодам чашми
хуммори ажаб.

Ёр васли бирла одат айлаб эрдим, Нодира,
Андин айру менга бир дам сабр изҳори ажаб.

¹ *Turra* – соч, кокил.

² *Бол* – қанот.

³ *Шоҳин* – лочин.

⁴ *Сайд* – ов, шикор.

⁵ *Tarrop* – айёр, маккор, ҳийлагар.

⁶ *Гулфом* – гулранг, кизил.

* * *

Тийрадур¹ субхи² нашотим, соқиё³, келтур
шароб,
Шоми хижрон зулматида жоми⁴ майдур офтоб.

Моҳитобон⁵ юзлугум, ҳар лаҳза ёд этсам сени,
Дуд бағримдин чиқар үт ичра тушгандек
кабоб.

Банд этиб зулфунг аро, кўнглумни озод
этганинг
Куш учургандек эрур боғлаб аёғига таноб.

Кошки, оҳим насимидин таҳаррук⁶ айласа
Ёрким, руҳсорига гул баргидин солмиш никоб.

¹ Тийра – 1) кора, коронги, хира, нурсиз; 2) қайғули, ғам-ғусали.

² Субҳ – тонг, эрталаб.

³ Соқий деганда сўфийлар Оллохни, Мухаммад алайхиссаломни, маъшук ёки маъшукоки ва пиру комил инсонни назарда тутадилар. Соқий даврага май улашгани каби улар ҳам одамлар қалбига илохий файз бағишлайдилар, ҳакиқий ишқ утини соладилар, ғайб маърифатидан баҳраманд этадилар.

⁴ Жом – кадаҳ, пиёла. Жом ва унинг маънодошлари тасаввуфда маърифат зиёсига лиммо-лим кўнгил маъносига келади.

⁵ Моҳи тобон – 1) чараклаган ой; 2) гўзал маҳбуба.

⁶ Таҳаррук – ҳаракат, тебраниш.

Ҳажр ошуби¹ балодурким, анинг ташвишидин
Катраи симоб² янглиғ күнглум айлар изтироб.

Шод эди ул шохи даврони васли бирла
хотирим,
Айш давронига солди даври гардун³ инкилоб.

Бевафолардек сени харгиз⁴ фаромуш айламас,
Нодира ёдингни айлар то дами явм улхисоб⁵.

* * *

Гулға десам йўқ кафи пойингда⁶ тоб,
Дийдама кўй, эй бути⁷ заррин, рикоб⁸.

Ташкари чиқма кечалар, хашир⁹ үлур
Чиқса ёрим¹⁰ кечада гар офтоб.

¹ Ошуб – ғавро, фитна, туплон.

² Симоб – кумушранг кимёвий элемент. Мумтоз шеъриятда бетоқатлик, бекарорлик рамзи ва ~~куз~~ ёш тимсоли бўлиб келади.

³ Гардун – 1) осмон, фалак; 2) дунё, олам

⁴ Харгиз – асло, хеч қачон.

⁵ Явм ул-дисоб – қиёмат куни.

⁶ Пой – оёқ.

⁷ Бут – санам; мажозан: гўзал маҳбуба.

⁸ Рикоб – узанги.

⁹ Хашр – қиёмат.

¹⁰ Ёрим – бу ерда: ярим.

❖ ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНИЛАРИ ❖

Фарқаи хуни жигар улди таним,
Кон ёш ила мӯйи¹ сар² эттим хизоб³.

Турфа саволе лабидин сурди ёр,
Жон берайин булмаса ширин жавоб.

Сурати девор каби булмишам,
Хасрати дийдор ила бехурду хоб⁴.

Жонима касд айлар эрсанг қил, валек
Тишлама лаълишни, қилурсан итоб⁵.

Мойили зулм этма кўзунг туркини,
Йўқса қилур мардум⁶ уйини ҳароб.

Бу кеча майхонани⁷ даргохида
Пири муғондин⁸ тиларам фатҳи боб⁹.

¹ Мӯй – соч.

² Сар – бош.

³ Хизоб – буяш.

⁴ Хоб – унку.

⁵ Итоб – қаҳр, ғазаб.

⁶ Мардум – 1) одам, киши; 2) кўз корачиги.

⁷ Майхона (*Майқада*) – шавқу завқу илохий файзга кон комил орифнинг ботини. Илохий олам маъносига ҳам келади. Пири муршиднинг хонақоҳи, Ҳак толиблари тўпланадиган жой ҳам тушунилади.

⁸ Пири муғон – муғлар – оташпаратлар пири. Тасаввуфда маънавий раҳбар, комил инсон маъносига қулланади.

⁹ Боб – эшик.

«(ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)»

Айламадинг, эй бути паймоншикан¹,
Нодирани васлинг ила комёб².

* * *

Фазаб бирла нигорим ўтти ёнимдин шитоб
айлаб,
Юзин кўргунча ўлдирди мени хажри азоб
айлаб.

Пари янглиғ назардин чехра пинхон этти
ул маҳваш,
Фироку хажр шомидин мени маству хароб
айлаб.

Кўнгул шодон эрди журъаи³ жоми висолидин,
Солиб хижрон ўтиға кетти бағримни кабоб
айлаб.

Муруват айла, жоно, сендин айру тийрадур
шомим,
Ёрит кулбамни бир тун оразингни⁴ офтоб
айлаб.

¹ Паймоншикан – аҳдини бузувчи, ваъдасидан кайтвичи.

² Комёб – баҳтли, толели, давлатли.

³ Журъа – катра, култум.

⁴ Ораз – юз, чехра.

«ЖАҲОН ШЕРӢИТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Ичармен май дамодам ёр лаълини хуморидин,
Мени майхонадин манъ этма, зоҳид¹,
Эҳтисоб² айлаб.

Хисоб этмоққа чарх анжумларин³ бир
Эҳтимол анда,
Менинг доғи дилимни лек бўлмайдур
Хисоб айлаб.

Лабидин айру кон ютмок ишимдур, борғил,
Эй сокий,
Менга бехуда кулфат берма таклифи
Шароб айлаб.

Дариғо⁴, кетти охир гавҳари мақсад илгимдин,
Топиб эрдим сени маҳбублардин интиҳоб⁵
Айлаб.

¹ Зоҳид – узлат ва тақвони касб килиб олиб, дунё лаззатидан юз ўғирган киши. Бу тоифа ишқ ва ирфондан бехабар булиб, мақсади тақво билан охират мағфиратини қозониш, Куръонда ваъда килинган жаннатнинг хузур ҳаловатига етишиш. Сўфийларнинг ҳар икки дунёдан мақсади Худонинг ўзи, унинг дийдори бўлганлиги учун зоҳидларнинг бу ишини тамагирлик деб хисоблайдилар ва уларни танқид киласдилар.

² Эҳтисоб – текшириш, кузатиш.

³ Анжум – юлдузлар.

⁴ Дариғо – ундов суз: эҳ афсус, хай аттант.

⁵ Интиҳоб – сайлаш, танлаш.

Вафо сарлавхи¹ узра, Нодира, мавзун
каломини
Ёзар, таҳсини шеъри хисрави² олийжаноб
айлаб.

* * *

Ёр лаълин³ ёд этармен фунчай хандон кўруб,
Сабзаи хат⁴ соғинурмэн⁵ боғ арорайхон кўруб.

Сабзаи хат лаъл нобинг узра маъво айлади,
Хизр⁶ қилғондек ватан сарчашмаи ҳайвон⁷
куруб.

¹ Сарлавҳ - лавҳ боши.

² Хисрав - подшоҳ, султон, амир.

³ Лаъл - қизил рангли кимматбаҳо ялтирок тош. Мажозан: қизил ранг. Маъшуқанинг чӯғдай лаби ва қизил майнинг сифати бўлиб келади.

⁴ Хат(m) - қизларнинг лаби устидаги майнин туклар. Тасаввуф истилоҳида ғайб олами.

⁵ Соғинмоқ - бу ерда: ҳисобламоқ, ўйламоқ, гумон қилмоқ.

⁶ Хизр - зулмат қаъридан оби хаёт - тириклик сувини излаб топган ва ундан ичиб, абадий хаётга ноил бўлган пайрамбар.

⁷ Сарчашмаи ҳайвон - мангалик булоғи. Оби хаёт, оби ҳайвон, оби Хизр. Хизр суви, Хизр чашмаси, тириклик суви каби кўпдан-кўп номлар билан ҳам юритилади. Оби хаёт тасаввуфла саъй-харакат билан эришиб бўлмайдиган, Оллоҳ томонидан ўзи хоҳлаган бандаларига бериладиган ладуний (илоҳий) илм маъносига келади.

«ЖАХОН ШЕҮРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Дард жонкоху¹ дамодам оху ахволим табох²,
Раҳми келгайму менга бу ҳол ила
султон күруб.

Соврулурман ҳажр водийси аро, Мажнун мени
Гирдбод³ айлар гумон дашт узра
саргардон күруб.

Кеча лаъли хажридин ўлмок менга
душвор⁴ эди,
Юз таҳайюр⁵ бирла илгин тишилади
жонон күруб.

Рашқдин юз фитна барпо айлади даври фалак,
Кўзларим ойинасин ёр олдида хайрон күруб.

Тонг эмастур⁶, бўлса оз муддатда устоди
сухан⁷,
Нодира ашъорига⁸ таҳсин этар, Салмон⁹ күруб.

¹ Жонкоҳ – жонга азоб берувчи.

² Табоҳ – бузук, вайрон, ҳароб.

³ Гирдбод – айланма шамол, бурон, довул.

⁴ Душвор – кийин, оғир, мушкул.

⁵ Таҳайюр – ҳайратда колиш, ҳайронлик.

⁶ Тонг эмас – ажаб эмас.

⁷ Сухан – сўз.

⁸ Ашъор – шеърлар.

⁹ Салмон – машхур форс-тожик шоири Салмон Со-
важий (1300–1376).

* * *

Берай жон висол ичра, эй нүшлаб¹,
Фирокингда токай қилай тобу таб².

Жамолинг менга муддао субху шом,
Висолинг менга орзу рүзу шаб³.

Агар келса бошимға тифи ажал,
Килурманму йүлингда тарки талаб.

Қадинг мисраи шұху баржастадур⁴,
Бұлуб хусн девонидин мунтахаб⁵.

Мени зор Фарҳоду Мажнуннажод⁶,
Эрур ёр Ширину Лайлинасаб.

Не маҳфилда⁷ шахду шакар ёладинг –
Ки, бирбирга часпондуур⁸ икки лаб.

Фирокида шамъи шаби⁹ ҳажрмен,
Эмас Нодира куймаким бесабаб.

¹ Нүшлаб – 1) ширинлаб; 2) маҳбуба.

² Тобу таб – 1) ёниш ва эриш; 2) азоб ва ташвиш.

³ Рүзу шаб – кеча-кундуз.

⁴ Баржаста – лойик, муносиб.

⁵ Мунтахаб – тәнланган, сайланган.

⁶ Мажнуннажод – мажнунсифат.

⁷ Маҳфил – мажлис, анжуман, баэм.

⁸ Часпон – ёпишган.

⁹ Шаб – кеча, тун.



Кетмади мендин қадаҳ бирла хумори офтоб,
Субҳ янглиғ тортадурман интизори офтоб.

Сарф қилғумдур аниңг жоми висоли нақдина
Гар мұяссар бұлса лаъли обдори¹ офтоб.

Моҳрӯларни² юзунг ойи мусаххар³ айлади,
Мунча бұлмас анжум ичра иктидори офтоб.

Оразинг май тобидин бұлди назокатдастгоҳ⁴,
Турфа гуллар зохир⁵ этди навбаҳори офтоб.

То юзунг ойи намоён үлди хусн афлокида⁶,
Рашқ утидин тийра бұлди рұзгори⁷ офтоб.

Гар күзим ҳуснунг чарогидин мунаvvар бұлмаса,
Равшан этмас партави нури шарори офтоб.

Нодира, охим синонидин⁸ таваҳхұм⁹ тортибон
Чарх майдонидадур чобуксувори¹⁰ офтоб.

¹ Обдор – сержило, нодир.

² Моҳрӯ(й) – ой юэли, гүзәл.

³ Мусаххар – таслим, тобе, қарам бұлиш.

⁴ Назокатдастгоҳ – бу ерда: назокат сохиби.

⁵ Зохир – ошкор, аён, күриниб турған.

⁶ Афлок – фалаклар, осмонлар

⁷ Рұзгор – 1) давр, замон; 2) тақдир, кисмет; 3) турмуш, хаёт.

⁸ Синон – найза, найза учи; мажозан: кишик.

⁹ Таваҳхұм – вахимага тушиш, құрқиши.

¹⁰ Чобуксувор – чавандоз.

* * *

Сайд этти мени ул икки қуллоб¹,
Буйнимда каманди² зулфи пуртоб³.

Кошимни киличига бүйин сун,
Ошиқка будур тариқи одоб.

Гулхан кулида фарофат этган
Килмас ҳаваси самуру⁴ синжоб⁵.

Гирдоб эрур күзүмни ёши,
Ошикни ҳалок этар бу гирдоб.

Ором топарму чарх даври⁶,
Доим ҳаракат этар бу дүлөб⁷.

Оlam элида вафо топилмас,
Бу гавхар эрур жаҳонда ноёб.

Кондур жигарим лабидин айру,
Келтур менга, соқиё, майи ноб.

¹ *Қуллоб* – чангак, илгак, қармок.

² *Каманд* – банд, тузок; ҳалка, сиртмок.

³ *Пуртоб* – серхалка, жингалак.

⁴ *Самур* – корага мойил кизил терили тулкига ухшаган ҳайвон. Унинг терисидан либос тикадилар.

⁵ *Синжоб* – силовсин, сур олмахон; силовсин мўйнасидан тикилган пустин, ёпинчик.

⁶ *Чарх даври* – фалак айланиши.

⁷ *Дүлөб* – чигир, чарх.

◊(ЖАХОН ШЕРРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)◊

Ушшоқ¹ мисоли карвондур,
Ул қофилага² эрур вафо боб³.

Ёш ўрниға, Нодира, кўзимдин
Хажрида оқар мудом хуноб⁴.

* * *

Агар гулшанға кирса сарви гулрўйим⁵
хиром айлаб,
Югургай сарву гул юз марҳабо бирла
салом айлаб.

Хиромон келди ёру қомати таъзимиға бехуд⁶
Йиқилдим соядек, ердин турарга илтизом⁷
айлаб.

Қилурға кундузимни кечা хуршиди⁸
жамол узра
Паришон айлади гисуларин⁹ субхимни шом
айлаб.

¹ Ушшоқ – ошиқлар.

² Кофил – карвон.

³ Боб – бу ерда: йўл.

⁴ Хуноб (Хуноба) – конли ёш, аччик йиги.

⁵ Гулрўй – гул юэли, гўзал.

⁶ Бехуд – аклу ҳушини йўқотган, маст, ихтиёrsиз. Тасаввуфда ўзидан бехабар, ошиклик ва мастилик макомидаги киши.

⁷ Илтизом – бирор ишни ўз зинмасига олиш.

⁸ Хуршид – қуёш, офтоб.

⁹ Гису (Гесу) – соч, кокил.

↔(жаҳон шеърияти дурдоналари)↔

Сихиқадлар¹ паноҳи, гулжабинлар² подшохисен,
Чаманда сарвни озод этар қаддинг ғулом³
айлаб.

Хушо оқилки, айлаб яхшилик бунёдини маҳкам,
Ўтар бу дайри фанодин⁴ ўзини некном⁵ айлаб.

Масих⁶ азми синехр⁷ айлаб, қуёшқа булди
хамсоя,
Бўлур химмат била афлок устида мақом
айлаб⁸.

Физоли⁹ умрким вахшатдур, пайваста рам¹⁰
бирла
Бўлурму юз минг афсун бирла бу вахшийни
ром айлаб.

¹ Сиҳиқад – хушқомат, келишган.

² Гулжабин – гул юзли, гўзал.

³ Ғулом – қул, баңда, хизматкор, чокар.

⁴ Дайри фано – фоний дунё. Тасаввуфла ориф ва
авлиёлар давраси, мажлиси.

⁵ Некном – яхши ном чиқарган, машхур, доингдор.

⁶ Масих – Исо пайғамбар. Унинг қули теккан – си-
лаган ўлиқка жон кирад экан. Шунинг учун ҳам ул зот
ал-Масих – силовчи деб улуғланган. Нафаси ошиққа жон
багишлайдиган маъшуқага ҳам Масих сифатини беришади.

⁷ Синехр – 1) осмон; 2) замон, дунё.

⁸ Маълумки, тириклай кўкка кутарилган Исо алай-
хиссалом қуёш буржидаги тўртингчи осмонда мақом тутган.
Бу ерда шунга ишора қилинайти.

⁹ Физол (Fazol) – кийик, оху.

¹⁰ Рам – ҳуркиш, чўчиш.

Кўнгул сайд этгони омода¹ килмиш ишк
сайёди²
Париухлар³ каманди ҳалқаи зулфини
дом айлаб.

Калам таҳрир этарда найшакардин⁴ бўлса,
тонг эрмас,
Лабинг васфини айлар Нодира ширин
калом айлаб.

* * *

Сокиё, хажр давосини демишлар майи ноб,
Тута кур майкадада қайғулиқ ошикқа шароб.

Ишқ дардиға гирифтор бўлубман, на килай,
Зоҳидо, менга насиҳат била еткурма азоб.

Ёр лаълини фирокида хуморим ғолиб,
Бўлмади нашъаи сахбо⁵ била кўнглум шодоб⁶.

Бўлғай эрди қадаминг тупроғи бирла равшан,
Гар кўзум ҳалқалари бўлса самандинга⁷ рикоб.

¹ Омода – тайёр, хозир.

² Сайёд – овчи.

³ Париух – пари чехрали, гўзал.

⁴ Найшакар – шакаркамиш.

⁵ Сахбо – олий сифатли қизил май.

⁶ Шодоб – шод, хуррам.

⁷ Саманд – ранги сарик, ёл-қўйруги кора от; чиройли от, туллор, аргумон.

◊(ЖАХОН ШЕҮРИЯТИ ДУРДОНАЛИРИ)◊

Эгма қошини хами бүлғали эл саждагохи,
Каъба деворида хайрат ила қолмиш меҳроб¹.

Сархуш ўлғон киби хуноби жигардин ошик,
Нашъаи бода² килур хусн элидин
рафьи³ хижоб⁴.

Ашки гулгуним⁵ эрур бодаи лаълинг асари,
Рухпарвардур⁶ аниңг ройихаси⁷ мисли гулоб⁸.

Бу кун ул моҳлико⁹ ўхти дилором қани –
Юзидин равшан эди дийдаи жони ахбоб¹⁰.

Мастлиғ бирла ғами ёр фаромуш ўлмас,
Нодира бўлмади дардимни давоси майи ноб.

¹ Медроб – 1) саждагоҳ, масжидда имом турадиган тенаси қайрилма жой; 2) гўзалларнинг қайрилма коши.

² Бода – май, шароб, масти килувчи ичимлик. Бода ва унинг май, шароб каби маънодошлари тасаввуф адабиётида илохий тажаллий тимсоли, ишқ ва ирфон (маърифат) рамзи бўлиб келади.

³ Рафъ – юксалиш, кўтарилиш.

⁴ Хижоб – парда. Тасаввуфда Ҳак ва банд, ошик ва маъшук ўртасидаги монеликка ишора.

⁵ Гулгун – гул рангли, кизил.

⁶ Рухпарвар – жонга қувват бағишловчи, роҳат берувчи, ёқимли.

⁷ Ройиҳа – хид.

⁸ Гулоб – 1) гул суви, атиргул япроқларидан олинадиган хушибуй ичимлик; 2) кўз ёши.

⁹ Моҳлиқо – ой юзли; гўзал.

¹⁰ Аҳбоб – дўстлар.

* * *

Сокий, менга кадаҳ тут, бу дайр¹ аро лаболаб,
Зүхд ахлидин² ўсондим³, улфат сенингла
айлаб.

Хуснунг тажаллисидин⁴ бетоб мохрұлар,
Андоғки зохир үлмас хуршид чиқса кавкаб⁵.

Ёримни васли бирла олам мунаввар эрди,
Бор эрди мохитобон хуршидға мұкарраб⁶.

Мажнуни бенавони⁷ таклифи жоҳ⁸ қилма –
Ким, телбалар бошида йүктүр ҳавои мансаб.

Мухтожи даргахингмен юз минг умид бирла,
Мен қулни бу эшикдин навмид⁹ қилма, ё Раб!

¹ *Дайр* – 1) дүнә, олам; 2) оташпаратлар ибодатхонаси; Тасаввуф түшүнчесида – майхона: орифлар мажлиси ва зоти ақадиятдан хузурланишин билдиради.

² *Зүхд ахли* – зохидлар, тақвадорлар.

³ *Ўсонмоқ* – безмөк, зерикмөк.

⁴ *Тажалли(й)* – күрниси, жилваланиш, намоён бұлиш.

⁵ *Кавкаб* – юлдуз, сайёра.

⁶ *Мұкарраб* – яқин, доимий ҳамсұхбат. Тасаввуфда Оллохга яқынлик истаганлар, Ҳак дүстлари, хос кишилар.

⁷ *Бенаво* – 1) факир, ғарип, нотавон; 2) бебаҳра, маҳрум.

⁸ *Жоҳ* – 1) амал, мартаба; 2) давлат, бойлик; 3) буюклик, шавкат.

⁹ *Навмид* – умидсиз, маъюс.

«ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Тифи забонинг¹ ўлди мифтохи² ганжи дониш³,
Алломаи замондур оллингда тифли⁴ мактаб.

Кил, Нодира, мұяссар шүри жунун⁵ жахонда,
Ишқу мұхаббат ўлди ошикқа дину мазхаб.

* * *

Чиқди ул гулгунқабо⁶ майдон аро жавлон этиб,
Фамза тифи бирла ошиқни юрокин қон этиб.

Махвашим майдон аро беларда жавлон айлади,
Эл күзини ойнадек дийдорига хайрон этиб.

Новаки⁷ мужгонлари⁸ қатлимға тиркиш
боғламиш,
Чоклик күнглумни қоши ёсиға⁹ курбон этиб.

Ул Худовандеки, қилди еру күкни ошкор,
Шукрким, бизни гадо қилди, сени султон этиб.

¹ Забон – тил.

² Мифтоҳ – қалит, очқич.

³ Дониш – билим, маърифат.

⁴ Тифл – гүдак, бола.

⁵ Жунун – бекарорлик, савдои илик, ұзидан бехабарлик.

⁶ Гулгунқабо – қызыл либос кийган; мажозан: гүзал, зебо.

⁷ Новак – 1) үк; 2) киприк.

⁸ Мужгон – киприк, мижжа.

⁹ Е – ей, камон.

◊(жадон шөрниги дурдонлари)◊

Бўйлаким¹ мумтоз эрурсен барча
султонлар аро,
Шод килғил бандаларни кўнглини эҳсон этиб.

Мубталомен то асири зулфи пуртобинг² улам,
Кил мени озод бошинг узра саргардан этиб.

Боқмадинг бир лутф ила, эй бемурувват
сангдил³,
Нодира хажрингда йиғлар нолау афрон этиб.

* * *

Менки қолдим хажр вайронида бесомон⁴ бўлуб,
Ёр келмас қулбаи вайронима меҳмон бўлуб.

Дашту сахродин суронигин тополмай дард ила
Айланиб келдим яна ғам уйига хайрон бўлуб.

Шарбати лаълинг хумори бирла чандон
йиғладим,
Қатра-қатра кўзларимдин оқди бағрим
кон бўлуб.

Васл аро мағрур эдим дийдорига, шоми фирок
Ўртади жисмимни охир оташи ҳижрон бўлуб.

¹ Бўйла – бунака, бу каби, бу хил, бундай, шунчалик.

² Пуртоб – халка-халка, ўрам-ўрам.

³ Сангдил (Сангиндил) – кўнгли каттиқ, бағритош, берахм, ситамгар.

⁴ Бесомон – чорасиз, саросимага тушган.

↔(ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)↔

Айласам девоналиғ, айб этмангиликим, ул пари
Фойиб ўлмишдур назардин жилваси
пинхон бўлуб.

Нодира, ул меҳри тобон¹ шавқида килдим
жунуни,
Ошкоро бўлди ишқим шухраи² даврон бўлуб.

* * *

Юзингдур қиблай ахли муножот,
Жамолинг шамъидин равшан харобот³.

Бу кун майхонада сахбо килур жўш,
Эрур пири мугондин бу – каромот.

Чу Ҳак мавжуд эрур, олам одам бил,
Сулук⁴ ахлига будур нафъи исбот.

Кўтармок тоғни осон эмастур,
Мену хижрон ғами, ҳайҳот-ҳайҳот!

Менинг ҳолимға йиғлар ошнолар,
Эрур ҳайрон менга бегонадин ёт.

¹ Меҳри тобон – порлок куёш.

² Шухра – машхур, овоза.

³ Харобот – майхона; комил инсон ҳузури; башарий сифатларнинг хароб ва жисмоний вужуднинг фоний бўлиши.

⁴ Сулук – йул, Илохий маърифатга интилган соликнинг руҳий-ахлоқий камолотта эришиш жараёни. Тариқат.

«ЖАХОН ШЕҮРНЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Жаҳонда, Нодира, ишқ ихтиёр эт,
Мұхаббатсиз кечурғон ҳайф авқот¹.

* * *

Рафиқо², менга бир дам дүстлиғ расмини
изхор эт –
Ки, мен бордим үзүмдин, ёр агар келса,
хабардор эт.

Қачон ишқ ахлині үлтурмогини ихтиёр әтсанг,
Жафо тиғи била аввал мени бағримни
афгор³ эт.

Хакорат бирла, эй сокий, бокар майхона
ахлиға,
Сунуб⁴ бир жоми май зоҳидни анда нақши
девор эт.

Менинг холимға йиғлар дашту сахроларда
ваҳшийлар,
Агар күйига борсанг, эй сабо⁵, ёримға
изхор эт.

¹ Авқот – вактлар, дамлар.

² Рағиқ – дүст, улфат.

³ Афгор – мажрух, жароҳатли.

⁴ Сунумоқ – узатмок.

⁵ Сабо – Шарқ томондан эсадиган тонгги ёкимли ва
салқын шамол. Тасаввуфда у Оллох таолонинг раҳмоний
нағасига нисбат берилиб, хайрга боис бўлиши айтила-
ди. Сабо ошикнинг оху ноласини Оллохга, ўз навбатида.
Оллохнинг хабарини ошикқа етказади.

◊(жлаҳон шеърияти дурданалири)◊

Эрур пири муғондин бу башорат, турғил,
эй сокий,
Лаболаб жом ила зоҳидни даъвосини бекор эт.

Кадинг раъно нихоли сарвдур, жоно,
хиром айлаб,
Чаман гулгаштида товусқа таълими рафтор¹ эт.

Юмулмас кўзларим, эй моҳитобон, иштиёқингдин
Чиқиб ер остидин муштоқларға арзи
дийдор эт.

Зулайҳо муштари²ур ганжу гавҳар бирла
vasлига,
Жаҳон аҳлини Юсуфдек жамолингга
харидор эт.

Гули савсан³ очилди, бенаволик қилма,
эй булбул,
Чаманда Нодира ашъори бирла нолау зор эт.

* * *

Васл уйин обод қилдим, бузди хижрон оқибат,
Сели ғамдин бу иморат бўлди вайрон оқибат.

¹ Рафтор – 1) юриш; 2) хатти-ҳаракат; 3) хулк-атвор.

² Муштари(й) – харидор, талабгор.

³ Савсан – гулсапсар.

◊(ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)◊

Килди чоки пираҳан¹ доги дилимни ошкор,
Колмади күнглумда захми² ишқ пинхон оқибат.

Аҳду паймонлар қилиб эрди вафо килғум
дебон,
Айлади тарки вафо ул аҳди ёлғон оқибат.

Орзу қилдим тутарман деб висоли доманин³,
Пора бўлди хажр илгига гирибон⁴ оқибат.

Зоҳидо, ишқу муҳаббат аҳлини маъзур тут,
Ёр кўйида на бўлди шайх Санъон⁵ оқибат.

Баски, кон бўлди юроким – гавҳари
ишқ ўрнига
Катра-катра кўзларимдин томди маржон оқибат.

Оҳким, бўлди яна субхи нашотим шоми ғам,
Чехра пинхон этти ул хуршиди тобон⁶ оқибат.

¹ Пираҳан – кўйлак.

² Захм – 1) яра, жароҳат; 2) озор, хафалик.

³ Доман – этак.

⁴ Гирибон – ёқа.

⁵ Шайх Санъон – Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайро» достони қаҳрамони бўлган машҳур шайх.

⁶ Хуршиди тобон – парлок қуёш; мажозан: гўзал юзли маҳбуба.

Гарчи бор эрди мусаххар девлар фармонида,
Поймоли хайли⁷ мур⁸ үлди Сулаймон⁹ оқибат.

Нодира булбул каби то нола ишо айладим,
Навбахор үтти, хазон үлди гулистон оқибат.

* * *

Хажридин махмурмен, сокий, лаболаб жом тут,
Мен киби ҳар кимки бўлса ринд¹⁰,
дурдошом¹¹ тут.

Истасангким, даргаҳингда пособон үлғай мудом,
Берма ваҳшат ҳажр ила, қўнглум ғизолин
ром тут.

⁷ *Хайл* – 1) тўда, гурух, тоифа; 2) эл, жамоа.

⁸ *Мур* – чумоли.

⁹ *Сулаймон* – шон-шавкатли подшоҳ ва пайғамбар. Унинг мол-мулки ҳад-хисобсиз бўлган. Унга Худонинг сирли ва муқаддас исми – Исми Аъзам маълум бўлиб, бу исм унинг сехрли узугига нақш килинган. Бу узук во-ситасида у нафакат одамлар, балки ҳайвонлар, кушлар, барча инсу жинсларга, табиат ходисаларига ҳам ҳукмини утказа олган.

¹⁰ *Ринд* – шариат ва тариқат боскичларидан ўтиб, ҳакиқат асрорига етган киши. Тасаввуф адабиётида ринд молу давлатни кўзга илмаган ҳурфиксри, исёнкор, майпраст, илохий ишқдан сархуш ва саргардон ошик тимсоли бўлиб келади. Ринд ахли илохий жазава чоғида омма қабул қилмайдиган нозик маънолар ва чукур ҳакикатларни ошкор килишлари, мутаассиб диндорлар томонидан куфр сифатида баҳоланадиган фикрларни илгари суришлари билан машҳур бўлган.

¹¹ *Дурдошом* – май қуйқасини ичувчи.

Бенаволармиз фалак хуршиди янглиғ, сокиё,
Жоми саршори¹ сабухий² бизга ҳар айём тут.

Бұлса гар мақсад күнгуллар қүшларин
сайд айламак,
Дона қил холингни, зулфунг халқасидин
дом тут.

Ёр күйи итлариға ногах үлсанг ҳамнишин³,
Ошнолардур, аларға иззату икром тут.

Гар замоне дахр ғавғосидин истарсен фарог⁴,
Сокини майхона бұл, бир гүшада ором тут.

Бұлмағил Фарходу Мажнундек жахон
афсонаси,
Ишк аро, эй Нодира, ойини⁵ нангу ном⁶ тут.

• • •

Сайр этарда нахлистон⁷, ёр қаддини ёд эт.
Мен қачон дедим сенга орзуи шамшод⁸ эт.

¹ Саршор – тұла, лаболаб.

² Сабухий – тонгги бөш оғири үчүн ичиладиган май.

³ Ҳамнишин – бирга үтирувчи, улфат.

⁴ Фарог – 1) тинчлик, хотиржамлик; 2) рохат, хурсандчиллик; 3) ёруғлик.

⁵ Ойин – 1) расм, одат; 2) йүл-йүрик.

⁶ Нангу ном (Ному нанғ) – обрў-эътибор, шараф, шомус.

⁷ Нахлистон – дарахтзор.

⁸ Шамшод – кичик ва хушбүй гулли, ҳамиша күм-күк яшнаб туралдиган хушкомат ва чиройлы дарахт.

«ЖАХОН ШЕҮРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Хажр шаҳнаси¹ охир үлтуар асирингни,
Бир қиё бокиб, жоно, банди ғамдин озод эт.

Бұлди ёр савдойи, ошиқ әрсанг, эй күнглум,
Накди жон мухайё кил, ёр хотирии шод эт.

Эй күнгүл, фиғонингдин тийрадур фалак касри.
Бу бинопи вайрон қил, ишк уйини обод эт.

Кон тұкарға мойилдур кошларингни шамшири,
Элни қатли ом этсанг, күзларингни жаллод эт.

Гулшан ичра, эй булбул, субҳидам² наво
тортиб,
Гул юзини ёд айлаб, нола бирла фарёд эт.

Ногах ул жаҳон шохи келса, эй күнгүл, борғил,
Шаҳ инонини³ ушлаб, хажр илгидин дод эт.

Даҳр киштзорида⁴ бир шарору юз хирман,
Куйдуурұға оламни барки⁵ ишк бунёд эт.

Хажр можаросиға, Нодира, тахаммул кил,
Бекарор күнглунгни сабр бирла мұyttод⁶ эт.

¹ Шаҳна – посбон, коровул.

² Субҳидам – эрталаб, тонг пайти.

³ Инон – жилов, тизгин, ихтиёр.

⁴ Киштзор – майсазор.

⁵ Барқ – яшин, чакмок.

⁶ Мұyttод – үрганган, одатланган.

«ЖАХОН ШЕҮРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

* * *

Эй сабо, рози дилимни бехабар ёримға айт,
Дардлиғ күнглумнинг ахволини
дилдоримға айт.

Хажр дардидин юракда қолди доғ устида доғ,
Шарх этиб бу можарони лоларухсоримға айт.

Фурқат ичра тушти савдойи Зулайҳо бошима,
Киммати Юсуф баҳо топти – харидоримға айт.

Лутф этиб сурса мени холимни ул номеҳрибон,
Ўлди хижронингда, деб ёри вафодоримға айт.

Сендин айру талхком¹ этди дебон заҳри фирок,
Ёшурун дардимни ул лаъли шакарборимға² айт.

Юз салом айдим, на бўлғай бир йули ул
ҳам деса,
Бул саломимни ўшал ошуфтаи³ зоримға айт.

Нодира, сенсиз тирикликдин на роҳат
курди деб,
Ул ҳумоюнтолеъу⁴ фархундаатворимға⁵ айт.

¹ Талхком – аччик насибали, аламзада, кайғули.

² Шакарбор – шакар ёғдирувчи, шириңсўз.

³ Ошуфта – ошик, мубтало, гирифткор, девона.

⁴ Ҳумоюнтолеъ – баҳти кўлган, икболи баланд.

⁵ Фархундаатвор – гўзал хулқли.

←(ЖАХОН ШЕҮРИЯГИ ДУРДОНАЛАРИ)→

* * *

На гул сайр айла, на фикри баҳор эт,
Жаҳондин кеч, хаёли васли ёр эт.

Мұхаббатсиз киши одам әмастур,
Гар одамсен, мұхаббат ихтиёр эт.

Узору¹ қадду рафторингни күрсат,
Чаман сарву гулинин шармисор эт.

Лаби маҳмуридурмен – жоми май тут,
Карам қил, сокиё, дағыи хумор эт.

«Аналхақ» можаросин айладинг фош,
Кел, эй Мансур², истикболи дор эт.

Дури ашку ақиқи хуни дилни
Келур ёринг аёғига нисор эт.

Куйиб, эй Нодира, олам элиға
Мұхаббат шевасини ошкор эт.

¹ Узор – 1) юз, чехра; 2) хусн, жамол.

² Мансур – машхұр сұфий Мансур Ҳаллож (850–922). «Аналхақ» – «Мен – Ҳакман» дегани учун вахшиёна бир тарзда ўлдирилган.

←(ЖАХОН ШЕРГИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)→

* * *

Ошик улдунг, эй күнгүл, эмди рахи
майхона тут,
Маст улуб, соқий аёгини үпуб, паймона тут.

Эйки, дерсан ошно, бегонадин күрмай зарар,
Оlam ахлидин үзүнгни бир йули бегона тут.

Хусни ишқ айлар сенинг хокистарингни¹ түтиё²,
Шамъдин куймакни касб эт, мазхаби
парвона тут.

Гар тилар бўлсанг ҳаводис³ шоҳбозидин⁴ амон,
Чуғз⁵ янглиғ, эй күнгүл, бир гўшаи
вайрона тут.

Донишу фахму хирад⁶, сабру сукуну
аклу хуш –
Барчани парвонаи шамъни рухи⁷ жонона тут.

¹ Хокистар – кул.

² Түтиё – кўзни равшан килиш учун ишлатиладиган мураккаб дори, сурма тоши.

³ Ҳаводис – ходисалар, воеалар.

⁴ Шоҳбоз – лочин.

⁵ Чуғз – бойқуш, бойўғли.

⁶ Хирад – акл.

⁷ Рух – юз.

↔ [ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ] ↔

Бўлма гирудорига¹ мағурур гар окил эсанг,
Давлати дунёни уйқу фарз кил, афсона тут.

Айлагил обод тавфику адолат мулкини,
Нодира Мавло² йўлида химмати мардона тут.

* * *

Дода келдим, эй салотин сарвари³, додим эшит,
Сен шаху мен бенаво, лутф айла,
 фарёдим эшит.

Мадди⁴ охим шуъласи ҳуснунг дабиристонида⁵
Мисраи баржастадур, эй сарви озодим⁶, эшит.

Сарвинаозим, сендин айру нахли охим
 булди хам,
Коматинг ҳажрида синди шохи шамшодим,
 эшит.

Ҳар нечаким, сабр таъмирини бунёд айладим,
Ашқ селобида вайрон ўлди ободим, эшит.

¹ *Гирудор* – 1) хукмронлик, хукмфармолик; 2) тортишув.

² *Мавло* – соҳиб, эга. Бу ерда: Худо маъносида.

³ *Сарвар* – сардор, пешво, кавмнинг улуғи.

⁴ *Мадд* – чўзиқлик, давомлилик.

⁵ *Дабиристон* – мактаб.

⁶ *Сарви озода* – тик ва баланд сарв.

«ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Барча ёру ошнодин айладинг бегоналиғ,
Неча кунлар бўлди, ҳаргиз килмадинг ёдим,
эшит.

Келки, бир соат сени курмак учун муштоқмен,
Телба бўлдим сендин айру, эй паризодим,
эшит.

Нодира боди сабодин¹ сенга ирсол² этгони
Килди инишо бу ғазални, табъи ношодим³, эшит.

* * *

Фарҳод агар урса менга лофи муҳаббат,
Бир ох ила айларман ани доғи хижолат.

Харчандки, бемори ғами ишк эди Мажнуи,
Дардимни кўруб, тишлади ангушти⁴ надомат.

Фарходда бўлсайди менинг ғайрати ишқим,
Бир ох ила айлар эди ул тоғни ғорат.

Мажнунда агар бўлса эди сабру тахаммул,
Килмасми эди мен каби шаҳр ичра иқомат⁵.

¹ Боди сабо – тонг ели.

² Ирсол – юбориш, жўнатиш, узатиш.

³ Ношод – хафа, ғамгин, қайгули.

⁴ Ангушт – бармок.

⁵ Иқомат – 1) яшаш, истикомат килиш; 2) бир жойда туриш, муким бўлиш.

«ЖАДРН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Гар бўлса Зулайхода менинг заррача ишким,
Колмас эди Юсуфни фироқида саломат.

Ишк оғатига тоғ таҳаммул кила олмас.
Мен-менки қилурман бу ғаму дардга токат.

Дарду аламу гуссаки, хажрида чекарман,
Бу меҳнату ғам кимдадур, эй аҳли муҳаббат.

Юздин бири Мажнунда агар бўлса ғамимни,
Бир оҳ ила оламға солур шўри киёмат.

Ҳар ҳолда, эй Нодира, шукр айла Худоға –
Ким, берди сенга ишқу муҳаббат била давлат.

* * *

Кел, даҳрни¹ имтиҳон этиб кет,
Сайри чамани жаҳон этиб кет.

Бедардларинг жафоларидин
Фарёд чекиб, фифон этиб кет.

Дунё чаманини булбулисен,
Гул шоҳида ошён этиб кет.

Эй ашк, кўзимни мактабидин,
Хайрат сабақин равон этиб кет.

¹ *Даҳр* – 1) дунё, олам; 2) давр, замон.

Оlam чаманики бевафодур,
Бир оҳ била хазон этиб кет.

Ушшоқ мақоми бўстондур,
Азми раҳи бўстон этиб кет.

Максад на эди жаҳона келдинг?
Кайфиятини баён этиб кет.

Фош этма улуска¹ ишқ сиррин,
Кўнгулда ани ниҳон этиб кет.

Кел, ишқ йўлида кўзларингни,
Эй Нодира, дурфишон² этиб кет.

* * *

Хар кимда агар бор эса осори³ мухаббат,
Айлар анга маҳбублар изхори мухаббат.

Майхонаи ишқ ичра хуш ул риндки, тунлар
Бир журъа учун бор эса бедори мухаббат.

Хушдур киши дунё ғамини қилса фаромуш,
Ложуръа⁴ чекиб соғари саршори мухаббат.

¹ Улус – эл, ҳалқ, омма.

² Дурфишон – дур сочувчи.

³ Осор – белгилар, нишонлар.

⁴ Ложуръа – нафас олмай кетма-кет ичиш.

«ЖАҲОН ШЕҶРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Тут файрдин, эй хаста, қўнгул доғини пинҳон,
Гар сўрса бирор, айлағил инкори мухаббат.

Роҳат тиласанг, ишқ биносини паноҳ эт,
Осуда эрур сояи девори мухаббат.

Болини¹ уза борди иёдатға² Масихо,
Хуршид эди чархда бемори мухаббат.

Гар таънаи ағёрдин³, эй дил, ҳазар этсанг,
Оlam элига бўлмағил икрори мухаббат.

Тасбехи риёйи била мағрур эди зоҳид,
Тавфик топиб, боғлади зуннори⁴ мухаббат.

Эй Нодира, зуҳд ахлини майхонада кўрсанг,
Дам урмаки, фош ӯлмасун асрори мухаббат.

* * *

Гулбуни⁵ назокатсен – сайри боғу майдон эт,
Жилва қилмоқ истарсен, кўзларимда
жавлон эт.

¹ Болин – ёстик.

² Иёдат – қувватлаш, ёрдам бериш, хол сўраш.

³ Ағёр – бегоналар, ғанимлар.

⁴ Зуннор – насроний динидагилар белига боғлайдиган чилвир. Ислом мамлакатларида ғайримусулмонлар хам зуннор боғлаб юришган. Тасаввуфда зуннор – ҳакиқий маҳбуба хизмати ва тоатига бел боғлаш.

⁵ Гулбун – гул, гул бутаси.

↔(ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)↔

Гул чаманда шарм айлаб, ғунча мунфаил¹
бұлсун,
Пардани күттар юздин, лабларингни хандон эт.

Эй күнгүл, агар сенга ёр васлиидур максад,
Тарк айлаб оламни, азми күйи жонон эт.

Гар бизоат² истарсен – тарки суду³
савдо қил,
Хусн әлиға ошиқ бұл, дарди доғу сомон⁴ эт.

Ёр ёди бу охшом күнглум ичра меҳмондур,
Эй күзум, dame анда ёш түкуб, чароғон эт.

Эй нигор, хажрингда мушкул үлди жон
бермак,
Күрсатиб жамолингни үлмакимни осон эт.

Доги ишқ асрорини нукта-нукта⁵ шарх эттим,
Нодира, ани элға фош қилма, пинхон эт.

¹ Мунфаил – 1) таъсирланган, ҳаяжонланган; 2) хижолатда колган, уялган, шармисор.

² Бизоат – молу мато, нарса.

³ Суд – фойда, манфаат, наф.

⁴ Сомон – бу ерда: тартыб-интизом.

⁵ Нукта – нозик ва чукур маъноли сўз, хикмат.

«ЖАХОН ШЕҮРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

* * *

Жонимға жафолар била жонона қилур баҳс,
Бир лаҳза күзүмни ёши гүфона қилур баҳс.

Ул зулфи диловез¹ ашколини² очмай,
Бехуда надин тил узотиб, шона³ қилур баҳс.

Зохид, мани девонаға күргүзма таарруз⁴,
Мажнунға қачон оқилу фарзона⁵ қилур баҳс.

Куймак эрур ошиқ била маңшук тарики,
Бу маҳфил аро шамъ ила парвона қилур баҳс.

Камдур тулун ой бұлса жамолингга баробар,
Хуршида қулогингдаги дурдана қилур баҳс.

Бу марҳалада⁶ қолмади халқ ичра тафовут,
Бу турфаки, оқил ила девона қилур баҳс.

Оташмидур, эй Нодира, бу мадраса ахли,
Хар нечаким таслим этарам, ёна қилур баҳс.

¹ *Диловез* – дилга ёқувчи.

² *Ашкол* – бу ерда: чигаллик.

³ *Шона* – тарок.

⁴ *Таарруз* – зәтиroz, қаршилик.

⁵ *Фарзона* – оқил, доно, донишманд.

⁶ *Марҳала* – 1) манзил, масофа; 2) манзилгох, карвонсарой.

* * *

Бевафодур бу жахон – суду зиён барча абас¹ –
Ким, ғами айши баҳор ила ҳазон барча абас.

Булма андишай савдоси била саргардон,
Йуқу бори ғамидинг вахму гумон барча абас.

Топмаса ёр жанобиға² шараф бирла қабул,
Оху фарёдинг ила шүру³ фиғон барча абас.

Булмаса ошикка гар ёр висоли максуд,
Орзую хавасу жону жахон барча абас.

Фуқаро ҳолиға гар бокмаса ҳар шоҳ, анга
Ҳашмату⁴ салтанату⁵ шон барча абас.

Шоҳ улдурки, раиятга⁶ тараҳҳум⁷ қилса,
Йук эса коидай амну⁸ амон барча абас.

Нодира, булмаса гар ишқ үтин таъсири
Алами зохир ила доғи нихон барча абас.

¹ Абас – бехуда, бекор.

² Жаноб – бу ерда; даргоҳ, остона, ҳузур.

³ Шүр – ғавғо, түполон, нотинчлик.

⁴ Ҳашмат – 1) ҳашамат, дабдаба, салтанат, шону шавкат; 2) курмат-иззат, эътибор.

⁵ Риғъат – баландлик, юксаклик.

⁶ Раият – фуқаро, ҳалк.

⁷ Тараҳҳум – раҳм этиш, шафкат килиш.

⁸ Амн – тинчлик, осойишталық.

←(ЖАХОН ШЕҮРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)→

* * *

Килмағил зинхор изхор эхтиёж –
Ким, азиз әлни килур хор эхтиёж.

Хеч ким оламда фориғбол¹ эмас,
Хар ким үз микдорича бор эхтиёж.

Ганжи ҳуснунгни закотин² бер менга,
Сен ғанийсан³, менда бисёр⁴ эхтиёж.

Күзларим айлар юзингни орзу –
Ким, эрур күзгуга дийдор эхтиёж.

Мустаманд⁵ этти мени мухтожлик,
Килди ҳожатмандинг, эй ёр, эхтиёж.

Гар тиларсен обру ахбоб аро,
Айлама зинхор изхор эхтиёж.

Кил раво албатта ошиқ ҳожатин,
Бокмағил арз этса ағёр эхтиёж.

¹ *Фориғбол* – хотиржам, күнгли тинч, беташвиш.

² *Закот* – ислом динида мухтожлар фойдаси учун хар иили умумий даромаднинг киркдан бир улуси микдорида бериладиган солиқ.

³ *Ғаний* – 1) бой-бадавлат; 2) эхтиёжсиз.

⁴ *Бисёр* – күп, ортик, зиёда.

⁵ *Мустаманд* – 1) хаста, нотавон; 2) мухтож, ҳожатман.

◊(ЖАҲОН ШЕҶИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)◊

Бир тараҳхум зоҳир этсанг нетгуси,
Килди ҳуснунга мени зор эҳтиёж.

Ёр васлини тиларман, Нодира,
Айлади кўнглумни афгор эҳтиёж.

* * *

Кетти ҳушум ул париваш жилва оғоз¹ айлагач,
Ўртади жон пардасин мутриб наво соз айлагач.

Тонг эмас, қилса юзи машшотани² бедасту по,
Айлади ойинани сув чехра пардоз айлагач.

Лаблари тўкти табассум шаҳдиции оби хаёт,
Қўзлари юз фитна барпо айлади ноз айлагач.

Ноз бирла боғбони сунъ бу гулзор аро
Сабзу хуррам қилди сарвингни³ сарафroz⁴
айлагач.

Фурсати умри кироми⁵ утганин расво кўнгул
Билди фафлат уйқусидин кўзларин боз⁶
айлагач.

¹ Оғоз – бошланиш, киришиш.

² Машшота – пардоз килувчи.

³ Сарв – кишин-ёзин кўм-кўк бўлиб яшнаб турадиган иғнабаргли ва хушкомат дараҳт. Мумтоз адабиётда маъшуканинг келишган зебо қадди-коматини сарвга нисбат берадилар.

⁴ Сарафroz – юксак, баланд; хурсанд, мағрур; мумтоз.

⁵ Киром – азиз, улуг.

⁶ Боз айламоқ – очмок.

←(ЖАХОН ШЕРНЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)→

Сайд этар бир дамда олам ахлини мурви¹
дилин,
Кошларин шохин этиб, күзларни шахбоз
айлагач.

Вомику Фарходу Мажнундин мұқаддам
билди ёр,
Нодира ишкіни ошиқлиғда мұмтоз² айлагач.

* * *

Эй күнгүл, ёр учун жаҳондии кеч,
Хаваси боғу бүстондин кеч.

Анга ўзлук³ била стиб бұлмас,
Истасанг васли ёр, жондин кеч.

Оlam ахлида чун вафо йўқтур,
Бир йули яхшию ёмондин кеч.

Бұлғил Анқои Кофи⁴ истиғно,
Эй хумо⁵, мушти устухондин⁶ кеч.

¹ *Murde* – құш.

² *Мұмтоз* – 1) танланган, сараланган; 2) сарбаланд.

³ *Ўзлук* – инсоннинг нафс ва дунё билан боғликлити.

⁴ *Коф* – аждодлар тасаввурига кўра бутун дунёни ураб олган тор.

⁵ *Хумо* – кимнинг бошига сояси тушса, уша киши баҳтили бўлади, деб эътиқод килинадиган ағсанавий давлат қуши.

⁶ *Устухон* – суюк.

<ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ>

Бўлдунг, эй жон, асири шахри фано¹
Ким деди мулки жовидондин кеч.

Кеч, дединг, ёру ошнолардин,
Менга лекин, дема, фалондин кеч.

Нодира шўри ашки дарёдур,
Ушбу дарёи бекарондин² кеч.

* * *

Бўлди ул хуршидтальъат³ ҳажридин ғамнок⁴
субх,
Хар сахар мендек гирибонини айлар чок субх.

Чекти оху катра-катра тўқди анжум ашкини,
Дуди⁵ савдодин фалак рухсорин этти пок субх.

Кавкаб эрмас хар сахар тобон⁶ фалак
майдонида –
Ким, қилур бир ой ғамидин дийдасин намнок⁷
субх.

¹ *Фано* – ұлиш, йўқ бўлиш. Тасаввуфда банданинг Ҳакда фано топиши, яъни башарий ҳусусиятларнинг илохий сифатлар ичра йўқ бўлиши.

² *Бекарон* – бехад, бепоён, беинтиҳо, бехосил, жуда кенг.

³ *Хуршидтальъат* – куёш юзли, гўзал.

⁴ *Ғамнок* – ғамгин, қайғули.

⁵ *Дуд* – 1) тутун; 2) тўзон.

⁶ *Тобон* – порлок, равшан, дурахшон, ёрқин. Куёш, ой ва гўзал юз маъносига келади.

⁷ *Намнок* – ҳўл, ёшга тўла.

⇒(ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)⇒

Булди расво айлагач дөғи ниҳонин ошкор,
Халқдин асрори¹ меҳрин қилмади имсок² субх.

Хар сахар эрмас фалак майдонида гарду ғубор,
Курди бу мажнун ғамидин боши узра хок³
субх.

Ком топмай васл шоми бир-биридин икки ёр,
Кўргузуб меҳрин жаҳон равшаш қилур бебок⁴
субх.

Нодира олам нашоти фуссасига арзимас,
Қилди bemavkeъ ёкосин чок беидрок субх.

* * *

Агар бўлса кишини ёри фарруҳ⁵,
Муборакдур юзи, дийдори фарруҳ.

Кани ул ёрдек шириншамойил⁶,
Лаби шаҳду шакар, гуфтори фарруҳ.

Менинг ёрим парилар шохи эрди,
Жамоли дилкашу атвори фарруҳ.

¹ Асрор – сирлар, яширин нарсалар.

² Имсок – парҳез, саклаш, тийиш.

³ Хок – тупроқ; кул.

⁴ Бебок – 1) ботир, қурқмас; 2) золим, тошбагир.

⁵ Фарруҳ – муборак, баҳтиёр.

⁶ Шириншамойил – гўзал, зебо.

«ЖАХОН ШЕҮРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Нихоли комати сарви хиромон¹,
Юзи гул, лаъли шакарбори фаррух.

Эрур майхона файзи майманатлиғ²,
Лаболаб соғари³ саршори фаррух.

Менга зоҳид юзидур номуборак
Ва лекин жуббау⁴ дастори⁵ фаррух.

Булибдур Нодира мумтози маъни,
Каломи равшану ашъори фаррух.

* * *

Ёр керак ошиқа, менда севар ёр йўх,
Дарду ғамим беадад, сургали ғамхор⁶ йўх.

То абад обод ула шахри фано кучаси,
Жаннат эрур ошиқа андаки озор йўх.

Булди хаёлинг била кунглум уйи дилкушо,
Келки, бу вайронада сояи девор йўх.

¹ Сарви хиромон (*Сарви равон*) – юрувчи, хирометувчи сарв, яъни чиройли юришли маҳбуба.

² Майманат – саодат, хушбахтлик.

³ Соғар – май ичиладиган идиш, пиёла, жом, қадаҳ. Тасаввуфда ғайб сирларини мушоҳада киладиган орифнинг қалби. Мастлик ва шавқни ҳам соғардан тилайдилар.

⁴ Жубба – қаландар ва шайхлар киядиган пахтали маҳсус тўн.

⁵ Дастор – салла.

⁶ Ғамхор – ғамхўр, меҳрибон.

◊(ЖАХОН ШЕЪРНИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)◊

Махфили айём аро мояи¹ айшу нишот,
Барча мухайё менга, хайфки дилдор йўх.

Фунчав гул teng эмас лаълинг ила оғзинга,
Гулда шакархандау фунчада гуфтор йўх.

Ўтса хиром айлабон жилва била чобукум²,
Етмас анинг қадлиға, сарвда рафтор йўх.

Элга, не тонг, айласа оху фифоним асар,
Менга бу кун, Нодира, ёрдин осор йўх.

* * *

Иннома лофи мухаббатдин элга урса занах³ –
Ки, бордур ишқ ила зоҳид ароси юз фарсах⁴.

Фалак ажузасидур⁵ турфа шухи ғаддора⁶ –
Ки, неча шайхдин олди кўнгулни, айлади шах.

Ҳарир пироханинг риштасига не нуқсон.
Ярамни тиккани андин ишоят эт бир нах⁷.

¹ Моя – 1) асл, мохият, асос; 2) сабаб, боис.

² Чобук – 1) тез, чаккон, илдам; 2) шүх, ўйноки, гўзал.

³ Занах урмоқ – кўп тапириш, лақицлаш.

⁴ Фарсах – тахминан 6 км.га teng узунлик ўлчови.

⁵ Ажуза – жодугар, маккора.

⁶ Ғаддора (Faddor) – 1) маккор, ҳийлагар; 2) хоин, алдамчи.

⁷ Нах – ришта, ип.

«ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Нечук таҳаммул этар мушти пайкари хокий¹ –
Ки, тоқат этмади хижрон азобига дўзах.

Ҳарис меъдаси тулмас жаҳон хирожи била,
Наким йўлукти анга, килди дохили матбах².

Бу барча ажз ила исботи нотавонлиғидур –
Ки, мур қилди Сулаймонға тухфа пои малах³.

Вубол⁴ Нодира ёр оллида ракиб юзи,
Нечукки, юз уза нуқсони хусн эрур озах⁵.

* * *

Ўтти кўксумдин ўқинг – сарви равондин
берди ёд,
Захмларким қолди андин, гулситондин
берди ёд.

Мехнати хижрон аро нокомлиғ чекканлара
Васл аро ўлмак хаёти жовидондин берди ёд.

Огах этти элни ашким сабиту сайёраси,
Дуди охимдур фалакда қаҳкашондин⁶
берди ёд.

¹ *Хокий* – тупрокдан яратилган.

² *Матбах* – ошхона.

³ *Малах* – чигиртка.

⁴ *Вубол* – увол, гуноҳ.

⁵ *Озах* – ҳусибузар.

⁶ *Қаҳкашон* – юлдузли осмонда кўринадиган ок йўл,
сомон йўли.

❖(ЖАХОН ШЕҮРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)❖

Айлагач барбод айшим ҳосилин хижрон ели,
Ошноларға сориғ рангим сомондин берди ёд.

Вокиф үлдім дахр боғини гули ратьносидин –
Ким, баҳори ранг келтургач хазондин
берди ёд.

Еридин айрилди деб ҳар күп манга даври
фалак
Күргузуб меҳрини, ул номеҳрибондин
берди ёд.

Нодира қылғоч муҳаббат нашъасидин гүфтүгу¹,
Лаззати шеъри Умар² соҳибқирондин берди ёд.

* * *

Чун этар дарду бало хайлымға хижрондин
мадад,
Охким, етмас ҳазин жонимға жонондин мадад.

Базли³ ишқ эттим бо ғайр⁴ лаъли жигар
ёкутини,
Булмади найсон⁵ чашми гавҳарағиондин
мадад.

¹ Гүфтүгу(й) – суҳбат, гаплашиш, нутқ.

² Бу ерда Амир Умархон күзда тутилмокда.

³ Базл – 1) сарф, харж; 2) инъом, эхсон.

⁴ Бо ғайр – бегона билан.

⁵ Найсон – сурёний тақвими бүйича еттингчи ой – алрелга түғри келади. Ривоят кишилларича, бу ойда ёрадиган ёмғир томчиларидан садаф ичидә марварид ҳосил бўлади.

«ЖАХОН ШЕҮРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Хар күнгүл ғам тиғидин мажрух бұлмай
қолмади,
Тобқали ул ғамзаи хунрез¹ мужгондин мадад.

Тез үлур ағёр таънидин жунуним оташи,
Үт туташқондек топиб хори² биёбондин мадад.

Партави³ эхсон буроқмиш⁴ зарраларға офтоб,
Кошки етса бу ожиз қулға султондин мадад.

Тонг этмас, қылса жафо иқлимини зеру
забар⁵ –
Ким етар дин лашкари ул ҳазрати Хондин
мадад.

Еткуур имдод⁶ қулларға дамодам Нодира,
Зарраға етган киби меҳри дурахшондин⁷ мадад.

* * *

Ажални дастидин юз доду фарәд –
Ки, умрим ҳосилини берди барбод.

¹ Хунрез – 1) кон түкүвчи; 2) золим, ситамгар.

² Хор – тикан.

³ Партағ – нур, ёғду, шуъла ёруғлик.

⁴ Буроқмоқ – чикмок.

⁵ Зеру забар – остин-устун, нотинч.

⁶ Имдод – ёрдам, мадад.

⁷ Дурахшон – порлок, ялтирок.

←(ЖАХОН ШЕҮРНЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)→

Музайян¹ қилма тархи истикомат,
Жаҳони бебакодур, сустбунёд².

Күнгүл қасри муҳаббат доғи бирла
Муаббад³ то абад маъмуру обод.

Жаҳон маккора золи⁴ бевафодур,
Вафо бирла күнгүлни қилмади шод.

Қани Фарҳод ила Мажнун нишони,
Қани Ширину Лайли, айлагил ёд.

Алойиқ⁵ барча занжири ажалдур,
Күяр андоғки, доми хийла сайёд.

Күнгүллар Нодира ашъоридин хуш,
Деди Ноҳид⁶ ўкуб юз оғарин бод!⁷

* * *

Жаҳон боғида, эй хури паризод,
Хижилдур коматингдин сарву шамшод.

¹ Музайян – зийнатланган, безанган.

² Сустбунёд – асоси бүш, омонат.

³ Муаббад – мангү, абадий.

⁴ Зол – кария (камлир, чол).

⁵ Алойиқ – борликлик, алока, муносабат.

⁶ Ноҳид – Венера сайёраси.

⁷ Оғарин бод – оғарин бўлсин.

Тағофул¹ бирла кон түкмак фанида
Күзинг шогирди шўху ғамза устод.

Хиромон келгил, эй сарви равоним,
Қадинг нахлин бисёр айладим ёд.

Мени ул ой висолидин айирдинг,
Алингдин, эй фалак, юз доду фарёд!

Менга хажр ичра, эй гардун, жафо қил –
Ки, бўлдим дарду ғам чекмакка мұттод.

Риёзат² бирла қўнгулга сафо³ бер,
Бўлур ойина сайқал бирла фўлод.

Тилар илон кўнгул тандин фароғат,
Бу булбулни қафасдин айла озод.

Гар эрса Каъба таъмири муродинг,
Кўнгул вайронасини килғил обод.

Фалак жаври била ул ой фироқи
Менга, эй Нодира, бас, мунча бедод.

¹ Тағофул – ўзни билмасликка солиш, зътиборсиз бўлиш, беларволик.

² Риёзат – тариқатта кирган соликнинг камолот касб этиш ва Ҳаққа етиш йўлида чекадиган машаккатлари, ранжу изтироблари.

³ Сафо – риёзат чекиши натижасида дилнинг нафс хоҳишлари, ёмон иллатлар, ғаддор дунё ва Худо ёдидан бўлак нарсалардан кутулиб, покланиши.

* * *

Харчанд эрур ахли жаҳон жонифа хурсанд,
Бордирму менингдек лаби жононифа хурсанд.

Қумри ани қаддини кўруб мунфаил ўлди,
Харчанд эрур сарви хиромонифа хурсанд.

То курди анинг мохи жамолини муайян,
Хуршид эмас чехраи тобонифа хурсанд.

Кўнглумдағи ул шамъи шабистон¹ ҳавасидин,
Ҳар лаҳза эрур оташи пинхонифа хурсанд.

Хаттини кўруб ғунча сифат тангдил ўлғай,
Гулшанки, эрур сабзай райхонифа хурсанд.

Азбаски², кўнгул ёр ғамидин тараб³ этмиш,
Хижрон тунилур нолай афғонифа хурсанд.

Мажнунлиғ эрур, хуш либосин ҳавас этмаз,
То Нодирадур чоки гирибонифа хурсанд.

¹ Шамъи шабистон – тунни ёритувчи чирок; мажозан: тўзал маҳбуба.

² Азбаски – чунки, шунинг учун.

³ Тараб – шодлик, хурсандчилик, айшу ишрат.

«ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

* * *

Нашъай саҳбо дагул¹ жоми висолингдек лазиз,
Шарбати кавсар² эмас ширин зилолингдек
лазиз.

Касри фирдавс³ ичра ҳавро⁴ илкида жоми
таҳур⁵,
Барчаси эрмас тамошои жамолингдек лазиз.

Етмади тӯти сенга тақлиди гуфтор айлаюб –
Ким, эмастур сўзлари ширин мақолингдек⁶
лазиз.

Шарбати оби хаёту бодаи кавсар эмас,
Хандау лаъли лаби гулфоми олингдек⁷ лазиз.
Менки ул шўхи шакарлаб ҳажрида
ранжурман⁸,
Заҳри ғамдур менга, эй занбур⁹, болингдек
лазиз.

¹ Дагул – эмас.

² Шарбати кавсар – кавсар суви. Кавсар – жанинатдаги ховуз, булок. Унинг суви асалдан ширин, кор ва сутдан оқ бўлиб, ичган киши абадулабад ташниалик нималигини билмайди.

³ Фирдавс – жанинат, саккизинчи жанинатнинг номи.

⁴ Ҳавро – ҳурлар, гўзаллар.

⁵ Жоми таҳур – жанинатда мўминларга улашиладиган шароб. Бу шаробдан ичганлар Оллоҳ таолонинг дийдорига мушарраф бўлар эканлар.

⁶ Мақол – 1) сўз, нутқ; 2) сўзлаш, гапириш.

⁷ Ол – қизил.

⁸ Ранжур – дардманд, эзилган.

⁹ Занбур – ари.

«ЖАХОН ШЕРГИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Гул эмас рангин жамолинг бўстонафрўздек¹,
Донаи райхон эмас юз узра холингдек лазиз.

Ёди лаъли майпарастин ёр этарсен, Нодира,
Нашъай саҳбо эмас рангин хаёлингдек лазиз.

* * *

Эй такаллум бирла гуфторинг лазиз,
Шарбати лаъли шакарборинг лазиз.

Тоити лаълингдин фарах² маҳмурлар,
Софари лабрези³ саршоринг лазиз.

Не бало шириншамойил ёрсен,
Талъатинг⁴ ширину дийдоринг лазиз.

Зулму жаврингни менга қилким, эрур
Нотавон жонимга озоринг лазиз.

Қилма, эй девона, унноб⁵ орзу,
Бордур андин лаъли дилдоринг лазиз.

Жонима ёдинг ҳаловат еткуурур,
Эй хаёли моҳрухсоринг⁶ лазиз.

¹ Бўстонафрўз – бўстонга зеб берувчи.

² Фарах – хурсандчиллик, шодлик.

³ Лабрез – тўла, лиммо-лим.

⁴ Талъат – юз, чехра.

⁵ Унноб – чилонжийда; мажозан: кизил лаб

⁶ Моҳрухсор – ой юзли.

«ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНИЛАРИ»»

Нодира ул лаъл лаб васфин дединг,
Булди сар то по¹ ашъоринг лазиз.

* * *

Шарбати лаъли лабинг қанди мукаррардек²
лазиз,
Лабларинг бирла қаломинг шаҳду шаккардек
лазиз.

Жон берурлар лаъли нобинг шавқида
Хизру Масих –
Ким, эрур лабташналар комига кавсардек
лазиз.

Ҳалқаи зулфунг баногӯшингда³ кўнглум
домидур,
Донаи холинг юз узра мушку анбардек лазиз.

Факр эли⁴ султоним, меҳнат⁵ диёридур еrim,
Гарди роҳинг бошим узра тожи афсардек⁶
лазиз.

¹ Сар то по – бошдан-оёк.

² Қанди мукаррар – кайта тозаланган қанд.

³ Баногӯш – қулок солинчоги.

⁴ Факр эли (Факр аҳли) – факр мақомига мансуб кишилар; сўфийлар.

⁵ Меҳнат – 1) машаккат, кийинчилик; 2) азоб-уқубат;
3) ғам-қайғу.

⁶ Афсар – тож.

Маснадинг¹ гар ўлса туфроғу либосинг
эски шол,
Бу тажаммулдур² сенга хоқону қайсардек
лазиз.

Шаҳди ноби шарбати унноб ила нукли³ шакар,
Бўлмамиш махмурлар комига соғардек лазиз.

Нодира васлин тилаб килдим бу оламдин
гузар⁴,
Давлати дунё эмас дийдори дилбардек лазиз.

* * *

Эй кўнгул, ишқ ичра юфил бўлма,
ёр алдин кетар,
Ёрсиз айшу нашоти рўзгор алдин кетар.

Муддао осойиши жон ўлса зинхор, эй кўнгул,
Ихтиёр этма муҳаббат, ихтиёр алдин кетар.

Бода ич, ишрат суруди⁵ бирла созу айш қил,
Кўз очиб-юмғунча айёми баҳор алдин кетар.

¹ *Маснад* – 1) ўрин, таҳт; 2) даражা, мартаба; 3) остона, даргоҳ; 4) суюнчиқ.

² *Тажаммул* – 1) безаниш, зийнатланиш; 2) зеб-зийнат, ҳашамат.

³ *Нукъ* – газак.

⁴ *Гузар* (*Гузор*) – ўтиш, кечиш.

⁵ *Суруд* – куй, оҳант; кўшик, ашула.

◊ **ЖАХН ШЕРГИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ** ◊

Бевафолар меҳрини тарқ айла,
эй шайдо күнгул,
Йүқса бу йўлда алингда ҳарна вор,
алдин кетар.

Ишқ то пинҳон эрур, илкингдадур
нақди висол,
Бу гухарни элга қилсанг ошкор, алдин кетар.

Хусн боғи олмасидур ғабғабинг¹, лаълинг анор,
Олма сори майл агар қилсанг,
анор алдин кетар.

Наргисинг бўлса хумори, сайд этар ушшокни,
Қилма масти жом истиғно, хуммор
алдин кетар.

Муғтанамдур² давлати дийдор, агар шукр
этмасанг,
Нодира, домони васли шаҳриёр³ алдин кетар.

* * *

Войким, уз ёридин қатъи⁴ мухаббат қилди ёр,
Бир йўли тарки вафо бирла мурувват
килди ёр.

¹ *Ғабғаб* – ияк.

² *Муғтанам* – ғанимат.

³ *Шаҳриёр* – буюк подшоҳ.

⁴ *Қатъ* – тарқ этиш.

←(жаҳон шеърияти дурданалари)→

Бенаволарни висоли базмидин маҳрум этиб,
Дӯстларни мубталои доғи фурқат қилди ёр.

Чун пари янглиғ назардин бўлди пинҳон,
билимадим,
Кайси манзилда ҳавои истиқомат қилди ёр?

Айласам девоналиғ, маъзур тутким, эй рафиқ,
Ақлу хушу сабру оромимни ғорат қилди ёр.

Бир йўли меҳру вафо расмин фаромуш
айлади.
Ишқ элига жавру зулм этмакни одат қилди ёр.

Тушда ёримни кўруб, айдим, бери кел,
айланай,
Коши бирла, сен бери кел, деб ишорат
қилди ёр.

Оlam ахлидин мукаддар¹ эрди ёрим, Нодира,
Барчадин фориғ бўлуб, рафъи кудурат²
қилди ёр.

¹ Муқаддар – хафа, ғамгин.

² Кудурат – 1) хирадлик, ғубор; 2) ғам, андуҳ;
3) душманлик, адоварат.

«(ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛИРИ)»

* * *

Килма ғуур, эй күнгүл, кимга жаҳон
вафо килур,
Кимники сайд айлади, ғусса била фано килур.

Мехру муҳаббат ахлиға чарх муруват
айламас,
Жавр ила икки ёрни бир-биридин жудо килур.

Бодан лолараңг ичиб, чехрасин арғувон этиб,
Ошики мустамандини рангини қаҳрабо¹ килур.

Гулшани васлин орзу қилса қүнгүлни булбули,
Ёр юзини ёд этиб, нола чекиб, наво килур.

Золи фалакни, эй күнгүл, макридин айлагил
хазар,
Йүкса сени фириб ила домига мубтало килур.

Эмди Худо ризосини Нодира ихтиёр этиб,
Элга адолат айлабон тавбай Раббано² килур.

¹ Қаҳрабо – сарик рангли тош. Уни чармга ишқаб, сомон, хасга яқинлаштирилса, уларни ўзига тортади.

² Раббано – эй бизнинг Парвардигоримиз.

* * *

Үтти нашот фурсати, келмади ёрдин хабар,
Бұлди күнгүл сұроғида хастау зору дарбадар.

Сарв чаманда бош чекиб, гуллар очилса
тонг эмас,
Вах, неча сарви гулбадан қилди бу
боғдиян сафар.

Улки, замона базмида айлади сарбаланд үзин,
Бошдин-оёғи шамъдек үртади, қисса мұхтасар¹.

Васл баҳори гул очар меҳру вафо риёзида²,
Хажрида лола баргидек доғ ила қон үлуб
жигар.

Дашти жунун насимииск телба күнгүл
хаёл ила
Топмади сарбасар³ юруб ёр суроғидин асар.

Дарди дилингни, эй күнгүл, сүрөли келса
ёр ити,
Күй жигарингни олиға, хайри таоми моҳазар⁴.

¹ Мұхтасар – қиска, лұнда.

² Риёз – боғлар.

³ Сарбасар – бошдан-оёқ.

⁴ Моҳазар – тайёр ва мавжуд нарса.

«ЖАХОН ШЕҮРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Гарчи фироқ дардидин бўйла низор¹ ўлмишам,
Нодира, холи зорима солмади ёр бир назар.

* * *

Навбаҳор ўлди, яна шўриш² қилур девоналар,
Бўлди гулшан қушлари гул шамъия
парвоналар.

Булбули девонани шўридаҳол³ этмак учун
Ҳар тарафдин лолау гул илкида паймоналар.

Шўри савдои жунун түғён этар ҳар навбаҳор,
Йиғланг, эй ишқу мухаббат жомидин
мастоналар!

Кимга изҳор этгамен кўксумни пинҳон доғини,
Ошнолар холидин огоҳ эмас бегоналар.

Келмади ишким ҳадисидек дафтари
дилфириб⁴,
Ёздилар Фарҳоду Мажнундин неча афсоналар.

Келса ногаҳ ёр хоки пойиға айлай нисор,
Нечаким тўқтум кўзумни ёшидин дурданалар.

¹ Низор – озғин, замф.

² Шўриш – фитна, тўполон, исён.

³ Шўридаҳол – паришонхотир, ошуфтахол, бекарор.

⁴ Дилфириб – 1) йўлдан оздирувчи, дилни мафтун
килувчи; 2) дилрабо, дилбар.

← (ЖАҲОН ШЕҶРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ) →

Сарв ила гул давлатимдин сабзи хуррам
бое аро,
Нозниродур¹ гуури ҳусн ила жононалар.

Эхтисобимдин масожид аҳлида² нури сафо,
Шомдин то субх равшандур ибодатхоналар.

Шафқатим таъийид³ қилди бенаволарни ғаний,
Химматим осоридин обод эрур вайроналар.

Нодира меҳру мұхаббат мулкини султониман,
Давлатимдин баҳравар Фарғонадур
фарзоналар.

* * *

Айладинг азми сафар, эй шахсуворим⁴,
яхши бор,
Эмди йүк сенсиз менинг сабру қарорим,
яхши бор.

Вакти риҳлат⁵ етти – оҳанги сафар соз
айладинг,
Ёрим эрдинг васл айёмида, ёрим, яхши бор.

¹ Нозниро – ноз килувчи, нозанин.

² Масожид аҳли – диндорлар, намозхонлар.

³ Таъийид – мадад килиш, кувватлаш.

⁴ Шаҳсувор – 1) чавандоз; 2) маҳбуба.

⁵ Риҳлат – ўлиш, кӯчиш.

Равшан эрур маҳфили имкон жамолинг
шамъидин,
Яхшилар султони эрдинг, шаҳсуворим,
яхши бор.

Муддате васлингда форигбол¹ эдим айёмдин,
Кӯхи ғам² остида колдим, ғамгусорим³
яхши бор.

Сен қилиб азми сафар, мен қолмишам
ҳасрат била,
Гарчи хажрингда хазон бўлди баҳорим,
яхши бор.

Турфа мушкулдур видоъ этмоқ сенингдек
ёр ила,
Кўкка етти нолай беихтиёрим, яхши бор.

Зъфарондек сарғайиб ҳажрингда нолон
қолмишам,
Сенсан, эй хуршидталъат гулъузорим⁴,
яхши бор.

Нодира мушток эрур зинхор келгайсан яна,
Мунтазирдур йўлға чашми интизорим,
яхши бор.

¹ Форигбол – хотиржам, кўнгли тинч, беташвиш.

² Кӯхи ғам – ғам тоғи.

³ Ғамгусор – ғамни кетказувчи, кўнгилни очувчи, ғамхўр, меҳрибон.

⁴ Гулъузор – гул юзли, гўзал.

* * *

Войким, тарки муруват қилди ёр,
Ёрлардин катъи улфат қилди ёр.

Кон ютунг, эй хастадил ушшоқлар,
Файр бирла тархи сухбат қилди ёр.

Шиши майдек күнгүлни кон этинг,
Бода ичмак бирла одат қилди ёр.

Менга тарғиби мұхаббат айлади –
Ким, бу гумрахни хидоят¹ қилди ёр.

Тарқатиб мәхру мұхаббат тухмини,
Мазраи² дилни зироат³ қилди ёр.

Айлабон эъхё⁴ күнгүл вайронасин
Доғлар қўйди, аморат⁵ қилди ёр.

Ишқ аро ўздин сабукбор⁶ үлмишам,
Хар наким бор эрди – ғорат қилди ёр.

Бўлмишам овораи дашти жунун,
То кўнгулда истикомат қилди ёр.

¹ *Хидоят* – тұғри йўлни кўрсатиш, раҳнамолик.

² *Мазра* – экинзор.

³ *Зироат* – экин-тикин.

⁴ *Эъхё (Иҳъё)* – 1) уйғоқлик; 2) тирилтириш.

⁵ *Аморат* – бунёд килиш.

⁶ *Сабукбор* – юки енгил.

«ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Дўзах эрди ҳажр азоби Нодира,
Бизни ул ўтдин шафоат қилди ёр.

* * *

Ҳар замон ёд айлабон қўнглумға султоним
келур,
Лутф бирла байт ул-эҳзоним¹ меҳмоним
келур.

Фам диёринда мени хижрон ўти этмиш ҳалок,
Мужда етса васлдин, дардимға дармоним
келур.

Тушса меҳри қўнглума, бехуд бўлиб,
фарёд этиб,
Ул замоне илгима чоки гирибоним келур.

Ҳар товушким келса, дерман ёрими овозидур,
Соя киргач, соғинурмен, уйга жононим келур.

Гул юзини фикр айлаб, шомдин то субхидам,
Йиғламоқдин кўз аро ёш ўрнига коним келур.

¹ Байт ул-эҳзон – ғам кулбаси, қайғу уйи. Бу тушунча Яъқуб пайғамбар хаёти билан боғлиқ бўлиб, севимли жигарбанди Юсуфдан ажралгач, у йўл бўйида «Байт ул-эҳзон» («Байт ул-ҳазан») – «Фам уйи» деган кулба тиклаб, кеча-кундуз унда тоат-ибодат килиб, Йиғлар эди. Мумтоз адабиётда сўнгсиз дарду ғамда, чорасиз ахволда қолган кишининг уйини, хаётини, дунёни байт ул-эҳзонга нисбат бериш бир анъана тусини олган.

❖ (ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ) ❖

Ноладин тинмай сени ҳажринг аро булбул киби
Демадинг, эй шох, ул маҳжури нолоним келур.

* * *

Рахм килмас менга дилдор ҳануз,
Сурмади дарди дилим ёр ҳануз.

Умрлардурки, сурогингни қилиб,
Топмадим ёрдин осор ҳануз.

Файр дардига даво бүлди лаби,
Мани фироки била бемор ҳануз.

Неча кунлар юзиға маҳв¹ эдим,
Колмишам сурати девор ҳануз.

Мани девонани маҳжур² қилиб,
Ёртур мойили ағёр ҳануз.

Зоҳир ўлди лабидин сабзаи хат,
Хусн паймонаси саршор ҳануз.

Даҳр боғини саропо истаб,
Топмадим бир гули бехор ҳануз.

Кетти ул маҳлико оламдин,
Нодира ҳасратидин зор ҳануз.

¹ Маҳв – йўқолиш, йўқотиш. Бу ерда: маҳлиё, асир.

² Маҳжур – айрилиб колган, маҳрум, йирок.

* * *

Ул шакарлабким, эрур жондин азиз,
Кимки йўқ ондин азиз, ондин азиз.

Келди ашраф¹ барча олам ахлидин,
Йўқтүрур дунёда инсондин азиз.

Тушти то Юсуф жамоли Миср аро
Дийда равшан килди Кањондин² азиз.

Беадаб кирма мұхаббат даштиға,
Эрди хар мұрс Сулаймондин азиз.

Мұғтанам тутким мұхаббат доғини –
Ким, эрур хуршиди тобондин азиз.

Подшохларким, баландовозадур,
Бўлдилар инъому эҳсондин азиз.

Хони дарёдилки, бордур қуллари,
Хар бири давлатда хоқондин азиз.

¹ Ашраф – азиз, аржуманд.

² Кањон – Яъкуб пайғамбар ҳукмронлик килган мамлакат. Унинг хусни малоҳатда тенгсиз ўғли Юсуф шу ерда турилгани учун Юсуфи Кањон, мохи Кањон деб улуғланади (Яъкуб алайҳиссалом эса пири Кањон деб сифатланган). Маълумки, мисрлик савдогарларга ўгай акалари томонидан арзимас пулга кул килиб сотилган Юсуф охир-оқибатда Миср султони даражасига эришади.

Жон берурман дилраболар ишқида –
Ким, эрур жононалар жоңдин азиз.

Тонг эмас, ҳажрида чексам хорлик,
Нодира, кетти бу даврондин азиз.

* * *

Жон берурам ҳар қачон ул сарвиноз
Бўлса кўзум манзарида¹ жилвасоз.

Манъи муҳаббат на килурсен менга,
Рамзи ҳакиқат эрур ишқи мажоз².

Ишқни афсонаси бўлмас тамом,
Мехру вафо киссаси дуру дароз³.

Мехри ниҳон эрди дилу жон аро,
Килди кўзум ёшлари ифшон роз⁴.

Хусниға мағруру жамолига маст,
Ноз этар оллида килсанм ниёз⁵.

¹ *Манзар* – 1) кўринниш, шакл; 2) чеҳра, сурат.

² *Мажоз* – ўзининг туб маъносида ишлатилмай, бирор муносабат ва ўхшатиш оркали бошқа маънода ишлатилган сўз.

³ *Дуру дароз* – узундан-узок.

⁴ *Ифшон роз* – сирни ошкор килиш.

⁵ *Ниёз* – эҳтиёж, мухтожлик; илтижо; аташ, назр килиш.

◊(ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)◊

Кимки жаҳон базмиға қўйди қадам,
Шамъ каби топти саропо гудоз¹.

Ишқ мақомида қабул истасанг,
Нодира қил зуҳд элидин эхтиroz.

* * *

Тортаман ҳажр элидин дам-бадам озор ҳануз,
Раҳм килмас менга ул шўхи ситамкор ҳануз.

Ишқ водийсида ҳарчанд губор ўлди таним,
Тарки бедоду жафо айламади ёр ҳануз.

Колмади гарчи фироқ ичра вужудим асари,
Мехнати ҳажр чекар бу дили афгор ҳануз.

Хати лаълингни ҳузурида икки маст кўзунг
Не учун Хизру Масих оллида бемор ҳануз.

Манман ошиқки, жаҳон ичра топилмас эрдим,
Кўхкандин² топилур тоғда осор ҳануз.

Навбахор ўтди-ю, гул қилмади айшим чамани,
Лоладек бағрим аро доғларинг бор ҳануз.

Эшитиб Нодира ашъорини ҳайрон қолди,
Кўрмаган эрди бу гавҳарни харидор ҳануз.

¹ Гудоз – 1) эриш, куйиш; 2) дард, алам, андух.

² Кўхкан – тоғ қазувчи; Фарходининг лақаби.

↔(ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)↔

* * *

Ёрнинг васли эмас озорсиз,
Гулшан ичра гул топилмас хорсиз.

Хар кишини бир муносиб ёри бор,
Мен ўшал оворадурман ёрсиз.

Ул париваш васлидин бўлдим жудо,
Роҳати дил қолмади дилдорсиз.

Ёр учун ағёр дардин тортамен,
Кўрмадим бир ёни ағёрсиз.

Тан бузулди – эмди роҳат қолмади,
Соя пайдо бўлмади деворсиз.

Оразин кур, бўлма зулфидин малул¹,
Бу жаҳонда ганж йўқтур морсиз.

Берма нисбат қалдига, эй боғбон,
Сарвдур бу боғ аро рафтгорсиз.

Ор килмас таънаи ағёрдин,
Ошиқи содикни дерлар орсиз.

Нодира ахволидин огоҳ ўлунг,
Эй мусоҳибларки², қолмиш ёрсиз.

¹ Малул – ғамгин, хафа, ранжиган, озор чеккан.

² Мусоҳиб – дўст, ҳамдам, сирдош.

* * *

Эй кўнгул, даҳрни асбобини¹ қўп килма ҳавас,
Ишқ сармоясидин доғи муҳаббат сенга бас.

Қилур ағёр сўзи оташи ишқимни баланд,
Барқни шуъласиға бор тараққидур ҳас.

Лаъли ноби узра холу хатидин бўлма малул –
Ки, шакар узра бўлур мўр, асал узра магас².

Боғни гулларини айлади ғорат гулчин³,
Қилди булбул ғамидин чок ёқосин қафас.

Умр сармояси микрози⁴ фано тўъмасидур⁵,
Икки ҳамёза била субҳ қилур қатъи нафас.

Умр ўтар, бўлма кўнгулни ишидин ғофил,
Корвон азми раҳил⁶ этса, қилур нола жарас⁷.

Подира гўшай хайратда эрур маст мудом,
На ғами муҳтасиб⁸ ул срда, на парвои асас⁹.

¹ Даҳр асбоби – дунё бойликлари, неъмат ва лаззатлари.

² Магас – чивин, пашша.

³ Гулчин – гул терувчи.

⁴ Микроз – қайчи.

⁵ Тўъма – озик-овқат.

⁶ Раҳил – кўчиш.

⁷ Жарас – қўнгириқ.

⁸ Муҳтасиб – шариат ахкомларининг бажарилишини назорат киладиган амалдор

⁹ Асас – тунги сокчи.

* * *

Манга ишқ ичра савдойи жунун бас,
Жаҳон иқболидин баҳти нигун¹ бас.

Бу базм ичра фифону нолишимидин
Навои чангү савти арганун² бас.

Манга дайр ичра асбоби тажаммул,
Суроҳи³ бирла жоми лолагун⁴ бас.

Анинг кўйига хар тун азм этарға
Чароғи барқи охим раҳнамун⁵ бас.

Ҳалок этмак учун душманлариға
Фаму ҳасрат била дарди дарун⁶ бас.

Жунун даштини саргардонидурмен,
Рафиков ушбу водийда қуюн бас.

Мұхаббат доғини изхор этарға
Юракда, Нодира, бир катра хун бас.

¹ Нигун – 1) эгилган, букилган; 2) чаппа, тескари.

² Арганун – мусика асбоби.

³ Суроҳи(и) – узун бўйинли сув ва май идиши, шишаси. Сўфиylар истилоҳида унс (якинлик, дўстлик) макомини суроҳий дейдилар.

⁴ Лолагун – лолага ўхшаган, кизил.

⁵ Раҳнамун (Роднамун) – йўл кўрсатувчи.

⁶ Дарун – ич.

* * *

Ёр манга ғайри жафо айламас,
Ваъда килиб, анга вафо айламас.

Шум ракибеки, адоват қилур,
Кофир эрур, ёди Худо айламас.

Мужиби¹ ҳайронлиғ зур жилваси,
Ойинадин шарму ҳаё айламас.

Зоҳид иши макр ила тазвирдур²,
Тоати берўий³ риё айламас.

Қўзлариdur соҳир⁴, ўшал коши ё,
Новаки мужгони хато айламас.

Қайси чаман булбулидурким, анинг
Гулшани ишқида наво айламас.

Нодира ул ёрни васлин тилаб,
Субҳу масо⁵ тарки дуо айламас.

¹ Мужиб – сабаб, боис.

² Тазвир – макр, хийла, фириб.

³ Берўй – юзсиз.

⁴ Соҳир – сеҳргар.

⁵ Субҳу масо – кечакундуз.

* * *

Ул париваш ишқиға ҳеч ким менингдек
зор эмас,
Зор күптур анга, лекин мен киби афгор эмас.

Васл беҳижрону айши бекудурат курмадим,
Оре-оре¹, бу чаманда ҳеч гул бехор эмас.

Фунча ул гул оғзиға бехуда тақлид этмасун,
Гарчи нозукдур ва лекин қобили гуфтор эмас.

Ошик үлдүнг, деб күнгүлға мунча
айларсөн итоб,
Рахм қилким, бу гуноҳим мужиби озор эмас.

Айладинг найранг ила торож күнглум
кишварин²,
Дилраболар чўх³ vale сендеқ бири айёр эмас.

Ёр улдурки, сенга ғам кунларида бўлса ёр,
Улки, меҳнат кунларида ёр эмастур, ёр эмас.

Нодира, йўқтур замон абносидаги⁴ хушу хирад,
Барча фафлат бодасидин маст эрур,
хушёр эмас.

¹ Оре-оре – ха-ха, туғри, худди шундай.

² Кишвар – мамлакат, улка, вилоят, шаҳар, иклим.

³ Чўх – кўп.

⁴ Замон абноси – замон аҳли, одамлар.

* * *

Күзумдин дам-бадам окқан қизил ёш
Нихон ишкимни элга айлади фош.

Юзунг меҳриға мафтун ўлди зоҳид,
Куёш нуриға тоб айларму накқош.

Надур оламини қадри дарҳақикат,
Фалак хаҳхош¹, анжум тухми хаҳхош.

Адаб элни баландикбол айлар,
Тавозуъдин эрур кўз устида кош.

Таолаллоҳ², жанобинг кибриёдур³,
Сабо пайки⁴ ҳариминг, бод фаррош.

Кўзум дурри ятими⁵ сақламас роз,
Нечаким пок гавҳардур, эрур ёш.

Бўлуб хам икки кошинг бир-бириға
Килурлар қатлима пайваста кенгош.

Бошимни ноз тифи бирла кесдинг –
Ки, қолди бир тараф тан, бир тараф бош.

¹ Хаҳхош – кўкнори.

² Таолаллоҳ – энг улуғ ва устун, олий Оллоҳ.

³ Кибриё – улуғлик, Тангри улуғлиги.

⁴ Пайк – злчи, хабарчи.

⁵ Ятим – бу ерда: тартибсиз, кулоқсиз.

Бу кўздин, Нодира, кўп ёш тўкарсан –
Ки, бергай Тангри бир ёшингга юз ёш.

* * *

Мени рўзи азал¹ ул ойға гардун мубтало
 қилмиш,
Бу кун юз доғ ила онинг висолидин жудо
 қилмиш.

Демак чуну чаро² кисматга шайтон
 можаросидур,
Муносиб бандадин таслим хар ишким
 Худо қилмиш.

Кўнгул дардини айтолмас эди ул ёр оллида,
Жунун туғён этиб, шавқ ичра арзи муддао
 қилмиш.

Ул ойнинг моҳи рухсорини сафросини³ дафъига,
Фалак савтин балиғ⁴ айлаб, қуёшни каҳрабо
 қилмиш.

¹ Рўзи азал – азал куни, яратилиш ибтидоси.

² Чуну чаро – нега, нима учун.

³ Сафро – жигарда ишлаб чиқариладиган сарик ёки
куқимтири-сарик суюклик; зарда, ўт.

⁴ Балиғ – пок.

↔(ЖАХОН ШЕҮРИЯТИ ДУРДОНАЛАРЫ)↔

Скандар¹ шавкатин ишқ ичра топтимким,
менга меҳринг
Мухаббат дөғини ойнаи гетинамо² қилмиш.

Хуш ул мутрибки, хасби хол³ ўкуб савти
хазин бирла,
Ба ёди васли ёр ушшоқ базмida наво қилмиш.

Зулайхо коза⁴ барпо айлади Юсуф хавосида,
Бу янглиғ Нодира күйида таъмири вафо
қилмиш.



Гар айлар эрсанг иззату шонингни эҳтиёт,
Жононалардин айлама жонингни эҳтиёт.

То итлари аросиға хангома тушмасун,
Кўйиға борсанг, айла фифонингни эҳтиёт.

¹ Скандар – Искандар (вазн талаби билан шундай ёзилган). Шарқда Искандар Зулкарнайн номи билан машхур бўлган македониялик саркарда Александр Македонский.

² Гетинамо – жаҳонни кўрсатувчи, ойнаи жаҳон.

³ Хол – тариқат макомларини босиб ўтиш жараёнида соликнинг пок қалбида порлаб, уни руҳий камолотга олиб борадиган илохий файз.

⁴ Коза – капа, чайла.

←(ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)→

Бир кун итиға бўлғусидур тұйма, айлағил
Бағрингни пораси ила қонингни эҳтиёт.

Дурдин мурассасъ¹ этма, камар булмасун
гарон²,
Нозукдур, айла мўйи миёнингни³ эҳтиёт.

Эл яхшию ёмони била булмасун ишинг,
Килғил ӯзунгни яхшию ёмонингни эҳтиёт.

Мулзам қилиб бирони, яна тукма қонини,
Мажлисда айла тифи забонингни эҳтиёт.

То тан иморатини йикиб, килмасун хароб,
Кил, Нодира, сиришки равонингни эҳтиёт.

* * *

Хуррам эрдим васл айёмида – хижрон
этти доғ,
Хаста жонимни фироки бирла жонон этти доғ.

Тушти ўтлар жонима бир лоларух⁴ хижронида,
Ғунчадек бағримни ҳасратлар била қон
этти доғ.

¹ Мурассасъ – кимматбахо тошлар билан безалган.

² Гарон – бу ерда: кўп, зиёда.

³ Миён – бел.

⁴ Лоларух – лола юзли, қизил юзли.

«ЖАХОН ШЕҮРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Ишқ аро мен телбадин товус рашк айлар
бу кун,
Бүйлаким, бошдин-аёғимни гулистон этти дөғ.

Дөғсиз бир жинс бу бозор аро макбул эмас,
Эй хуш улким, ишқ савдосида сомон этти дөғ.

Ахд этиб эрдики, сендин ғайрни ёр этмайин.
Үзга ёр айлаб, мени ул ахди ёлғон этти дөғ.

Колди жисмим дөғ аро – хожат эмастур
шираған,
Халқдии урёшлиғим¹ айбини пинҳон этти дөғ.

Кимдин айлармал шикоят, Нодира, охир мени –
Оташи хижрон ила султон Умархон килди дөғ.

* * *

Гул юзунгни күрди – хандон үлди бөғ,
Фунча очилди, гулистон үлди бөғ.

Қатрай шабнам эмас гул баргида,
Тоңмайин васлииғни гирён үлди бөғ.

Гул бұлуб барбоду сунбул шефта²,
Сенсиз, эй раъно, паришон үлди бөғ.

¹ Урён – яланғоч.

² Шефта – ошуфта, мубтало.

↔ (ЖАҲОН ШЕҶРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ) ↔

Сейдин айру бу чаман рухсорида
Ранг эмастур – қип-қизил қон ўлди боғ.

Гулшани айшим мудом обод эди,
Эмди хижронингда вайрон ўлди боғ.

Кетти бу гулшандин ул сарви равон,
Ҳажридин ер бирла яксон ўлди боғ.

Кон сочар ашким сахоби Нодира,
Йиғладим – дашту биёбон ўлди боғ.

* * *

Мусибат ичра ким бўлди паришонхол мен
янглиғ,
Ким ўлди меҳнату кулфат аро помол мен
янглиғ.

Анингдек мотамиман шахсуворим ҳасрати
бирлан,
Эмас бахти қаролиғ ичра зулфу хол мен
янглиғ.

Куруб жисми, қаро айлаб либосин,
тинмайин йиғлаб,
Тутанмас меҳнату ғам ичра йўқтур нол¹
мен янглиғ.

¹ Нол – камиш.

«ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Колиб султони олийкаду Жамшид¹ иқтидоридин,
Балоу дард чекмоғлиқта кимдур дол²

мен янглиғ.

Күруб ахволими, эй хамнишинлар, раҳм этинг,
кулманг,
Сариф рухсор узраким, тұқди ашки ол
мен янглиғ.

Ризо базмида ғам сокийларини илгидин доим,
Фано жомини ким нүш этти моломол³
мен янглиғ.

Тушуб айру бу янглиғ шохи дилжүйидин⁴
Нодира,
Ким үлди ранжу меҳнат ичра моху сол⁵
мен янглиғ.

¹ Жамшид – кадимги Эроннинг афсонавий подшохи Жамшид. У «Жоми жаҳоннамо» – жаҳонни кўрсатувчи жом иҳтиро килган бўлиб, унда дунёдаги нафакат мавжуд замондаги, балки ўтмишда юз берган ва келажакда содир бўладиган воқеа-жодисалар ҳам акс этар экан. Май қадаҳи ва комил инсон қалбини ҳам илохий сирларни ўзида саклаши жиҳатидан Жамшид жомига нисбат берадилар. Жамшид жомидаги май ичган билан сира тутгамас эмиш.

² Дол – араб алифбосидаги «д» ҳарфи; мажозан: зэгилган, букик.

³ Моломол – лиммо-лим.

⁴ Дилжӯ(й) – кўнгил овловчи, кўнгилга тасалли бे-рувчи.

⁵ Моҳу сол – ою йил.

* * *

Кон тўкар майдон аро ул барқи жавлон¹
хар тараф,
Мавж ураг дарё каби майдон аро кон
хар тараф.

Хар қачонким, азми майдон этса ул
чобуксувор²,
Бутрашурлар³ даҳшатидан ахли майдон
хар тараф.

Навбаҳор ўлди, яна шамшодқадлар чекти бош,
Жилва айлар боғ аро сарви хиромон
хар тараф.

Нотавон кўнглумни ғам даштида дерлар
хорпушт⁴.
Чунки беҳад санчилибдур хори хижрон
хар тараф.

Руҳпарвардур⁵ дабистони назокат боғ аро,
Очилиб гул дафтари, булбул ғазалхон
хар тараф.

¹ Барқи жавлон – яшиндай тез ҳаракат қилувчи.

² Чобуксувор – чавапдоз; маҳбуба.

³ Бутрашмоқ – тарқалишмок, сочилмок.

⁴ Хорпушт – типратикан.

⁵ Руҳпарвар – жонга кувват бағишливчи, роҳат берувчи, ёқимли.

«ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Қилдим ул кўз оллида дарди дилимни ошкор,
Чекти катлимға синонлар¹ хайли мужгон
хар тараф.

Ўтти паррон² ўқлари кўксумдин –
оғоҳ улмадим,
Нодира қолди юракда захми пайкон³
хар тараф.

* * *

Чекти мужгонлари то қатлима саф,
Коши ёсиға қўнгул бўлди ҳадаф⁴.

Ул паричехра аёғи изидин
Лиллахи ҳамдки⁵, кўзум толти шараф.

Ҳавасу хирсу ҳаво бирла менга,
Нақди авқоти шариф бўлди талаф⁶.

Карбало даштини оворасиман,
Кил ҳидоят менга, ё шохи Нажаф⁷.

¹ Синон – найза, найза учи; мажозан: киприк.

² Паррон – учувчи, учеб кетаётган.

³ Пайкон – 1) камон ўқининг учидаги учли темир; 2) тиконнинг ўтирир учи; 3) маъшуканинг киприги.

⁴ Ҳадаф – нишон.

⁵ Лиллахи ҳамд – Оллоҳга мақтоб.

⁶ Талаф – нобуд бўлиш, йўқ бўлиш.

⁷ Нажаф – Ироқдаги шахар.

«ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛИРИ»

Базм аро навҳаи¹ мотам бўлди,
Сенсизин савти навои наю дафъ².

Сўз била сўзни тафовутлари бор,
Тенг эмас қадрда дур бирла ҳазаф³.

Дур тишинг васфини дарёға дедим,
Баҳр остида қулак солди садаф.

Йигладим Нодира фарёд этиб,
Бокмади ёр бу девона тараф.

* * *

Ёрдин айру кўзумни интизор этти фирок,
Колмади сабру карорим – бекарор этти фирок.

Хоки пойингни кўзумга тўтиё килмок учун
Ихтиёрим бор эди, беихтиёр этти фирок.

Ёрсиз девонамен – маъзур, эй ахли хирал,
Оқили даврон эдим, мажнуншиор этти фирок.

Васл аро пинҳон эди ҳоли дилим ағёрдин,
Халқ аро расвонигимни ошкор этти фирок.

¹ Навҳа – йиги-сиги, нола.

² Дафъ – доира, чилдирма.

³ Ҳазаф – сопол.

«ЖАҲОН ШЕҶРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Айлабон жавру ситам хоки таним туфроини,
Поймоли ходисот айлаб, ғубор этти фироқ.

Васл гулзорида гул шохидек эрди иззатим,
Бўлди айёми ҳазони ҳажр – хор этти фироқ.

Йигламоқ бирла берай сайқал кўзум ойинасин,
Орзуманди жамоли шахриёр этти фироқ.

Сокиё, келтур қадаҳким, ёрсиз махмурмен,
Нашъан иқболни ранжу хумор этти фироқ.

Ҳажр шомида синеҳр анжумларидин кил қиёс,
Нодира, дори дилимни бешумор⁴ этти фироқ.

* * *

Зихи⁵ жамолингга бу чашми хунфишон муштоқ,
Юзунгта мардуми чашму лабингга жон муштоқ.

Жаҳон чироғи эди офтоби рухсоринг,
Жаҳонға бир яна келким, сенга жаҳон муштоқ.

Бу кеча хилватима, эй пари, хиромон кел –
Ки, сен эрурсен үшал ёру мен ҳамон муштоқ.

⁴ Бешумор – сонсаноқсиз, ҳад-хисобсиз.

⁵ Зихи – 1) гўзал, ёқимли, кўнгилга матлуб; 2) яхши, қандай яхши, оғарини.

◊ ЖАХОН ШЕҮРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ ◊

Тағофул этмаки, күнглумдур орзумандың,
Лабингга жону қадынг сарвига равон муштоқ.

Не яхшисен – назар этмөң сенга ёмон эрмас,¹
Юзунгни күрмак учун яхшию ёмон муштоқ.

Юзунг қүёшиға зарроти¹ кавн² саргардон.
Жамолинг ойига ер бирла осмон муштоқ.

Таарруз³ айласа, эй гульузор, Нодирадин,
Эрүр висолингга бу зору нотавон муштоқ.

* * *

Эй нахли чаман қадди нихолингга тасаддуқ,
Боғ олмаси рухсораи олингга тасаддуқ.

Қад бирла хиромингга фидо сарву санубар,
Райхону бинафша хату холингга тасаддуқ.

Чарх узра хилол үлди юзунг ойига қурбон,
Хуршиди жахонгард жамолингга тасаддуқ.

Ёдингда жаҳон айши менга бўлди фаромуш,
Килдим хама оламни хаёлингга тасаддуқ.

¹ Заррот – зарралар.

² Кавн – борлик, коинот.

³ Таарруз – эътироз қилиш.

Даврон чамани бирла жахон бофини айши
Рухсораи фирдавс мисолингга тасаддуқ.

Саргашта сочинг сунбулидин нофай тотор¹,
Охуи Хутан икки ғизолингга тасаддуқ.

Эй Нодира, ишқ ичра ажаб салтанатнинг бор,
Юз жону жаҳон жоҳу жалолингга тасаддуқ.

* * *

То дийдаи хайрон ўла дийдорингга мушток,
Жон булбулидур гулшани рухсорингга мушток.

Келғил бери, эй сарви равон, дийдаи хайрон
Ул комати мавзун ила рафторингга мушток.

Тўти шакаристонда килиб тарки ҳаловат,
Гуфторинг ила лаъли шакарборингга мушток.

Юз чок сочинг ҳасратидин шона юроки,
Машшота эрур турраи таррорингга² мушток.

Соҳилда чаман гулшани дийдорингга толиб,
Дарёда садаф гавхари гуфторингга мушток.

¹ Нофай тотор – тоза ва хушбуй мушк.

² Турраи таррор – ҳушни ўғирловчи, дилни ўзига асир қилувчи зулф.

«ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Зоҳид лаби майгунунгга¹ саргарми² таманио,
Майхона эли нарғиси хуморингга мушток.

Ушшоқ мақомида жигарсуз³ наво қил,
Ахбобдур, эй Нодира, ашъорингга мушток.

* * *

Эй кўзум ойинаси, ёр жамолига бок,
Жавҳари жон орзу қил, ул хату холига бок.

Савмаадин⁴ майкада файзи фараҳбахш⁵ эрур,
Жом сафосини кўр, бода зилолига бок.

Кўйи эса орзу сайри чаман айлагил,
Қаддига муштоқ эсанг, сарви ниҳолига бок.

Телба кўнгул хатидин машқи жунун айлади,
Ёр юзи шавқида тоза хаёлига бок.

Бўлди кўнгул ваҳши(й)си сунбули зулфиға
банд,
Шерни сайд айлади – чашми гизолига бок.

¹ Майгун – май рангли, қизил.

² Саргарми – маст, хумор.

³ Жигарсуз – бағирни кўйдирувчи, изтиробга солувчи.

⁴ Савмаа – насронийлар ибодатхонаси, черков. Тасаввухда хонакоҳ; хилват. Тажрид ва тафрил (ёлғизланиш ва узлатга чекиниш) мақоми.

⁵ Фараҳбахш – курсандчилик бағишловчи.

«ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Зулфинин андишаси дилда десам, тонг эмас,
Лом¹ ила пайвастадур – зулфини долига боқ.

Бошдин-аёғи анинг дилға далолат килур,
Бовар² агар бұлмаса, лом ила долига боқ.

Харнаки шайдо күңгүл шавқида иншо қилур,
Ишқни мазмунидур, сұзни маолиға³ боқ.

Мамлакати ҳусн анинг даврида обод ўла,
Ҳусн әлиниң шохидур – жоху жалолиға⁴ боқ.

Зухду риёйи била ноқис⁵ әрүрсан хануз,
Пири мүғон⁶ хизматин айла, камолиға боқ.

Тер юзунг атрофида гулдаги шабнам киби
Нодираниң васфида дурри мақолиға боқ.

¹ *Лом* – араб алифбосидаги «л» қарғи; мажозан: 1) хам, әзик; 2) гажак.

² *Бовар* – ишонч.

³ *Маолиға* – бу ерда: мазмун, мақсад.

⁴ *Жоху жалол* – улуғлик ва ҳашамат.

⁵ *Ноқис* – нұқсонли, камчилиги бор.

⁶ *Пири мүғон* – мүғлар – оташпаратлар пири. Тасаввуфда маънавий раҳбар, комил инсон маъносида күлланади.

◊(ЖАХОН ШЕҮРНЯТИ ДУРДОНАТАРИ)◊

* * *

Ёрдин айру мени бедилни¹ зор этти фалак,
Ёшурун дарди дилимни ошкор этти фалак.

Кузларимни кавкабафшон² айлади анжум каби,
Махликоларни юэидин шармсор этти фалак.

Кетти ул хуршили моҳпайкар³, ани хижронида
Интизор айлаб күзүмни, ашкбор⁴ этти фалак.

Ихтиёриим бор эди хар ишни килсам ихтиёр,
Ёрдин айлаб жудо, бенхтиёр этти фалак.

Эрди хоки пайкаrim андух тоғидин гарон,
Поймоли хайли ғам айлаб, ғубор этти фалак.

Фунча гулшанда Аэзи Мисри истиғно эди,
То нашот изхор этиб гул булди, хор этти
फалак.

Нодира, күз тутма гардундин муруватким,
басе
Эътибори дахрни беэътибор этти фалак.

¹ Бедил – дилини бой берган, ошиқ, бекарор, гирифтатор.

² Кавкабафшон – юлдуз сочувчи.

³ Моҳпайкар – ойдай гузал.

⁴ Ашкбор – ёш түкувчи, күп йиғловчи.

* * *

Қадингни оллида, эй сарви чолок¹,
Санувбар маст эрур андоғки хошок.

Менам ул андалиби бепару бол,
Фиғонимдин қафаснинг сийнаси чок.

Ул ой меҳриға шухрат истар эрсанг,
Керакдур субҳ янглиғ домани пок.

Қадам қўйдунг мухаббат кўчасиға,
Кўлингда ҳар на борин килма имсок.

Шаби ғам сенсиз, эй шохи фалакжоҳ²,
Килур охим шарорин сайри афлок.

Фалак тахти нишимангоҳе³ эрди,
Дариғо, бўлдунг охир тудай хок.

Бўлубтур Нодира хижрон ғамидин
Кузум гирён, кунглум зору ғамнок.

¹ Чолок – чаккон, тез.

² Фалакжоҳ – фалакдек юксак.

³ Нишимангоҳ – жой, манзил, ошён, макон.

* * *

Бу кеча охим фалак сақфини¹ вайрон этгудек,
Кўкда анжум ғулларин ҳар ён паришон
этгудек.

Сендин айру дарду ҳасрат бирла,
эй оромижон,
Сели ашким оғият мулкини вайрон этгудек.

Чора қил васлинг паёми² бирла,
эй жони жаҳон,
Йўқса хижронинг мени бесабру сомон этгудек.

Ёр васлидии хабар еткурма, эй боди сабо,
Дарди хижрон ибтилоси³ горати жон этгудек.

Бордингу жонимда осори ҳаловат қолмади,
Келки, бу ҳасрат гирибонимни домон этгудек.

Бўлмаса ул шўхи шаҳрошиб⁴ бу маҳфил аро,
Бодаи айшимни хижрон оғуси қон этгудек.

Ишқ гулзорида гул васли ғанимат неча кун,
Тинмайин, эй булбули девона, афғон этгудек.

¹ Сақф – 1) шифт, том; 2) осмон.

² Паём – хабар, дарак.

³ Ибтило – мубталолик, балога гирифткор бўлиши.

⁴ Шаҳрошиб – шахарга ғавғо солувчи.

«ЖАХОН ШЕҮРЛЯГИ ДУРДОНАЛАРИ»

Күхкан, туш тоғдин, Мажнун, биёбон
таркин эт –
Ким, бу күн охим күзум ёшини тұғон этгудек.

Нодира, ул ёр савдосида тарк айлаб ҳавас,
Ишқ шохини күнгүл таҳтида султон этгудек.

* * *

Ошиқ эрсанг, эй күнгүл, оху фифон
этмак керак,
Ёр лаълин ёд этиб, бағрингни қон этмак керак.

Килма, жонон, булҳавасни¹ махрами базми
висол,
Ошиқи содикни аввал имтихон этмак керак.

Эй күнгүл, бебахра қолдинг шайхни
иршодидин²,
Эмди бориб хизмати нири мүғон этмак керак.

Эй насими ох, ул сарви сихи рафторига,
Номан шавқингда пайдар-пай³ равон
этмак керак.

¹ Булҳавас – ҳавасга берилған, енгилтак. бекарор.

² Иршод – тұғри йүл күрсатиши; раҳнамолик килиш.

³ Пайдар-пай – кетма-кет, доим, муттасил.

«ЖАХОН ШЕҮРНЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Эй суманбар¹, фурқатингдин күнглум ичра
хар тараф,
Дөрлар гул қилди – сайри гулистон
этмак керак.

Нуктаи мавхұмдур оғзинг – анга етмас хаёл,
Сұзлабон ул нукта асрорин баён этмак керак.

Нодира, күйдүм фироқида жудолиғ дардидин,
Хасби ҳолимға қаламни таржимон этмак керак.

* * *

Сенга ишк майдонида жавлон айламак,
Менга одат жонни қурбон айламак.

Гүй² этиб бошимни бу майдон аро,
Мақсадим зулфунгни чавгон³ айламак.

Мурғи дил сайди учун одат сенга,
Доми зулфунгни паришон айламак.

Килмагил вайрон күнгүллар мулкини.
Мушкул ишдүр мулки вайрон айламак.

¹ Суманбар – окбадан; гүзәл махбуба.

² Гүй – чавгон үйинида үйналадиган түп.

³ Чавгон – 1) «от туни» үйинида түп урадиган учи
эгри таек; 2) «от түпи» үйини, чавгон үйини; 3) соч
халкаси.

Бандалиғ осорида осон әмас,
Хизмати даргохи султон айламак.

Сел туғён этса, түфонхез үлур,
Бўйладур¹ ашкимга туғён айламак.

Бевафолиғ шевасидиндур ишинг,
Бевафолар бағрини кон айламак.

Мулки дунёким, бақоси йўқ анинг,
Хожат эрмас қасру айвон айламак.

Нодира эмди муносибдур менга
Ишқ аро даъвийи ирфон² айламак.

* * *

Фамза тифи бирла ишқ аҳлини айларсен ҳалок,
Нола айлар ҳар тараф юз дилфиғору³
сийначок.

Бўлди то ағёр лаълинг бодасидин комёб,
Бизни қилди мустаманду хастаҳолу дарднок⁴.

¹ Бўйла – шундай, шунака.

² Ирфон (*Маърифат*) – Оллоҳ мохияти ҳакидаги илм.

³ Дилфиғор (*Дилфиғор*) – дилхаста, қунгли вайрон.

⁴ Дарднок – дардли, ғамли.

← (ЖАХОН ШЕҮРИЯТИ ДҮРДОНАЛАРИ) →

Күргач ул сарви равон бошида дастори
бинафш,
Рашқдин савсанға үт тушти, бинафша
бұлди хок.

Килди лаъли майпарастиң ҳасрати
бағримни кон,
Боғлади бошдииң-аёғим обила¹ андоғки ток.

Чун күзум тушти юзунг хуршидиға,
эй маҳжабин²,
Шамъ янглиғ ишқ барқи үртади
жисмимни пок.

Таъна тоши бирла мажнунингни афгор
этмаким,
Телбалар номусиға санги маломатдин на бок³.

Бұлди мурғи дил асири доми зулғи Нодира
Килди фарёдим қафасдин сийнасини чок-чок.

* * *

Эй мусоҳиблар, менинг дардимға бир
дармон этинг,
Ёр пайғомини деб мушкулларим осон этинг.

¹ Обила – каварик, шиш.

² Маҳжабин – ой юзли, гузал.

³ Бок – 1) күркінч, хавф, вахм; 2) зарап; 3) андиша, парво; 4) ажаб.

«ЖАХОН ШЕҮРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Килмангиз қонлиғ күнгүл асрорини
зохидға фош,
Мухтасиб фаҳм этмасун – май шишиасин
пинхон этинг.

Эй парируксорлар, ишк аҳлиға рухсор очинг,
Жилва савдоси била ойинани хайрон этинг.

Дам-бадам жавлон этиб, эй шүхлар,
майдон аро,
Хаста күнглумни нишони новаки мужгон этинг.

Жилвагардур хар тараф гулгунқабо¹ маҳбублар,
Эй муҳаббат ахли, ёр истаб, юракни қон этинг.

Килсангиз дилдүзи² мужгон тирқашин,
эй шүхлар,
Чок күнглум анинг қоши ёсиға қурбон этинг.

Бүлғусидур шоми ғам шамъи шаби
хижронингиз,
Зинҳор, эй бенаволар, дори дили сомон этинг.

Килманг, эй ахбоб, ул рухсордин қатыи назар,
Лаблари ёқутини, албатта, қути жон этинг.

¹ Гулгунқабо – кизил либос кийған; мажозан: гүзал, зебо.

² Дилдүз – дилга озор берувчи, дилозор.

← (ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ) →

Нодира, шоҳим сафар қилди жаҳондин,
дустлар,
Шамъи янглиғ ёш тўкуб, мотам тутуб,
афғон этинг.

* * *

Бординг ахбобға – бир нома савод¹
айламадинг,
Бизни расвои даҳон² этдингу ёд айламадинг.

На равоким, ўлса ушшоқларинг ғусса била,
Бир боқиб ғамзадалар³ кўнглини шод
айламадинг.

Эй кўнгул, ишқни ҳайрат била пинҳон туттунг,
Хўб килдингки, жунун бирла фасод
айламадинг.

Узмадинг ёрни зулфидин умидингни, кўнгул,
Риштай жонинг эди – қатъи мурод айламадинг.

Эй санам, бода ичиб, юзни қизортиб майдин,
Оразинг моҳини хуршидниход⁴ айламадинг.

¹ Савод – 1) кора, қоралик; 2) коронилик, зулмат.

² Даҳон – оғиз.

³ Ғамзада – ғамтин, қайғули.

⁴ Хуршидниход – қуёшдан пайдо бўлган.

↔(ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)↔

Мужда новакларини ғамза била отқонда
Мен девонаға бир ўқни күшод¹ айламадинг.

Сенки, бу даврда ҳусн ахлиға султондурсен,
Не учун ишқ әлиға адл ила дод айламадинг.

Нодира, айрилиб ул шохи жаҳонпарвардин,
Офарин сенгаки, фарёд ила дод айламадинг.

* * *

Менга, эй фалак, қасди жон айладинг,
Фироқ илгига нотавон айладинг.

Сурайёдур оҳим ўқига нишон,
Қадримни ул ўқға камон айладинг.

Вафо кўрмадинг чархдин, эй кўнгул,
Фалакни басе² имтихон айладинг.

Чекиб тийри³ мужгон коши ёсини,
Юрак дорин анга нишон айладинг.

Ёшурдинг лабинг донаи холини,
Юзумни бу ғамдин сомон айладинг.

¹ Күшод - 1) очик, очилиш, ечилиш; 2) омад, муваффакият; 3) имконият, осонлик.

² Басе - кўп, бенихоя, аксари.

³ Тийр (Tyr) - ўқ.

Висолини хижрон этиб, эй фирок,
Латофат баҳорин ҳазон айладинг.

Юрак дөрин, эй Нодира, гайрдин,
Басе ҳўб қилдинг, ниҳон айладинг.

* * *

Қадим сарву лабим чун ғунча дермиш
лаъли дурборинг¹,
Инонма, ул иковда йўқ сенинг гуфтору
рафторинг.

Жаҳон боғида ҳеч ким кўрган эрмас юзу
зулфингдек
Гулу сунбул никоби ё менингдек булбули
зоринг.

Сенга ушшоқ эли кўнгул бериб, жон ҳам
келтурмишлар,
Касод этма муҳаббат раҳтини² сўрмай
харидоринг.

Нигоҳинг тийри ўтти жондину тийри
мижанг дилдин,
Курулмиш ҳўблиғ шаҳрида мундоғ тез
бозоринг.

¹ Дурбор – 1) дур ёғдирувчи; 2) чукур ва ҳикматли сўзлар айтувчи.

² Раҳт – 1) нарса; 2) кийим.

«ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

На ёлғуз хирмани Мансурни ул бод совурди,
Тутар тан туфроғин ул елға доим дил
ошкоринг.

Тағофул тоши бирла шишаи табъимни
синдурдинг,
Эрур инъомдин ортук сенинг бу навъ озоринг.

Югурди Нодира фарёд ила кўйингға,
эй дилбар,
Ва лекин топмади ул кўй аро бир зарра
осоринг.

* * *

Мулку жаҳоним, эй шаҳи даврон, тасаддуқунг,
Мулку жаҳон на бўлғусидур, жои тасаддуқунг.

Юз жоним ўлса, лаҳзада қурбонинг айларам,
Васлим иисоринг ўлсину хижрон тасаддуқунг.

Гирён кўзумни ёшиға наззора қилмадинг,
Гавҳарлар этти дийдан гирён тасаддуқунг.

Бир йўл яна қошимға кулиб келки, айланай,
Молу манолу¹ неъмати алвон тасаддуқунг.

Еткурса гар насим висолинг паёмини,
Килмасму ўзини ошики хайрон тасаддуқунг.

¹ Молу манол — молу дунё, ҳазина, уй-жой.

Гулзори хусн сабзаи хаттинг баҳоридур,
Файзи баҳору сайри гулситон тасаддукунг.

Ёдингда сарф бүлди хазойин¹ жавохири,
Эмди бу жони бесару сомон тасаддукунг.

Қад бирла қошингни хироми агар будур,
Шамшод бирла сарви хиромон тасаддукунг.

Жону дилини сенга фидо килди Нодира,
Эй ёр, келки, бүлди дилу жон тасаддукунг.

* * *

Эй сарви равон, надур хаёлинг,
Жон үртади ваъдаи висолинг.

Пайваста² дуойи хайр этармен,
Максудим эрур сенинг камолинг.

Ул ойни юзига баҳс этарсен,
Етмиш магар, эй қуёш, заволинг.

Зухд аҳлиға салсабилу³ кавсар,
Басдур менга рашҳаи⁴ зулолинг.

¹ Хазойин – хазиналар.

² Пайваста – бу ерда: муттасил, ҳамиша, доим.

³ Салсабил – тоза, тиник музлек оқар сув.

⁴ Рашҳа – томчи, катра.

<ЖАҲОН ШЕҶРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ>

Чиқмасда ҳануз хату саводи,
Мусхафда¹ муборак эрди фолинг.

Жамшидни жомидин зиёда,
Эй ринди гадо, синук сафолинг²

Ушшоқларинг ғамингда ўлди,
Йўқтур сени зарраи малолинг.

Эй хаста кунгул, фироқ ичида
Дам ургали қолмади мажолинг.

Эй Нодира, лофи ишқ урарсен,
Машхури халойик ўлди ҳолинг.

* * *

Чекти бошим узра чун шамшири мушкин
кошларинг,
Килдилар пайваста таслимимға тахсин
кошларинг.

Тоқи абрӯ³ лавҳида чини итоб иншо килиб,
Бесабаб қатлим учун зохир қилур кин
кошларинг.

¹ Мусҳаф – Куръон.

² Синган сафол – тасаввуф тимсолларидан бўлиб, синик, дардли кўнгилни билдиради. Кўнгли бутунлик – илоҳий жазба ва ишқдан бехабарликни, кўнгли синиклик – илоҳий ишқ шавқига ошноликни англатади.

³ Абрӯ – кош.

Мусхафи рухсоринг узра мадди бисмиллаҳдур¹,
Айлади шархини ишқ аҳлиға талқин қошларинг.

Хонақоҳда² дундурууб³ зоҳид юзин меҳробидин –
Ким, мусулмонларға бўлди офати дин
кошларинг.

Сафҳаи гардун аро қавси қузах⁴ аксимудур,
Ё куёшға кўргузур найранги мушкин қошларинг.

Гах ишорат бирла қатл айлар, гаҳи имо била –
Ким, тўкар туфроға ошикларни қонин
кошларинг.

Эҳтиёт эт гулларингни – гар эмас гул ўғриси,
Хусн боғида на деб хам бўлди гулчин
кошларинг.

Рашқдин ноҳун⁵ киби туфроғ аро кирди хилол,
То сипехри хусн уза кўргузди тамкин⁶
кошларинг.

Нодира ағғонидин огоҳ эмас наргисларинг,
Бегуноҳлар қониға кўб бўлди зомин қошларинг.

¹ Бисмиллоҳ – Оллоҳ номи билан.

² Хонақоҳ – сўфийлар йиғиладитан, зикр тушадиган жой.

³ Дундурумок – айлантиrmok.

⁴ Қавси қузах – ёй, камон, камалак.

⁵ Ноҳун – тирнок.

⁶ Тамкин – викор, эътибор.

←(ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)→

* * *

Менингки, ҳажр жафоси била ҳалок эттинг,
Фироқ тифи била кўкрагимни чок эттинг.

Муруват айламадинг, эй сипехри
сифланавоз¹,
Мени ситамзадани² ғусса бирла хок эттинг.

Рақиб дардиға қилдинг илож васлинг ила,
Бу ғусса бирла мени зору дарднок эттинг.

Менга мусоҳиб ўлуб, эй жунун, қарам қилдинг –
Ки, акл васвасасидин кўнгулни пок эттинг.

Азимат айлади ёр, эй сипехр, хушдилман –
Ки, жон рагин ани наълайниға³ шарок⁴ эттинг.

Вужуди ошиқу маъшук бирдур, эй гардун,
Ул ики ёрни бир-биридин алфок⁵ эттинг.

Фамингда Нодира бисёр нотавондурман,
Муруват айламайин ғам била ҳалок эттинг.

¹ Сифланавоз – тубан одамларни қўлловчи.

² Ситамзада – зулм кўрган, алам чеккан.

³ Наълайн – жуфт.

⁴ Шарок – ковуш банди, тасмаси.

⁵ Алфок – жудо.



Сендин айру, эй шаҳи фархундафол¹,
Хайли ғам бошимни қилди поймол.

Бутмади ҳаргиз жаҳон гулзорида
Коматинг сарви киби зебо нихол.

То назардин ғойиб ўлдунг, эй пари,
Телба кўнглум ичра қолди юз малол.

Ҳар қачон ошуфта бўлса хотирим,
Сунбули зулфунгни айларман хаёл.

Жонима шаҳди ҳаловат сткуур,
Оби ҳайвону лабинг кавсар мисол.

Ойина қаршу тушуб дийдорингга,
Мен киби сув қилди онинг инфиол.

Соз этармен нолаи беихтиёр,
Қилса кўнглум ёди айёми мисол.

Махв ўлур ҳайратда ой бирла қуёш,
Ёр ногах айласа арзи мажол.

Суз қаломига етурдум Нодира,
Ёрим эрди хисрави сохибкамол.

¹ Фархундафол – баҳтиёр, баҳтли.

* * *

Күзум йүлингдадур, эй сарви гульузорим, кел,
Күнгулда колмади сабру қарор, ёрим, кел.

Мени асирға сенсиз жахон әмас ҳожат,
Жахон чароги, сафобахш рүзгорим, кел.

Итоб зохир этиб, тунд¹ борганингда дедим –
Ки: боғу айшим хазон үлди, навбаҳорим, кел!

Мени гар үлтуросен – тифи ноз ила үлтур,
Күлингни қонима айлаб хино, нигорим, кел.

Бу базмдин кечаким маст бординг, эй сокий,
Зиёда бўлди менинг меҳнати хуморим, кел.

Кошинг қиличию мужгон хаданги² бирла бу
кун
Кунгул диёрини фатҳ айла³, шахсуворим, кел.

Юзунгни хажрида тоқат била мажолим йўқ,
Алимда колмади бир зарра ихтиёrim, кел.

Бу йўллаган сафарингдин ҳануз келмассан,
Оқарди йўлға бокиб чашми интизорим, кел.

¹ Тунд – ўткир, ғазабли.

² Хаданг – ўқ, камон ўқи.

³ Фатҳ – забт этиш, эгаллаш.

«ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Ҳануз Нодира ул ойға интизор күзум,
На бүлдиким демас, эй зору дилфиғорим, кел.

* * *

Ёрдин айрилдинг, эй махзун құнгул,
оввора бұл!
Хажр дардига тополмай чорае бечора бұл.

Бемаҳоба¹ ишқ майдонида жавлон айладим,
Коши ёлар тиғидин бошдин-аёғим пора бұл!

Дерман ул чобуксуворим итлари бұлсун ғизо,
Пора-пора бағрими хар пораси юз пора бұл!

Ишқ ошубида хижрон ибтилоси саъбдур²,
Бұлдум ул ойдин жудо, эй күз ёшим,
сайёра бұл!

Эй дили девона, ошиклиғни қылдинг ихтиёр.
Дарди ишқ осон эрмастур, эмди санги
хора³ бұл!

Ол ила золи фалак қонингни түкди окибат,
Ким деди, эй дил, сенга мафтуни
ул маккора бұл?

¹ Бемаҳоба – құркмай.

² Саъб – кийин, оғир.

³ Санги хора – қаттық тош, гранит.

ЖАХОН ШЕРГИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ

Гар тиларсен баҳра олмок лаззати дийдоридин,
Нодира күзгү каби хайрони ул рухсора бўл.

* * *

Жамоли ёр истарсен – гулистондин тамошо
кил,
Мени гирён кўзумни абри найсондин¹ тамошо
кил.

Нечукки, ой шуоъи² равшан үлмиш меҳр
тобидин,
Жамоли шартавини хуршиди тобондин тамошо
кил.

Эмас кўзгу даме кайфияти дийдордин ғофил,
Тажаллий пашъасин чашми хайрондин тамошо
кил.

Мұхаббат сурмасидин кўзни равшан айла,
ондин сўнг

Хидоят нурини рухсори жонондин тамошо қил.

Жунун савдосидин ошуфталиғлар тушти
бошимға,
Мени ҳолимни ул зулфи паришондин
тамошо қил.

¹ Абри найсон – найсон булути, баракали, серёмғир булут.

² Шуоъ – нур, шуъла.

←(ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)→

Камишдек банд-бандим ошёни нола бўлмишдур,
Фиғоним дастгоҳини¹ найистондин² тамошо
кил.

Кўнгул ташвишини зулфи паришонида
кўргонда,
Жигар қон ўлдуғин ул лаъли хандондин
тамошо кил.

Бўлуб Адҳамсифат³ якбораги⁴ оламни тарк
этмак,
Бу ишни ҳазрати саййид Умархондин тамошо
кил.

Эмас осон жазоси ғайри эхсон химмат ахлиға,
Бу маъни, Нодира, тафсири Қуръондин
тамошо кил.

* * *

Қолиб фуркат диёри ичра жононимни соғиндим,
Чароги рўзгорим, муниси жонимни соғиндим.

¹ *Дастгоҳ* – 1) кудрат ва имконият, давлат, бойлиқ;
2) амал, мартаба.

² *Найистон* – қамишзор, тўқайзор.

³ *Адҳам* – тасаввуф йўлида тожу тахти, молу мулки,
ахли оиласидан кечган балхлик машхур сўфий Иброҳим
Адҳам (вафоти – 777).

⁴ *Якбора* – бир бора.

←(ЖАХОН ШЕРГИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)→

Гулистандур висоли маҳфили – мен андалиб
апда,

Гули айшим ҳазон ўлди, гулистонимни
соғиндим.

Кўруб кўнглумда юз озор, эй бедард, таън
этма,

Муруват кургузуб раҳм этки, сultonимни
соғиндим.

Чаманда жилва килди сарв ила гул, сабза бош
чекти,

Кади сарви юзи гул, хатти райхонимни
соғиндим.

Ҳавойи ишқ саргардониман, орому сабрим йўқ,
Паришон заррадек хуршиди тобонимни
соғиндим.

Кузумдин ёш тукуб, гирён ўлуб қон йигламай
найлай –

Ки, ҳангоми¹ такаллум² лаъли хандонимни
соғиндим.

Кўзум мардумлари Яъқубдек ҳайрат
ҳазонидур,

Азизи Мисри давлат мохи Канъонимни
соғиндим.

¹ Ҳангом – вакт, фурсат.

² Такаллум – сўз, нутк.

«ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛИРИ»

Менга даври фалакдин бўлмади бир лаҳза
осойиш,
Паришонҳолман, султони давронимни соғиндим.

Арабдин то Ажам¹ машхур эди ул шоҳлар
шоҳи –
Ки, Эрон офтоби, моҳи Туронимни соғиндим.

Кизил қондур кўзум ёши, сабо, еткур
саломимни,
Гули садбарг² янглиғ покдомонимни³ соғиндим.

Тикарман Нодира ғам йулида коза Зулайходек –
Ким, ул Юсуфлико Султон Умархонимни
соғиндим.

* * *

Муддатедурким, жаҳон ахлиға йўқтур
улфатим,
Балки ўзлукдин малул этмиш мени ўз сухбатим.

Тийрадур ул ойдин айру ҳажр шоми хилватим,
Нуқли ғам бўлмиш ғизо, хуни жигардур
шарбатим.

¹ Ажам – араб бўлмаган мамлакатлар. Кўпроқ Эрон кўзда тутилади.

² Садбарг – хушбўй гул. Барги кўллиги учун садбарг – юз баргли гул дейишади.

³ Покдомон – покиза.

Муддао бир ёр эди оламни гирудоридин,
Йүкса бу дунёни ғавғосыға йүқтур рағбатим.

Эй сипекри бемурувват, меҳру мохингни нетай,
Кетти ер остиға султони ҳумоюнталъатим.

Орзу қасрини бүнёд айладим меҳнат била,
Бузди селоби ҳаводис, бўлди зоеъ меҳнатим.

Эй мусоҳиблар, тирикдур деб гумон
этманг мени,
Жисмдин жони азизим кетти, колмиш суратим.

Ҳажр дарди муҳлиқ¹ эрмиш – ўлсам,
эй ахбоблар,
Зинхор ул ёрни кўйида айлангиз сиз
турбатим².

Ёр ҳижронида йўқтур бору йўкумдин асар,
На ўлукман, на тирик – маълум эмас моҳиятим.

Арсаи³ мулки жаҳон ҳарчанд фармонимдадур,
Сенсиз, эй оромижон, манзур эмас бу
давлатим.

¹ Муҳлиқ – ҳалокатли, ўлдирувчи.

² Турбат – қабр, мозор, макбара.

³ Арса – майдон, кенглик.

← (ЖАХОН ШЕҮРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ) →

Шарбати васл истадим – захроби фам бүлди
насиб,
Найлайин, мен хам азал күндиин бу эрса
қисматим.

Нодира дүнёға харгиз эътиқодим колмади,
Кетти иқлими адамға¹ шохи Доро² шавкатим.

* * *

Неча кун бүлди кетибдур хам анисим³
фамкашим,
Фам биёбонида дард айтурға йүктур
бир кишим.

Дуди охим чиқса гардунға, саропо чирмашур,
Тоқатим ток үлди Жайхундек окиб
күздин ёшим.

Бу жудолиғ хажрида афғон чекиб шому сахар,
Келғил, эй хамхона, ортибдур сенинг-чун
нолишим.

Даҳр ичра борму мендек айру гулрухсоридин,
Эй рафиким, бу жихатдиндур сенинг
бирла ишим.

¹ Адам – йук, йүклик.

² Доро (Доро II) – Эрондаги ахоманийлар сулоласининг
охирги ҳукмдори (вафоти – милоддан аввалги 330).

³ Анис – дүст, хамдард, сирдош.

«ЖАХОН ШЕРГИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Мунисим, келғилки, изхор айлайин дарди
дилим,
Нукта ёзмай неча кунлардин бери котти
бошим.

Фамда үлдүм, гуссада куйдүм, иложим
топмадим,
Эмди ҳасратлар билан кечсүн мени ёзу қишим.

Оҳким, зулми фалакдин бўлди ахгар¹ Нодира,
Сабру оромим кетиб, уртаб куяр ичу тошим.

* * *

Гузаргоҳида² тиктим коза, парво килмади
шоҳим,
Фурури ҳуснидин ёди Зулайҳо килмади шоҳим.

Манга ром үлди вахшийлар, vale нозу
тағофулдин
Жунуним дастгохини тамошо килмади шоҳим.

На бормоғурким, маълум эмас бир зарра
осори,
Фано даштида ҳаргиз гард шайдо килмади
шоҳим.

¹ Ахгар – чӯғ, учкун.

² Гузаргоҳ – ўтадиган жой, йўл.

«ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Келиб холимни сўрди, хўб килди дилраболиғда,
Маломат кўйида ошикни расво қилмади шоҳим.

Қачон боди сабо таклифи гулгашти
чаман килди,
Чекиб комат, киёмат ошкоро қилмади шоҳим.

Рақиблар жонима қасд эттилар, билмон
гуноҳимни,
Манга имдод учун ҳангома барпо қилмади
шоҳим.

Фироқида неча ғамномалар таҳрира келтурдум,
Анинг мазмунида бир нукта ишо қилмади
шоҳим.

Кунгул юз пора бўлди, Нодира, сарғарди
руҳсорим,
Тамошои гули садбаргу раъно қилмади шоҳим.

* * *

Ҳар қачонким ул париваш васлини ёд айларам,
Чарх бунёдини бир оҳ ила барбод айларам.

Гарчи маҳзунман ўзум бир нозанин ҳижронида,
Бенаво¹ афтодаларни² хотирин шод айларам.

¹ Бенаво – 1) факир, қашшок; 2) ғариб, нотавон;
3) бебахра, маҳрум.

² Афтода – заиф, нотавон, бечора.

«ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Тоғни бир ох ила ҳомунда¹ айлаб устувор,
Ишқ саҳросидаги Мажнунни Фарҳод айларам.

Неча турлук доғ ила кўнгулда ойин боғладим,
Шоҳима меҳру вафо мулкини обод айларам.

Бўлмишам харчанд ҳижронингда сабр айлаб
хамуш,
Чун тушарсен ёдима, якбора фарёд айларам.

Кон ёшим тасвир этар хар лахза ул гул
суратин –
Кўзгаким, мужгонларимни килки Беҳзод²
айларам.

Киссаи Фарҳоду Мажнун колди – мен ҳам
ишқ аро,
Нодира, бир жонгудоз³ афсона бунёд айларам.

* * *

Бўлубман ҳалқдин бегона, ул номеҳрибондин
ҳам,
Эрур жон вола кўнгулдин, кўнгул озурда
жондин ҳам.

¹ Ҳомун – сахро, чўл.

² Беҳзод – машхур мусаввир Камолиддин Беҳзод (1455–1536).

³ Жонгудоз – жонни кийновчи, азоб берувчи.

«(ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)»

Самакдин¹ то само арз эттилар бори амонатни,
Жавобе булмади маъқул ердин ҳам,
осмондин ҳам.

Неча кундур насимосо кезиб гулзори оламни,
Нишон топмасман ул гулчехрадин,
сарви равондин ҳам.

Менга ул гулдин айру қилма таклифи
тамошоким,
Гулистондин хижилман, сайри боғу
бўстондин ҳам.

Сени деб дахрдин катъи тааллук айлади
кўнглум,
Халос этти ўзини олами вахму гумондин ҳам.

Менга ахлу хирад ташвишидин йўқ эрди
осойиш,
Жунун имдод этиб, мундин кутулдим, шукр,
ондин ҳам.

Ишим йўқтур жаҳон ахлини яхшию ямонаға,
Муруват кўз тутиб оламда яхшию
ямондин ҳам.

Эрур ишқу муҳаббат муддао ижоди оламдин,
Фараз бу жазбаи тавфиқдур кавну
макондин² ҳам.

¹ Самак – балиқ. Самакдин то само – ердан кўккача.
² Кавну макон – борлик, коинот.

«ЖАҲОН ШЕРЬИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Жаҳон султони эрди Нодира ёримки, ҳажрида
Жаҳон ахлиға истиғно қилиб, кечтим
жаҳондин ҳам.

* * *

Менки, қадинг сарвини ёд айладим,
Оҳни саркӯби¹ шамшод айладим.

Оҳ чектим, нола туфон айлади,
Чарх бунёдини барбод айладим.

Қондасен – курсат жамолингни менга,
Эй парипайкар, сени ёд айладим.

Ишқ домиға гирифтор айлабон
Жонға бедод узра бедод айладим.

Итларинг хайли аро тун то саҳар,
Нола килдим, оху фарёд айладим.

Урди зулфунг ҳалқаси бўйнимда печ,
То хаёли доми сайёд айладим.

Айлабон мавзун қадингни бандаси,
Сарвни боғ ичра озод айладим.

¹ Саркӯб – таъна, маломат.

Нуна ўхшатдим қошинг тасвирини,
Наргисинг бодомини сод¹ айладим.

Бесутундур² ишк тоги, Нодира,
Ўэни жон чекмакда Фарҳод айладим.

* * *

То бодасин лабинга қилмиш пиёла таслим,
Қадду юзунгга айлар гул бирла лола таслим.

Бош индуруб янги ой пайваста қошларингга,
Икки қаро қузунгга қилмиш физола таслим.

Ногах садаф эшитса дарёда сузларингни,
Гавхарларин қилур ул дурри макола таслим.

Қошингта ноз айлар ҳусн ичра мохрӯлар,
Хуршид айлагандек нурин ҳилола таслим.

Гар офтоб кўрса ҳуснингни ўз шуоъин,
Беихтиёр айлар мохи жамола таслим.

Фирдавси ноз ичра тўби³ қадинг ниҳоли,
Сарв айласа, ажаб йўқ, ушбу ниҳола таслим.

¹ Бу ерда маҳбубанинг коши қайрилмалити жиҳатидан араб ёзувидаги нун (н)га, кўзи эса сод (с) ҳарфининг халкасига ухшатилмоқда.

² *Бесутун* – Ҳамадон шаҳри ғарбидаги тоғ. Фарҳод шу тоғни казиб, йўл очган деган ривоят бор.

³ *Тўби* (ў) – жаннатдаги ранг-баранг мевали ва хушбўй серсоя дараҳт.

«(ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)»

Оғзингки бенишондур, васфин хаёл қилдим,
Ҳар иуктасанж¹ айлар ушбу хаёла таслим.

Хуснунг тажаллисида хуршид зарра янглиғ,
Айлар қамар² юзунгга монанди хола³ таслим.

Эй Нодира, сүзумни гар күрса абри найсон,
Гавҳарларини айлар монанди жола⁴ таслим.

* * *

Нигори гулбаданимни тушумда күрсам эдим,
Лаби шакаршиканимни⁵ тушумда күрсам эдим.

Куз очмайин ғамида рузгорим утқучидур –
Ки, ёри сиймтанимни⁶ тушумда курсам эдим.

Чу даври роҳатим утти – зихи саодат эди,
Муроди жону танимни тушумда курсам эдим.

Ғамида шона каби чок-чокдур кунглум –
Ки, кокули Ҳутанимни⁷ тушумда курсам эдим.

¹ *Иуктасанж* – сүзни нозик тушуниб, салмоқлаб ишлатадиган, сўз устаси.

² *Қамар* – ой.

³ *Хола* – ой ва куёш атрофидаги гардиш.

⁴ *Жола* – шабнам, шудринг; дўл.

⁵ *Шакаршикан* – ширинсуз.

⁶ *Сиймтан* (*Сийминтан*, *Сийминбадан*) – кумушбадан, окбадан, гузал, зебо.

⁷ *Ҳутан* – Кошқардаги воҳа ва шахар.

Юзи гулу қади шамшод, күзлари наргис,
Баҳору ёсуманимни¹ тушумда курсам эдим.

Жафои ҳажр била кўксуми фигор килон,
Нигоҳи сеҳрфанимни² тушумда курсам эдим.

Лабимға келди анинг васлини тилаб жоним,
Бало ўти фиганимни³ тушумда курсам эдим.

Ҳамиша булбули табъим фифону зор этар –
Ки, орази чаманимни тушумда курсам эдим.

Фироқ, Нодира, кўнглумга доғлар қўйди,
Амири сафшиканимни⁴ тушумда курсам эдим.

* * *

То бадандур жон мақоми умрҳоҳи жонингам,
То эрур жоним баданда баңдан фармонингам.

Хоксорингдин, карам қил, чекмағил лутф
этагин,
Бир ғуборингманки, махви гўшан домонингам.

Эй фалак, жонимга бедод узра бедод этмаким,
Бу старким, хастахолу зору саргардонингам.

¹ Ёсуман – ок хушбуй гулли ўсимлик ва унинг гули, ясмин, суман.

² Сеҳрфан – сеҳрни касб килиб олган, сеҳргар.

³ Фиган – ёкувчи, урувчи.

⁴ Сафшикан – сафни бузувчи.

◊(ЖАҲОН ШЕРНИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)◊

Бўлди кўнглум ғунча янглиғ то тугунлар
маҳзани,
Зердасти¹ миннати эҳсони бепоенингам.

Соқиё, лутф эт, дариғ этма иноят соғарин –
Ким, бу кун маҳмури сахбои лаби
хандонингам.

Пора-пора бўлди жисмим то жафолар тифидин,
То эрур тиги забон маддоҳи² бу эҳсоенингам.

Ноз уйқусида сендуурсен vale мен субху шом,
Мунтазирмен Нодира кўз юммайин
хайронингам.

* * *

Субхларким, хасрати ул шоҳи Турон айларам,
Субҳ янглиғ меҳридин чоки гирибон айларам.

Шахсуворим фикриким, жон бирла
кўнгулдур менга,
Жисмим ичра кўнгулу кўнгул аро жон
айларам.

Ашки гулгунимки, тӯфон айламиш
ғам шомида,
Хилъатим алдин шафак домонидин
кон айларам.

¹ Зердаст – маглуб, тобе.

² Маддоҳ – мадҳ этувчи, таъриф килувчи.

«ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Доғлар нақдинки, кўнгул махзанида
кўйди хажр,
Кимсадекким, ганж пайдо килди,
пинхон айларам.

Дини ишқ инкорин этканларни айлай
деб ҳалок,
Ашқ селидин бу кун амвожи¹ тўфон айларам.

Фунчай табъимни қон устиға қон этти малол,
Лутфунги файзи насимидин гулистон айларам.

Дафтари назми дуо дейму ани жам этмағил,
Боиси жамъияти² табъи паришон айларам.

Бандаи фармон эрурман ҳар наким
фармон эрур,
Одам ахлини фидойи ҳукму фармон айларам.

Баски эрмишман ҳавоҳоҳи³ ҳавоий давлатинг,
То эрур бошим ҳавоий мадҳи султон айларам.

Шоҳлиғ лутфи қамудур шоҳиди холим менинг,
Нодира, бу важҳ бирла шукри эҳсон айларам.

¹ Амвож – мавжлар, тўлкинлар.

² Жамъият – 1) одамлар групҳи, мажлис ахли; 2) хо-тиржамлик, осудалик.

³ Ҳавоҳоҳ – 1) муҳлис, талабгор; 2) ошиқ.

* * *

Менки, фуркат тунлари ул гул юзин
ёд айларам,
Булбуледурман – хазон фаслида
фарёд айларам.

Шомларким, зур этар маъюслик ул шохсиз,
Орзу жинсини бир оҳ ила барбод айларам.

Бир кеча курдум тушумда ул жаҳоноро юзин,
Дам-бадам ул важҳдин ғамгин қўнгул
шод айларам.

Сурати ёдида рангин фикрлардин ҳар замон
Сафҳаи фитрат¹ аро тасвири Беҳзод айларам.

Ўтқа солди оҳу афоним фалаклар раҳтини,
Ҳар нечаким чарх бедод этти, бедод айларам.

Хаста қўнглум ичра шинхон доғлардур
ҳар замон,
Кечалар тасбеҳдек юлдузни төъдод² айларам.

Менки жон бирла ризожўяндаи³ фармонингам,
Нодира, аидин вафо мулкини обод айларам.

¹ *Фитрат* – бу ерда: яратилиш.

² *Төъдод* – адад, сон.

³ *Ризожўянда* – розилик истовчи.

«ЖАҲОН ШЕЪРИЯТӢ ДУРДОНАЛАРИ»

* * *

Күнгүл жондину жон қолди ул жони
жондин хам,
Күнгулдин жона еттим ғам тунида,
балки жондин хам.

Тилармен юз биёбон қатъини қилсам
куюн янглиф –
Ки, үткайман висолик истабон кавну
макондин хам.

Дуо бирла паёми васл еткур, эй сабо, бир тун
Анинг рухига мендин, манга ул рухи
равондин хам.

Агар хижрон әлина ёр васли бўлмаса ҳосил,
На ҳосил хонумондин, балки умри
жовидондин хам.

Анинг хижронида кон йиғламоқдин хуш
булур холим,
Айирма, эй фалак, бир лаҳза чашми
хунфишондин хам.

Харими Каъбаи икболина етсам – будур мақсад –
Ки, қилсам нола доғи ҳажри ёри
мехрибондин хам.

Булубман, Нодира, ул сарви гулрухсордин
айру,
Күнгүл қондур ҳавои боғу сайри
бустондии хам.

* * *

Сенсизин олам баҳори сабзу хуррам бўлмасун,
Қайси олам, балки олам ичра одам бўлмасун.

Булбула гулзорсиз эрмас таманини наво,
Фурсати чангу наво бир лаҳза
барҳам¹ бўлмасун.

Даври лутфу раъяти² иқбол сендин узгаға
Гардиши даврон аро бўйла мусаллам³ бўлмасун.

Сендин олди гардани таслим сарафрозлик,
Ўзгаларға гардани таслимимиз хам булмасун.

Нодира, то сарвдур сарсабз бу гулзор аро,
Бошимиздин шахли қаддинг сояси кам булмасун.

¹ Барҳам – йўқолини, йўқотиш.

Раъят – байроп.

³ Мусаллам – бу ерда: мұяссар; мұносиб.

←(ЖАХОН ШЕҮРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)→

* * *

Фифонким, гардиши даврон¹ айирди
шахсуворимдин,
Фамим чұх, эй күнгүл, сен бекабарсен холи
зоримдин.

Фуборим ишк водийсида барбод үлди андоғким,
Биёбонларда Мажнун түтиё излар ғуборимдин.

Кизил кондур сиришким, зағарондур
чехраи зардим,
Мени ким курса фарқ этмаз хазон
бира бахоримдин.

Бузулди рұзгорим, хонаи айшим хароб үлди,
На роҳат күргамен әмди бузулгон рұзгоримдин.

Биёбонларни излаб, топмадим ёрим суроғини,
Берурман жон сабо ногах хабар келтурса
ёримдин.

Диёрим ахли мендин ёрсиз бегона булмишлар –
Ки, мен ҳам ёрсиз озурдамен ёру диёримдин.

Гахи йиртиб яқо, гах қон ютуб, гохи
фифон эттим,
Нелар үтти бу ахшом, Нодира,
жони фигоримдин.

¹ Гардиши даврон – фалак айланиши.

* * *

Ёрдин қолди чаман – сарсабзу¹ хандон ўлмасун,
Гульузоримсиз жахон боғи гулистон ўлмасун.

Бўлмасун гул кўксини очиб чаманда жилвагар,
Токи гулдек ҳосилим чоки гирибон ўлмасун.

Фунчалар гулшан аро очилмасун ул ёрсиз,
Фунча янглиғ то менинг кўнглум даги
қон ўлмасун.

Очмасун зулфини сунбул боғ аро дилдорсиз,
Токи сунбулдек менинг холим паришон
ўлмасун.

Тушмасун шабнам гул узра гульузоримдин
жудо,
Токи шабнамдек кўзум ёши фаровон ўлмасун.

Абри найсон лахза-лахза ёғмасун гулзорға,
Абри найсондек кўзум ҳар лахза гирён ўлмасун.

Килмасун булбул чаманда нолау фарёдким,
То кўнгул булбул киби ҳажрида нолон ўлмасун.

Тушмасун кўзум алинг сарманзилу маъвосиға
То кўнгул қасри надомат бирла вайрон ўлмасун.

¹ Сарсабз – кўкарган, яшнаган.

«ЖАХОН ШЕҮРИЯТИ ДУРДОНАЛАРЫ»

Лола янглиғ Нодира күнглумға қўйли доғлар,
Хеч ким, ё Раб, асири доги хижрон үлмасун.

* * *

Йироғ үлсам агар ул сарви сиймандом¹ олидин,
Күнгүл симоб янглиғ сув үлур онинг хаёлидин.

Сабо, эй ишк ахлини қосиди², үтсанғ
агар ногах,
Нигорим кўйи сори вокиф эт бу хаста
холидин.

Күнгүл шархи ғамин хар хома³ бирлаким
рақам айлар,
Киёмат субҳи бўлғунча чекар бош нола
нолидин.

Қошию оғзию қадди била зулфин хаёл айлаб,
Ўлубман лол, ўзлукдин кетиб ёрим
жамолидин.

Чекар эрдим фироқида нечаким ранж
ила меҳнат,
Фироқи биймида⁴ юз онча тортарман
висолидин.

¹ Сиймандом – кумушбадан, гўзал.

² Қосид – элчи, хабарчи.

³ Хома – қалам.

⁴ Бийм – қўркув, хавф, вахима.

Исчук асрори ишқин арасун ул хастаким,
 ҳар дам
 Сариф рухсори ила зоҳир улмиш ашки олидин.
 Магарким, Нодира, кўргузди рухсори
 арақнокин¹
 Кизарди гул юзи ичра шабнам инфиолидин.

* * *

Саҳарким, тушти ўтлар жонима
 ул меҳрсиймодин,
 Ошурдим оху афғон дудини нажми²
 сурайёдин.

Мақоме ҳосил эттим водийи ишқ ичраким, анга
 Етолмас саъӣ ила Фарҳоду Мажнун
 кўху сахродин.

Табибо, дардима шамшод баргидин
 даво қилким,

Қаму³ bemорман ул сарву қадди гулшанородин.

Бахор айёми қон бўлгунча, эй шамшод,
 бош чекма –
 Ки, еттим жона сарву гульузоримсиз
 тамошодин.

¹ Арақнок – терлаган.

² Нажм – юлдуз.

³ Қаму – хамма, барча.

«ЖАҲОН ШЕҶРИЯТИ ДУРДОНАЛИРИ»

Басират ахлиға¹ лофи назар урсам,
ажаб эрмас,

Кўзум кўхли² саодатга етушти ул кафи подин³.

Сочи андишаси хар дам фараҳбахши
димоғимдур,

Хўтанлар сайрин эттим икки зулфи
анбаросодин⁴.

Тағофул бирла бедод этма чўх холимға,
эй толеъ –

Ки, талх үлмиш мазоким⁵ коми ул лаъли
шакарходин⁶.

Фигоним ўтларики, бош чекар ул моҳдин айру,
Анинг учқунларин ёд айлағил нажми

сурайёдин.

Тараб таклифи бирла кўнглумни қон этма,
эй сокий,

Не хосил Нодира лаълидин айру
жоми сахбодин.

¹ Басират аҳли – донолар, фозиллар.

² Кўҳл – сурма.

³ Кафи по – оёқ кафти.

⁴ Анбаросо – анбар сочувчи.

⁵ Мазоқ – димоғ.

⁶ Шакарҳо – шириңсўз.

«ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

* * *

Дарди дил этдим ракам ёрни ҳижронидин,
Нуктаси кўз ёшидин, сатри жигар қонидин.

Ҳажру фирок илкида, пироҳаним порадур,
Килмади эл тафриқа¹ жайбини² домонидин.

Бу дили девонаким, меҳринг ила воладур,
Субҳ эрур нусхаи чоки гирибонидин.

Арз этакур, эй сабо, дарди дилим шархини,
Ер хабардор эмас ошиқи хайронидин.

Хаста кўнгул охидин ёр хазар айламас,
Куйди фалак хирмани шуълаи аффонидин.

То назаримдин ниҳон бўлди ул оромижон,
Нуридин айрилди кўз, жисм жудо жонидин.

Васл куни кўзларим мардуми гулчин эди,
Гах рухи зебосидин, гах лаби хандонидин.

Толеъима ногахон килди ёмон куз асар,
Колди фирок ичра жон, айрила жононидин.

¹ Тафриқа – бўлиш, айриш, ўртага низо солиш.

² Жайб – ёқа.

↔ (ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ) ↔

Хисрави фармонраво¹ сафлару² кишваркүшо³,
Гавхари кийматбахо кетти карам конидин.

Арсаи мулки даҳон гарна нигинимдадур⁴,
Бош чека билмас күнгүл ишқни фармонидин.

Рози дилимни гар сабо ёрға еткурмаса,
Вокиғ эмас ул санам Нодира хижронидин.

* * *

Ёрнинг ошуфтаси вахм айламас ўз жонидин,
Жон фироки сахлдур⁵, айрилмасун
жононидин.

Вах, не янглиғ дустлиғдур мен билан
хасратлара,
Кўймоғим йўқтур замони шоҳиди ғам ёнидин.

Соқиё, кўп хастахотирман жафо давронида,
Бир қадаҳ май тутғил, озод айла ғам
зиндонидин.

Эй Худо, раҳм айлаким, охир на қилғум
чарх аро
Дам-бадам зур айлабон андухи беспоёнидин.

¹ *Фармонраво* – фармон берувчи.

² *Сафдар* – сафни бузувчи.

³ *Кишваркүшо* – мамлакат очувчи.

⁴ *Нигин* – узук.

⁵ *Саҳл* – осон, енгил.

Колмади мен курмагон бедод даврон илгидин,
Доға верди кўнглуми андухи бепоёнидин.

Истаманг, эй дўстлар, мендин нишону номким,
Елға верди тупроғим оҳу фигон тӯфонидин.

Эмди доғи фурқата, ё Раб, нечук сабр
етмишам,
Бўлмамишдим, Нодира, андишаи хижронидин.

* * *

Фам ҳалок этти мени ҳажрингда, эй жон,
қайдасан?
Сенсизин bemормен – дардимга дармон,
қайдасан?

Васл аро султон эдим, эмди жудолиг дардидин
Хаста мури нотавондурман – Сулаймон,
қайдасан?

Муддате васлинг гулистанида эрдим андалиб¹,
Навбаҳор ўтти, ҳазон бўлди гулистан, қайдасан?

Ҳажр яғмоси² кўнгул мулкиникум қилди
хароб,
Сендин айру уртади Фарғона,
султон қайдасан?

¹ Андалиб – булбул.

² Яғмо – талон-торож, юрат, вайронгарчилик.

ЖАХОН ШЕҮРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ

Мехри рухсорингдин айру субхи айшим
бесафо,
Тийрадур шоми ғамим, эй мохитобон, қайдасан?

Давр эли осудаҳотир эрди сендин, войким,
Толти даврон инкилоб, эй шохи даврон,
қайдасан?

Нодира Фарғона мулкида сени айлар сўроғ,
Мулки Турон хисрави саййид Умархон
қайдасан?

* * *

Уйқуда бир тун висолингни кўрар кун
бормукин?
Субхи хуршиди жамолингни кўрар кун
бормукин?

Кўзларим мардумлари кўп йиғламоқдин
сувдадур.
Мохи рухсор узра холингни кўрар кун
бормукин?

Офтоби васл жаннат қасрида топмас завол,
Офтоби безаволингни кўрар кун бормукин?

Бўйлаким қилди кўзумни ёшини қон иштиёқ.
Кўз очиб, рухсори олингни кўрар кун
бормукин?

«ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛИРИ»

Лабларингдин айру айшим талхдур даврон аро,
Жон бериб, ширии мақолингни кўрар кун
бормукин?

Мехри рухсор узра холингдур саодат кавкаби,
Ахтари¹ фархундафолингни² кўрар кун
бормукин?

Лаъли нобинг хасратида ташна қолдим Нодира
Шарбати кавсар мисолингни кўрар кун
бормукин?

* * *

Эй майи ноб ила рухсорин гулистон айлабон,
Май киби хар дам кўнгуллар ғунчасин
қон айлабон.

Чехраи гулфом бирла гул чароғин ёндуруб,
Сурмагун³ кўзларни очиб, наргисистон
айлабон.

Бир тағофулдин қилон помол саркашлар⁴
бошин,
Юз гадони бир тараҳҳум бирла султон
айлабон.

¹ Ахтар – юлдуз.

² Фархундафол – баҳтиёр, баҳтли.

³ Сурмагун – рангли сурма.

⁴ Саркаш – ўжар, қайсар.

Бир тарафда ханжари мужгонидин
көплар түкүб,
Бир тарафдин бодани лаъли лаби жон
айлабон.

Кечалар рухсоридин изхор күлғон мөхи бадр¹,
Субхлар бурқаъ² очиб, хуршиди тобон
айлабон.

Зулфи мүшкін бирла қылғон ноғай Чин³
ошкор,
Наргиси масти ла маҳфитни хумистон айлабон.

Нодира, ул ёр савдоси ила күз юммаким
Роҳати жон ёдиг этмаз ёди жонон айлабон.

* * *

Булбули дил ғунчан гулзоринг айлар орзу,
Тутнің жоп лаъли шаккарборинг айлар орзу.

Ким килур уммид кон ютмай лабинғи
шарбатин,
Үлмайин ким наргиси беморинг айлар орзу?

Лол бұлмай ким такаллум айлади күргач сени,
Хок бұлмай ким сени рафторинг айлар орзу?

¹ Бадр – үн түрт күннік ой, түлин ой.

² Бурқаъ – парда, никоб, хижоб.

³ Ноғай Чин – Хитой мушки.

«ЖАҲОН ШЕРӢИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Боқмағай кавсар лабида хурнинг рухсориға,
Ким лаби лаъли махи рухсоринг айлар орзу.

Тукмайин ким ашк тоғмас лаъли
серобинг сени,
Ютмайин қон ким рухи гулноринг айлар орзу?

Чехра ўлди заъфароний иштиёқи бодадин,
Сокиё, кўнглум майи гулэоринг айлар орзу.

Фохта шамшод излар, гул висоли андалиб,
Нодира мискин қаду рухсоринг айлар орзу.

* * *

Қондур жигарим ғусса билан ёрдин айру,
Ошуфтаман ул ёри вафюдордин айру.

Ёш үршина қонлар тўкилур дийдаларимдин,
То тушти кўзум ул гули рухсордин айру

Ҳайрон қўзум, эй моҳ, жамолитгин тилайдур.
Ойинани йўқ матлаби дийдордин айру.

Бир гўшада ташхолиғ ила ёдинг этарман,
Йўқ ҳамшрафасим дийдан хунбордин¹ айру.

Ҳажрингда на роҳат кўрадурман, на ҳаловат,
Йўқтур мени дилхастага озордин айру.

¹ Хунбор – қон йиеловчи.

Эй жон, менга ҳажрингда жаҳон бўлди коронғу,
Бўлғон каби кўз гавхари шахвордин¹ айру.

Гар сарв ила товус хиром этса кўзумға,
Манзур эмас ул қомату рафтордин айру.

Кўнгли ани ғам илгига колғайму саломат,
Гар бўлса киши сен ғамхордин² айру.

Суз гавхарини кетти харидори жаҳондин,
Бозори касод улди харидордин айру.

Мендин на раво эрдики, ёр этти жудолиғ,
Гулни киши кўрганму экин хордин айру.

Фарёду фифон савтини сенсиз эшитурман,
Кошонадин айру, дару³ девордин айру.

Ўт ёқти фироқинг шараги әлга ва лекин,
Эй Нодира, куймас дили афгордин айру.

* * *

Холимға фалак бўйла жафокор булурму?
Хар дам ишим озор уза озор булурму?

¹ Гавҳари шаҳвор – шохона гавхар. Бу ерда: кўз корачиги.

² Ғамхор – ғамхӯр, меҳрибон.

³ Дар – эшик.

«ЖАХОН ШЕРЬИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Даврон элидин дод ила фарёд этарман,
Бу ғамзадага мунча ситамкор булурму?

Бечора күнгүл холиға раҳм айла, илохий,
Бир жон ила юз доға гирифтор булурму?

Үтти бу жахон гулшанидин неча гуле хор,
Ул гул ғамидин мен киби хам хор булурму?

Бир лаҳза келан гардиши айём ғамидин,
Дафъи алами дийдаи хуибор булурму?

Күп сийнаи мажрух эрур даҳр аро мендек,
Фурқат ўқидин хастаю афкор булурму?

Күп дийдаи хунрез эрур, лек кўзумдек
Хуни дил ила соғари саршор булурму?

Жонбахш лаби даврида ҳижрон ситамидин,
Бир хастаға юз ранж ила озор булурму?

Фам солғучилар Нодирани күнглиға кўндуру,
Оlam ҳама бу кўзгуя зангор¹ булурму?

* * *

Файрнииг базмидадур ул моҳитобон ҳар кеча,
Ўртанур холим кўруб шамъи шабистон
ҳар кеча.

¹ Зангор – бу ерда: занг, губор.

Халқ агар хар йилда бир құрбонлие
айлар моҳи ийд¹,
Мен күлурмен неча жон ул ойға құрбон
хар кечә.

Сен килиб ағёрии базмии равшан, рашиқдин
Шамъдек жонимдадур дөғи шамоён ҳар кечә.

Мұждан субхи висолингдин қүнгүлни жам кил -
Ким, әтур зулфуынг қиби ҳолим наришпой
хар кечә.

Гарчи үздінг риңтән үлфат мени маҳжурдин,
Шукрим, ёдиг әтур күнгүлумда меҳмой
хар кечә.

Кофири беражму сангидил² асири бұлмашам.
Дину дил горат қилур ул номусулмой
хар кечә.

Базми ишрат соз этиб, сен май ичиб,
шодоб үлуб,
Мен күлурмен най қиби фарёду ағғон
хар кечә.

¹ Ийд - хайит.

² Сангидил - тошбагир, күнгіли катник.

«ЖАХОН ШЕВРИЯТИ ДУРДОНАЛАРЫ»

Вокиф эрмассен менинг дардимдин,
эй Исонафас –
Ким, талошурман лабинг хижронида жон
хар кеча.

Нече күн бүлди лабинг сахбосидин айру
тушуб,
Нодира күздин гүкар ёш үрнига көн хар кеча.



Күнгүл бөгланди то запжири гисун сумансоға¹,
Тароңдек солди ҳасратлар алидин чок аъзога.

Ажаб эрмас, дамодам зарра янглие
бекарор үлса,
Ушал күзким, түшар ул офтоби оламорога.

Ҳавон сүнбули савдосидин Фарходу
Мажнундек
На ғавғоларки, солди телба бошим
куху сахроға.

Күзумни бўйла гирён билмаким, дурданан
ашкин
Басс ғавхарки, тўкмиш ишқ наисони бу дарёға.

¹ Сумансо – суманга ўхшаган.

Фиғоним етмаги ул осмони хусна мушкилдур –
Ки, етмас гар парвоз ила домони сурайёға¹.

Күнгулии бодаи ғам бирла охир талҳком этти,
Етолмай Нодира ул лаъли майгунни шакархоға.

* * *

Мұхаббат кишвари обод эрур иқболу жохимда,
Тонг эрмас, бұлсалар ишқу жунун ахли²
панохимда.

Күёшдек машриқу мағрибни номол этти
жавлоним,
Эмас монеъ халойик Күхи Кофи садди³
роҳимда.

Савод ул-важхи⁴ фиддорайн экан дарвиши
соҳибдил⁵,
Адамдур икки олам сояйи баҳти сиёҳимда⁶.

¹ Сурайё – юлдузлар туркумидан бирининг номи.
Олти кичик юлдузнинг бир ерда жам бўлишидан иборат.

² Аҳли жунун – ошиқлар, девоналар. Тасаввуфда Оллоҳдан боҳабару ўзидан бехабар ошиқлар, дарвешларга
жуңун ахли дейилади.

³ Садди роҳ – йўл тўсиги, ғов, девор.

⁴ Савод ул-важҳи фиддорайн – икки дунё ёруғлиги.

⁵ Соҳибдил – сүфий, ориф, маърифат ахли.

⁶ Сиёҳ – кора, қоралик, коронилик.

«ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Эмастур хажр шоми чарх уза ҳар ён
кавокиблар,
Эрур бир исча учқунлар шарори дуди охимда.

Шаҳи мулки жунундурман, сипоҳим
барча ваҳши(й)лар,
Вале йўқтур хусумат кимсаға хайли сипоҳимда.

Муҳаббат кишварида дастгоҳимни тамошо кил,
Фалакни гардани боғлик каманди дуди охимда.

Ики гирён кўзум меҳрингни даъвосида
тонукдур,
На дермен бўлса тардомонлиг¹ айби
бу гувоҳимда.

Кўзум кўргач юзунгни, телба кўнглум
бўлди савдойи,
Сочинг сармоясидур риштai тори нигоҳимда.

Жунун шахрини бесомонлари маҳкуми
фармоним –
Ки, бордур хотами² доғи муҳаббат дастгоҳимда.

¹ Тардомонлиг – фосиклик.

² Хотам – 1) узук, узукнинг кўзи; 2) муҳр, тамға.
Бу ерда Сулаймон пайғамбарнинг сехрли узуги кўзда тутилмоқда.

Кўзум ёшини чархи bemурувват хока дўндуурди,
Нечук журм¹ улди пайдо ушибу
тифти бегунохимда.

Сабо лутф эт, Умар султонга еткур,
Нодира арзин –
Ки, тўйи нури чашмидур ризо гар
булса шоҳимда.

* * *

Хажр эди ишқ ичра мен курган
балолардин бири,
Дард водийсида мен чеккан жафолардин бири.

Рахм этиб холимни сўрмазлар, кўринг,
бедодлик,
Сиймбарлардан² бири, мавзунқаболардин³
бири.

Чекмаюб ғам, чекти Ширини сувратин Фарход,
лек,
Ишқ ойинида дерлар бехаслардин бири.

Кошу кўзу зулфу хол ила мадоро айласанг,
Айламаз расво сени юзи қаролардин бири.

¹ Журм – айб, гуноҳ.

² Сиймбар – кумушбадан, окбадан; мажозан: гўзал маъшукка.

³ Мавзунқабо – гўзал либос кийган.

«ЖАХОН ШЕҮРНЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Ахли табъ хар ким уланмаз ахли дилдин¹
сүрмаким,
Күш нажодидин² баланд учмиш юволардин³
бири.

Истарам, ё Раб, бакойи давлати султон Умар,
Айла макбули ижобат сен дуолардин бири.

Ишк даъвосини қилдим норасо журъат била,
Эй расолар зумраси, мен норасолардин бири.

Подира тиімай дуо қилғын бу күн
султонни сен,
Подшохи асртур ул, сен гадолардин бири.

* * *

Масих анфосидек⁴ жисм ичра жон киргүзди
гуфтори,
Күнгүл базмини равшан этти хар тун
шамъи рухсори.

Фирокинг ути дуди бошим узра солди
юз савдо,
Фигонимдин қизийди жоним ичра хажр
бозори.

¹ Ахли дил – орифлар, комил инсонлар, валийлар.

² Нажод – насл-насад.

³ Юво – уя.

⁴ Анфос – нафаслар, дамлар.

◊(ЖАХОН ШЕҮРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)◊

Келинг, эй хамнишинлар, бул мени холимға
рахм айланғ,
Йикилди күзларимни ёши бирла жисм девори.

Бұлуб бошдин-аёғ ойина янглиғ дийдаи ҳайрат,
Тушумда жилва этти хар тараф товус рафтори.

Каломинг нашъаси беморлар жисмиға руҳафзо,
Лабингни шарбати әрди бузуғ күнгүлни
меъмори.

Паридек үзни недин айладинг күз шахсидин
пинхон,
Кишиға бұлмади маълум оғзинг рамзу асрори.

Магар келса пасиме ёри гулпүшім¹ риёзидин,
Очилса ғунча янглиғ уқдаси² күшглумни
түммори.

Не хожат нола чекмак, күз ёшини
айламак түфон,
Фироқу меҳнат ичра сабр этмакдур сазовори.

Магарким ул пари्रү хусн нури айлади партав,
Күз ойинасидек, эй Нодира, ҳайрат намудори³.

¹ Гулпүш – гул билан безанган.

² Уқда – тугун.

³ Намудор – зохир, намоён.

* * *

Шоми фурқат ёрсиз мен ютмаган қон қолмади,
Рахм килким, эмди қон ютмокка имкон
колмади.

Жонға еттим дам-бадам хунобай ҳасрат ютуб,
Ваҳки, жонон шавқидин жисмим аро
жон қолмади.

Ёна-ёна қолмади жон бирла күнгүл доғсиз,
Тома-тома кўзда ашқи чашми гирён қолмади.

Зулфин истаб, риштан жонимға тушти тоблар,
Кетти тоқат даври эмди, тоби хижрон қолмади.

Хотиримдин кетмасун дилдор доғи ҳасрати,
Кетса-кетсун гар нишоту айшу сомон қолмади.

Бир нафас бехуш килғил менга, соқий,
май тутуб –
Ким, хаёл айларға эмди жонима жон қолмади.

Қадди мавзуни била, гулгун юзин ёди била
Орзуйи тўбию ёди гулистон қолмади.

Соқиё, тутқил ғанимат соғари ишрат бу тун –
Ким, неча давр үтти-ю, бир неча
даврон қолмади.

Нодира, күнглумни равшан қилди ёди орази –
Ким, менга андешаи хуршиди тобон қолмади.

* * *

Фалак илки ғуборим сарсари¹ хижрона
топшурди,
Вужудим раҳтини кузлар ёши тӯфона
топшурди.

Табибо, чекма заҳмат ҳолима ҳасрат
давоси-чун,
Қазо хижрон маризин² дарди бедармона
топшурди.

Фамида утти давре – дарди хижрон
булмади охир –
Ки, ҳасрат жоними андухи беспоёна топшурди.

Фами сўзини бошлаб, этмадим сомони чун
гардун,
Бу дурларни менингдек бесару сомона
топшурди.

¹ Сарсари – кучли ва совук шамол, даҳшатли бурон, довул.

² Мариз – касал, бемор, хаста.

«ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Очилимайдур кузум Юсуфузоримдин¹
жудо булюч –
Ки, даврон бошими бир кулбай эҳзона
топшурди.

Нишон топмок эмас овора кўнгулдин
муяссарким,
Эрур бир қатраи қон куз ёши тӯфона
топшурди.

На қилсун лола янглиғ Нодира бағрини
доғ этмай –
Ки, они чарх доғи шах Умар султона
топшурди.

* * *

Фифонким, ёр ишқи сабри қўнглумдин
жудо килди,
Фам илги сафҳаи ахволима машқи жафо килди.

Фалакка еткуруб хар кеча ўтлуг оҳу афғони,
Мұҳаббат андалиби қўнглуми оташнаво қилди.

Ўшал Лайли малоҳат нозанини моҳрухсорим
Мени Мажнун каби саргаштаи дашти
бало килди.

¹ Юсуфузор – Юсуф юзли, гўзал.

⇒ (ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ) ⇒

Паришонлиғ ёғилди бошима дарди мұхаббатдин,
Хәёли ёр ишрат шомини рўзи жазо¹ қилди.

Парипайкар қариidoшим хаёли мохрухсори
Нишоту айшдин бегонау ғам ошно қилди.

На сабру ҳуш қолди, на қарору тоқатим,
 є Раб,
Күнгүл ичра ҳавои ишқ, билмам,
 на бало қилди.

Висолини тополмай, Нодира, мушкил
 эзур холим –
Ки, бедоди мұхаббат менга қаттиқ
 можаро қилди.

* * *

Күнглуми қон этти фуркат ибтилосидин мени,
Жона еткурди санам беинтихосидин² мени.

Водийи вахшат аро Мажнунлиғ истарман
 мудом,
То халос этгай халойик можаросидин мени.

Ғам емокка жону қон бұлмокқа күнгүл қолмади,
Эй ажаб, соф айлағил гардун жафосидин мени.

¹ Рўзи жазо – жазо куни, яъни қиёмат.

² Беинтиҳо – сұнгсиз, чексиз.

Гарчи, эй жон, күп чучуксан,
лек аччиғдур фирок,
Кетғилу соғ айлагил ҳижрон балосидин мени.

Мастлиғдур улки, ғам ахлин паноҳидур мудом,
Солма, ё Раб, дайр пири¹ хокипосидин мени.

Тоза-тоза доғу ғам устина ғамдур юз лисон²,
Чарх, билмам, нетгай охир ибтилосидин мени.

Ахли даврон кулфатин торторға йүктүр
токатим,
Эй Худо, күткөр бу кишти ноадосидин мени.

Нодира дер әмди айши бесаботин истамои,
Дайр шохи қылса гар фоил гадосидин мени.

* * *

Гузал ёримға, эй боди сабо, еткур саломимни,
Ким элтар сендин үзга ёр күйіға паёмимни?!

Күнгүл дардини тақририға³ қылу қол⁴
эмас хожат,
Тафаккур бирла равшан айла маэмунни
каломимни.

¹ *Дайр пири* – майхона пири, яъни тарикат пири, маънавий раҳбар.

² *Лисон* – тил, нутк.

³ *Тақрир* – мұкаррар килиш, тасдиқлаш.

⁴ *Қылу қол* – ғап-сүз.

«ЖАХОН ШЕРГИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Күнгүл комини ширин истадим жоми
висолидин,
Фигонким, чарх хижрон захридин талх
этти комимни.

Коронғу бүлди олам дуди охимни саводидин –
Ки, фарқ этмаз мунажжим¹ рўзи равшан
бирла шомимни.

Вафо шаҳбозидурман – гар мени сайд этмак
истарсан,
Мұхаббат риштасидин килғосен, зинхор,
домимни.

Фалакдин гар шикоят ошкор этсам,
тонг эрмаским,
Ғами хижрона табдил² айлади айши
мудомимни.

Карам қилдинг, сабо, ул ёр күйидин
хабар бердинг,
Гулурайхон исидин бениёз эттинг
машомимни³.

¹ Мунажжим – юлдузшунос, астроном.

² Табдил – ўзгартириш, алмаштириш.

³ Машом – димор, бурун.

Муриди¹ ишқи оламсўзман² ушшок базмида,
Навои нолай найдек баланд этти мақомимни.

Адам иқлимида шоҳим мусофири дур,
Худовандо,
Манга еткур саломат шахриёри некномимни³.

Чаманда гул тамошо айлабон сарви
равон кўрсам,
Килурман ёди султони Скандар эҳтишомимни⁴.

Қаронғудур кўзумға хажр шоми, тийрадур
айшим,
Фалак туфроға пинхон айлади моҳи
тамомимни⁵.

Ғараз ҳимматларимдин ёр васли иқтизосидур⁶,
Тиларман васлини, ё Раб, зиёд эт эҳтимомимни.

Сиёдат⁷ хонадони, шоҳи Бобур насли покиман,
Худоё, раҳмат айла, барча аждоди изомимни⁸.

¹ *Мурид* – толиб, талабгор, бирор шайх ёки пирга кўл бераб, унга эргашувчи. Тасаввуфда моддий боғликлар ва уз ҳоҳиш-иродасидан воз кечиб, Ҳакка интилаётган киши.

² *Оламсўз* – оламни кўйдирувчи.

³ *Некном* – яхши ном чиқарган, машхур, донгдор.

⁴ *Эҳтишом* – ҳашамат ва шукух соҳиби.

⁵ *Моҳи тамом* – ун тўрт кунлик тўлин ой.

⁶ *Иқтизо* – такозо, талаб, зарурат.

⁷ *Сиёдат* – сайидлик, улуғлик, бошчилик.

⁸ *Изом* – улуғлар.

Жавоби шоҳбайти Нодира ул нодири даврон,
Тегиб санги ажал¹, синдуруди мийно бирла
жомимни.

* * *

Ёзибман сафҳаи ҳуснунг хаёлида бу иншони,
Хижолат айлади ойинаи тўти шакархони.

Даҳону лаъл хаттингдурму ё, эй ҳусн султони,
Йифибсан гӯши кавсарға Хизр ила Масихони.

Менга хайли сипах девоналар бирла
мажонинилар²,
Нечукким тоза доғи жисмима меҳри
Сулаймони.

Кўнгул кон бўлди, оғзинг сирри ҳаргиз
бўлмади равшан,
Кизил гул ғунчасидек ким очар ушбу
муаммони.

Недин жону танимға миннат эрмас побусингдин³—
Ким, эрмиш шахнаи шавқинг қўнгул
мулки аро хони.

¹ Санги ажал — ажал тоши.

² Мажонин — мажнунлар, девоналар.

³ Побус — оёкни ўпиш.

Ики күз ҳажр Канъонида чун Яъкуби нобино¹,
Нединким, хусн Мисри ичрадурсен

Юсуфи сони².

Шакар сұзлук, қаро күзлук ғизолим
хажрида йиғлаб,
Куюн янглиғ кезарман ох айлаб дашту сахрони.

Сен, эй гардун, ҳазар эт, кишварингни
айлағил махкам,
Күзумни ашқидин хижлатға ботти Нұх³ тұғони.

Юрак қон үлди – охим тутуни күкка ёndoшти,
Қачонким тушда күрдүм гул юз ила
сарви болони⁴.

Вафо ранги, мухаббат накҳатин⁵ күз тутмағил,
эй дил,
Бу рангу бүй күргузмас кишига дахр бүстони.

¹ Нобино – күр, басир, сұқир.

² Юсуфи соний – иккінчи Юсуф, яъни гүзалликда тенгсиз маңшуқа.

³ Нұх – әнг узок умр күрган пайғамбар. У үз қавмлари орасыда 950 жыл яшаб, уларни Ҳақ йулиға хидоят килади. Лекин Оллох пайғамбарининг даъватига қулок тутмаганлар и учун улар охир-оқибат буюк тұғон балосига гирифтөр булади. Бу тұғон балосидан факат Нұх алайхиссаломга әргашғанларгина омон қолади.

⁴ Боло – 1) баланд; 2) қад-комат.

⁵ Накҳат – хушбүй хид.

Хаёли ёр ила, эй Нодира, шавқ уйида сабр эт,
Жаҳонни айлади ошупта бу холи паришони.

* * *

Юзүнг ҳажрида түфөндур сиришким,
тутти дунёни,
Ажаб эрмас анииг бир қатраси ғарк этса
дарёни.

Мұхаббат ахлиға ҳожат әмастур дахр ғавғоси,
Кел, эй шүри жунун, дур айла¹ бошимдин
бу ғавғони.

Құролмай ёрни бүлмиш жунуним эл тамошоси,
Агар күрсам жамолин, анда күргайсан
тамошони.

Етолмай гульузорим васлиға ишқ ичра
расвомен.
Мадал кил, баҳт күйи сориға бошқар
бу расвони.

¹ Дур айламоқ – узок айламоқ.

Ул ой хижронида оҳим Банот ун-наъшдек¹
хар ён
Паришон этти Кайвон² боргоҳида³ сурайёни.

Окорғон қузларимдин бўлди ул Юсуфлико⁴
пинҳон,
Эрур кўнглум уйи Яъқуби Кањон
байт ул-эҳзони.

Кўнгул бир офтоб ишқида ҳайрондурки
тонг эрмас,
Лаби шавқи фалакдин ерга индурса Масихони.

Киши кўрган эмастур ишқ даъвосида осойиш,
Агар роҳат тиларсан, зоҳидо, тарк эт
бу даъвони.

¹ *Банот ун-наъш* – сунбула буржи. Шимолий кутбдаги етти юлдуз, уларнинг тўрттасини наъш (хайвонлар), учтасини банот (қизлар) дейилади. Ўзбек тилида у етти оғайни деб юритилади: яққол кўриниб туралиган, чўмичсимон ўрнашган, етти юлдуздан иборат юлдузлар туркуми. Халқ тилида Етти карокчи, Катта айик деб ҳам аталади.

² *Кайвон* – Зуҳал, Сатурн. Ўтмиш мунажжимларининг ақидасига кўра, у еттинчи осмонда харакат килиб, наҳс – бадбахтлик келтирувчи хисобланади.

³ *Боргоҳ* – 1) подшоҳ қабулхонаси, 2) каср, даргоҳ; 3) чодир, ўтов

⁴ *Юсуфлико* – Юсуф юзли, гўзал.

←(ЖАҲОН ШЕҶРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)→

Юзунг ўлсун қароким, эй фалак,
зулм айладинг бехад,
Айирдинг ёридин бу Нодира мажнуни
шайдони.

* * *

Мунтазирдурман қачонким келса жонон,
айланай,
Бошидин юз йўл тасаддуқ айлабон жон,
айланай.

Бошидин айланмадим деб кўптур армоним
менинг,
Келса ёrim колмасун кўнгулда армон, айланай.

Лахзае холи эмас кўнглум хаёлинг хайлидин,
Иштиёқингдур кўнгул таҳтида султон, айланай!

Мехри рухсорингни соғиндим – қарорим
колмади,
Заррадек бошингдин, эй хуршиди тобон,
айланай!

Айларам ииди висолингни дамодам орзу,
Эй юзунг байрам ойи, жон санга курбон.
айланай!

Гирдбоди домани дашти жунундур пайкарим,
Жустужу¹ айлаб сени кўху биёбон айланай.

Шомлар фикру хаёл ичра сени айлаб сўроғ,
Субҳидам боди сабо янглиғ гулистон айланай.

Кел, хиром айлаб қадам қўйғил
кузум гулзорига,
Кадду рафтордингдин, эй сарви хиромон,
айланай!

Муғтанам эрди висолинг – қайдасан,
эй шахсувор,
Сендин айру Нодира ғам бирла ҳайрон,
айланай.

* * *

Эй сарвиноз, кадди нихолингдин ўргулай,
Ёдинг бахайр², фикру хаёлингдин ўргулай.

Шоми фирокинг этти мени тийрарўзгор³,
Кўрсат юзунгни – мохи жамолингдин ўргулай.

Хижрон менга мусоҳиб эзур, васлинг орзу,
Гоҳи фироқу гоҳ висолингдин ўргулай.

¹ Жустужу – кидириш, ахтариш, сўроклаш.

² Бахайр – ҳайрли.

³ Тийрарўзгор – баҳтиқаро.

«ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Васлингни доманиға құлым етмади, дариг,
Эй шахриёр, жоху жалолингдин үргулан.

Пайваста қошларингни юз узра хаёл этиб,
Бир офтобу икки ҳилолингдин үргулай.

Күнглум қүшини банд қилур ғам тузоғина,
Гул хирманида донаи холингдин үргулай.

Мен телбага күзунг кийиги ром бұлмади,
Ваҳший сифат рамида ғизолингдин үргулай.

Топмас күзүмни мардуми хуснунг мисолини,
Холи сиёҳ ила рухи олингдин үргулай.

Мушкин хатинг баҳорида сийминузорсен¹,
Анбар сочар гул узра саколингдин үргулай.

Келтурсанг, эй кабутар, агар ёрдин хабар,
Күрганда номасин пару болингдин үргулай.

Эй гульузор, Нодирани ҳолини сұраб,
Гүфтора кел, жавобу саволингдин үргулай.

¹ Сийминузор – күмуш юзли, гүзәл.

* * *

Кўнгул дарди фаровон ўлди, афғон
айламай найлай,
Сийнама нола ҳар тун барқи жавлон
айламай найлай.

Фалакка етти охим, тоғни гарқ айлади ашким,
Чу ашки ох ила оламни тӯфон айламай
найлай.

Бу янглиғим, менга туғён этар пайваста
гирёнлиғ,
Кўзумни ёшини дарёи Уммон¹ айламай пайлай.

Эрурман тийрарўз ул ойдин айру, дуди охимни
Хижоби орази хуршиди тобон айламай найлай.

Менинг расволиғимдин ишқ иқлимида ғавғодур,
Жунун зўр этти – ошиқлиғда туғён айламай
найлай.

Олурлар интиком атфоллар шаҳр ичра
Мажнундин,
Санамлар жавридин азми биёбон айламай
найлай.

¹ Уммон – Арабистон ярим оролининг жануби-шарқидаги мамлакат. У ердаги Уммон дентизини баҳри Уммон деб атайдилар.

↔ (ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ) ↔

Тишинг дурдонаси ёдимға тушгач, абри
найсондек –
Сиришким жоласини гавҳарафшон айламай
найлай.

Деди ул нозанин жаннатда кургайсан
жамолимни,
Ҳавойи гулшани фирдавси ризвон¹ айламай
найлай.

Қўрубман Нодира ўз нури чашмимдин
саодатлар,
Анинг шукронасига хайри эхсон айламай
найлай.

* * *

Жон олурда, эй санам, қилғон
шитобингта ўлай,
Гоҳ нозинга берай жон, гоҳ итобингта ўлай.

Хар киши ўлса юзунг меҳрида, лаълинг
тиргузур,
Чун Масихинг зинда² айлар, офтобингга ўлай.

Тиргузур беморларни шарбати лаъли лабинг,
Сокиё, махмурман – завқи шаробингга ўлай.

¹ Ризвон – жаннат.

² Зинда – тирик, хаёт.

Жон бағишларда лабинг нозингга жон
айлай фидо,
Катлим айлар чоғда қилғон изтиробинга ўлай.

Лаълинг оллида кўнгул сўргонда
холингдин савол,
Нозу истиғно била берган жавобинга ўлай.

Толпиниб улғон каби сайёдни домида қуш,
Кўйки, бир дам чирмасиб банди
ниқобинга ўлай.

Остонинг қиблаи максуди хосу ом¹ эзур,
Нодира, бошимни фарш² айлаб
жанобинга ўлай.

¹ Хосу ом – улур зотлар ва оддий одамлар.
² Фарш – тўшак, гилам, палос.



МУХАММАСЛАР

• • •

Келгил, эй нола, санга ох ила имдод қилай,
Офият хирманини бир йүли барбод қилай,
Ман этиб нолани, тарки рахи фарёд қилай,
Тобакай¹ ҳажру фирок оғатидин дод қилай,
Эмди үзни неча кун сабр ила мұттод қилай.

Маңға гохи хабари моҳи тамомимни десанг,
Ёрға дарду ғами субх ила шомимни десанг,
Ул паривашға дуо бирла саломимни десанг,
Ёр күйида, башартики. паёмимни десанг,
Бу кафасдин сени, эй жон куши, озод қилай.

Аллу инсофла Жамшииднаждим сен эдинг,
Фикру андиша, хаёлім бирла ёдим сен эдинг,
Рост айтай, сабаби рушду rashodim² сен эдинг,
Эй дилором, бу оламда муродим сен эдинг,
Айлаб оламни фаромуш, сени ёд қилай.

Яна бир мартаба ғам шомида моҳимни күруб,
Ҳажр дардини десам, пуштипанохимни күруб,

¹ Тобакай – қачонгача.

² Рушду rashod – ростлигу түрлилік.

«ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Рахми келгайму бу аҳволи табоҳимни кўруб,
Жаврларким менга чарх айлади,
шоҳимни кўруб,
Бош яланг айлаб, инонини тутуб дод қилай.

Сокиё, раңжи хумор ўртади – келтур
манга май,
Тулдуруб неча қадаҳин тута кур пайдар-пай,
Ҳажр дарди била ҳикмат йўлини қилдим тай¹,
Сабрдур дарди дилим чораси, йўқса токай
Нотавон жонима бедод уза бедод қилай?

Неча кунларки манга бор эди лутфу караминг,
Сурмаи чашми жаҳонбин² эди гарди қадаминг.
Фарздор эмди менга тавфи³ дари муҳтараминг,
Боғлаб ихлос ила эҳроми⁴ ҳарими ҳараминг,
Ашқдин роҳилау⁵ хуни жигар зод⁶ қилай.

То жаҳон мулкини султони эдинг давлат ила,
Бенаволарға карам айлар эдинг шафқат ила,
Халқ сендин хама хушиуд эди бу одат ила,
Шод қилғай сени рухингни Худо раҳмат ила,
Мен ҳам эҳсон ила эл хотирини шод қилай.

¹ Тай – юриш, кезиш, босиб утиш.

² Жаҳонбин – жаҳонни кўрувчи, узокни курувчи.

³ Тавғ – айланиш, зиерат.

⁴ Эҳром – ҳаж ва умра зиёрати вактида кийиладиган маҳсус кийим; мажозан: қасд этиш, инят қилиш.

⁵ Роҳила – улов.

⁶ Зод – озик.

Мустамандеки, дуо бирла сени ёд эткай,
Рахмати бирла Худованди жахон шод эткай,
Анбиё¹ рухи сенинг жопингга имдод эткай,
Охират мулкини то Ҳақ сенга обод эткай,
Мулк вайроналарин адл ила обод килай.

Сарви гул пирахани сен каби пайдо эрмас,
Сен киби сарв ила гул дилкашу зебо эрмас,
Бу чаман гуллари манзури тамошо эрмас,
Кўзума кадду юзингдек чаманоро эрмас,
Неча андишии сарву гулу шамшод қилай.

Васл базми аро жоми майи саршор кани,
Ол ила мендин айирди фалаки сифла² сани,
Порадур гул киби эгнимда жунун пираҳани,
Оташи дарду фироқу шарари хажр мани
Ўртади, қайси бирин сенга бунёд қилай?

Ёрсиз мушкил экан меҳнати хижрон чекмак,
Васл уммиди била ранжи фарони чекмак,
Най киби бўлди ишим нолау афғон чекмак,
Мен мену кўхи ғаминг қулласида³ жон чекмак,
Неча Ширинни вафо тогида Фарход қилай.

Шамъ сар то қадам⁴ уртанди – фано ургандим,
Курубон қатраи шабнамни хаё ургандим,

¹ Анбиё – набийлар, пайғамбарлар.

² Сифла – пасткаш, тубан, ярамас.

³ Қулла – чўкки.

⁴ Сар то қадам – бошдан-оёқ.

Гулу булбул сўзидин баргу наво¹ ургандим,
Остонинг итидин рамзи вафо ургандим,
Эмди бир неча маҳал хизмати устод қилай.

Кошки уйкуда бир курсам эди ёримни,
Йиғласам билгай эди холи дили зоримни,
Дард ахли үқусун, Нодира, гуфторимни,
Ёзибон кўкда қуёш лавҳина ашъоримни
Насхи² машки қалами Монию³ Бехзод қилай.



Эмди менга ша хожат оламни можароси –
Ким, ёр васли эрди кўнгулни муддаоси,
Ҳажрида пора-лора пироҳаним яқоси,
Бу дарди бедавонинг борму экан давоси,
Марҳам иложи бирла бутмас кўнгул яроси.

Айрилди ёр мендин, билмон, яқин-йироғин,
Жонимға мунис эттим асраб кўнгулда доғин,
Охим шарори бирла равшан қиласай чароғин,
Дунё юзини истаб, топқай эдим суроғин,
Гар бўлса юз мароҳил⁴ мен бирла ёр ароси.

¹ *Баргу наво* – бу ерда: тартибу интизом.

² *Насх* – бекор килиш.

³ *Моний* – монавия таълимоти асосчиси Моний ибн Фатак (212–276). Шарқда у нақкош ва мусаввир сифатида машҳур бўлган.

⁴ *Мароҳил* – манзил.

❖(ЖАҲОН ШЕРНЯТИ ДУРДОНАТАРИ)❖

Дил хастау жигар кон, тан дардманд сенсиз,
Фарёд ила фиғоним бўлмиш баланд сенсиз,
Дунёни айламасман ҳаргиз писанд сенсиз,
Раңжурдур хамиша бу мустаманд сенсиз,
Айши тамом ғамдур, хуноби дил гизоси.

Васлинг аро фалакдин эрди ривожим афзун¹,
Сен айлаб азми риҳлат, мен колмишам
жигархун,
Фарёд этиб жунундин андоғки сози Мажнун,
Тузмиш бу нотавонинг ғам гӯшасида копун²,
Хижрон таронасидур ушшоқ аро навоси.

Мендин айирди лаврон ул ёри хамдамимни,
Кандин тонарман эмди шохи мукаррамимни,
Ҳавво сифат жаҳонда изларман Одамимни.
Ёримдин айрилибман – кимга дейин ғамимни.
Душвор экан жаҳонда танҳолиғ ибтиюси.

Ёримдин иккى гавхар колди – кунгил сурури,
Давлатни обруйи, иқболин зухури³,
Хушдур кунгул алардин, жондур алар сабури⁴,
Иккى ҳужаста⁵ фарзанд – иккى кўзумни нури,
Бордур кунгул сурури ҳар кайсининг ликоси⁶.

¹ Афзун – ортиқ, кўп, зиёда.

² Конун – мусика асбоби.

³ Зуҳур – пайдо бўлиш, намоён бўлиш, кўриниш.

⁴ Сабур – сабр-токаз килувчи.

⁵ Ҳужаста – қутлур, муборак.

⁶ Лиқо – юз, чехра.

Ул шахриёри даврон килди видои олам –
 Ким, килди тахту тожин фарзандига мусаллам,
 Ойини адл тузди инсоф бирла ул хам,
 Шукри Худойи олам, субху масо дамодам –
 Ким, шохдур мукаррам сохибқирон балоси.

Бу шандың эшиттим бир солики¹ субулдин²,
 Ёр истасант гузар кил якбора³ жүзүү
 кул(л)дин⁴.

Фарзанд меҳри элтар ғам зангини күнгүлдин,
 Ҳарчанд шод эрурман бу икки тоза гулдин.
 Кетмас ҳануз мендин ул ёрниңг вафоси.

Ул ёр васли бирла хуш эрди рүзгорим,
 Меҳри вафодин айру йүк эрди кору борим⁵,
 Алқисса⁶, гул юзиши мендин ёңцүрди ёрим,
 Ҳижрон ғамиши чекмак йүк эрди ихтиёрим,
 Рузи азал Худони мундоғ экан ризоси.

¹ **Солик** – тарикат йүлигә киргани ва Худо сари сайр килаёттан киши.

² **Субул** – бу ерда: йүл, тарикат.

³ **Якбора** – бир бора.

⁴ **Жүзүү кул(л)** – килем ва бутун **Күл(л)** вахдат. Оллох, **жүзө** – касрат, олам ва ундаги нарсалар. Касрат олами Вахдагдан ажырылб чиккан, унин бекисоб суратлары хисобланади. Жүзүү ҳамиша кул(л)га ингилади.

⁵ **Кору бор** – ишлар машғулликлар.

⁶ **Алқисса** – худласи калом, гапнинг кискаси, хүлеса килиб айттында.

Гар бұлмаса висоли менга жахонда не бор,
 Дұзах әрүр күзумга жаннатда бұлмаса ёр,
 Солди мени фироқа маккора чархи ғаддор,
 Дунёни ишвасиға мағрур бұлма зинхор –
 Ким, дахр бебакодур, оламни йүқ вафоси.

Ағсус, шохи даврон азм айлади жахондин,
 Даврон мени айирди ул ёри меҳрибондин,
 Хоки рахи фанодур айрілса жисм жондин,
 Ул яхшиларни шохи кетти бу хокдоңдин¹,
 Ийсор² анга паёпай бу нодира дуоси.

* * *

Ох, бир сарви сихи рафтөрдин айрилмишам,
 Құзлари бодому гулрухсордин айрилмишам,
 Хаста жону нотавонман – ёрдин айрилмишам,
 Ери ҳамдам, мунису ғамхордин айрилмишам,
 Сүзлари ширишакар гүфтордин айрилмишам.

Шоми ғам юзланды – хуршиди
рахшоним қани?
 Тийра бұлди рұзгорим – мохи тобоним қани?
 Гулшани айшим хазон бұлди –
гулистаним қани?
 Жондин ортиқ меҳрибон, ғамхори
жононим қани?
 Бұлмишам бехонумон³ то ёрдин айрилмишам.

¹ *Хокдон* – тупрок уйи, яъни дунё.

² *Ийсор* – сочиш, бағишашиб, ишъом.

³ *Бехонумон* – уй-жойсиз, сарсон-саргардон, бечора.

Хажр водисиға солди гардиши даврон мени,
 Оташи фуркатда охир ўртади хижрон мени,
 Халқ аро афсона қилди нолау афөн мени,
 Хажр дардига гирифттор айлади жонон мени,
 Ул гуландому парирухсордин айрилмишам.

Ёр хажридин яқони пора килмай найлайин?
 Күзларим хунобини санёра килмай пайлайин?
 Ёдии дарди дилимга чора килмай найлайин?
 Хар тараф васлин тилаб, наззора килмай
 пайлайин?
 Воламен – ойнадек дийдордин айрилмишам.

Улки, доим ҳамишишину¹ хамдаму хамхоб² эди,
 Шарбати жони висолидин қўнгул шодоб эди,
 Ҳўблиғ³ давронида хуршиди оламтоб⁴ эди,
 Илму дониш маҳзанида гавҳари ноёб эди,
 Муниси жон, воқифи асрордин айрилмишам.

Эй хуш ул кунларки, ул гулчехра бирла
 ёр эдим,
 Кеча-кундуз давлати васлила бархурдор⁵ эдим,
 Нуктаи меҳру вафода маҳрами асрор эдим,
 Комёби шарбати ул лаъли шаккарбор эдим,
 Кон ютармен – лаъли шаккарбордин
 айрилмишам.

¹ Ҳамишишин – бирга ўтирувчи, дўст, улфат.

² Ҳамхоб – ёстиқдош

³ Ҳўблиғ – гўзаллик, яхшилик.

⁴ Ҳуршиди оламтоб – оламни ёритувчи куёш.

⁵ Бархурдор – баҳраманд.

←(ЖАХОН ШЕҮРНЯТИ ДУРДОНАЛАРН)→

Ёр кетти – эмди хижрон можаросидур менга,
Васлига шукр этмадим, фуркат балосидур
менга,

Ёлгор ул мүниси жоным дуосидур менга,

Кечаю кундуз висоли мүддаосидур менга,

Ёри ғамхору иеку кирдордин¹ айрилмишам.

Ёр эди хамхона – васлинин ганимат билмадим,
Андин аиру колмишам гар қадри сухбат
билмадим,

Үтти фурсат лаззати айшу фароғат билмадим,

Давлати дийдориниң айни саодат билмадим,

Вой, юз фарёд, ёри зордин айрилмишам.

Деб эди бағрингин хижрон тифи бирла
тилмайин,

Ахд этиб эрдики, сендин бир нафас

айрилмайин,

То тирикдүрман жудолиғ можаросин қилмайин,

Ёр кетти, Нодира, хасратда колдым билмайин,

Ахди өлгөн дилбари айердин айрилмишам.

¹ Иеку кирдор – гүзәл хүлк сохиби.



МУСАММАН



Мени, эй чархи кажрафтор, ёримдин
жудо қилдинг,
Хазондур боғи айшим, навбаҳоримдин
жудо қилдинг,
Айирдинг меҳрибонимдин, ниғоримдин
жудо қилдинг.
Чароги шурбахши рӯзгоримдин жудо қилдинг,
Нигори сарвкомат гулъузоримдин
жудо қилдинг,
Таним хоки раҳ үлди – шахсуворимдин
жудо қилдинг,
Қилурмен, эй синехри бемуруват,
дод дастингдин,
Асири хокдур ул сарви ҳурзод¹ дастингдин.

Асири дардмен ул муниси жонимдин айрилгач.
Нашотим тийрадур шамъи шабистошмдин
айрилгач,
Бўлубмен заррадек ҳуршиди тобонимдин
айрилгач,

¹ Сарви ҳурзод – ҳурга ўхшаган сарв, яъни алпкомат

Нигундур коматим сарви хиромонимдин
айрилгач,
Күзум йұлларда хайрон колди султонимдин
айрилгач,
Күяр жон оташи хасратда жонимдин айрилгач,
Килурмен, эй сипехри бемурувват,
дол дастингдин,
Асири хоқдур ул сарви ҳурзод дастингдин.

Ажаб эрмас агар үтса фалакдин оху фарёдим,
Фиғон этмайму кетти бу чамандин сарви
озодим,
Күнгүл маъмур эди, эй чарх, вайрон
улди ободим,
Фалак зулм эттию, фарёдраска¹ етмади додим,
Фарах топмас жаҳони бевафодин табъи
ношодим,
Бұлуб девона, билмасмен, қаён кетти
паризодим?
Килурмен, эй сипехри бемурувват,
дол дастингдин,
Асири хоқдур ул сарви ҳурзод дастингдин.

Неча кундурки, ул маҳи номеҳрубоним йўқ,
Жамиъи ҳамнишинлар бору ул ороми
жоним йўқ,
Мухаббат дарди доғидин бўлак номи
нишоним йўқ,

¹ Фарёдрас – фарёдга етүвчи, яъни Худо.

Бахор ўлди, гул очилди – менинг сарви
равоним йук,
Жахон ўртанди ҳажридин – ул ошуби
жахоним йук,
Фирокида ғаму хасратдин ортуқ достоним йук,
Килурмен, эй сипехри bemурувват,
дод дастингдин,
Асири хокдур ул сарви хурзод дастингдин.

Фалак жисмимни туфроғ айлади,
жонимни тиндуруди,
Кунгул шахбозини андух домига илинтурди,
Тажаммул офтобини фалак туфроға индуруди,
Тегиб санги маломат, шишаи сабримни
синдуруди,
Куёш чобуксуворин то фалак раҳшиға¹
миндуруди,
Мухаббат аҳлиға жавру жафосини билинтурди,
Килурмен, эй сипехри bemурувват,
дод дастингдин,
Асири хокдур ул сарви хурзод дастингдин.

Жахон боғида булбулдек фифоним
суд килмайдур,
Гули тасвир янглиғ ғунчай баҳтим очилмайдур,
На дерман, Нодира, пинхон ғамимни
ёр билмайдур.

¹ Рахш – чопқир от.

«ЖАХОН ШЕҮРИЯГИ ДУРДОНАЛАРЫ»

Күнгүл дардии шарх этмакка бир ҳамдаң
топилмайдур,
Күнгүл бесхуддур, ғам бодасидин
то йикилмайдур,
Фалак беражмайдур, фарёд қылсаң күзга
илмайдур,
Килурмен, эй синеҳри бемуруват,
дод дастиңдин,
Асири хоктур ул сарви хурэод дастиңдин.



«ФОРСИЙ ДЕВОН»ДАН

FAZALLAR

* * *

Дил яна азми тавофи Каъбаи жон айлагай,
Ёр йўлига бу тириклик нақдин эхсон айлагай.

Кўзларим хар лахза йиғлаб хажрида
 мисли булут,
Тўлдириб оламни кўз ёшига тўфон айлагай.

Жон узолмай қийналар конга беланган
 дил қуши,
Жонидан тўйдиргудай ошиқни хижрон
 айлагай.

Лутф этиб, гоҳи назар ташлай деса
 менга санам,
Уйқучи баҳтим уни бундан пушаймон айлагай.

Фунча йиртар ёқасин гоҳи дудоғи шавқида,
Гоҳ ғамида ёқа ичра бошни пинхон айлагай.

«ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Хар нафас ёкамдадир хижрон қули
ишиңг аро,
Ёқама-ёқа ажал бирлан у хар он айлагай.

Килди бу бесабру тоқатлик мени сендан узок,
Бу паришон баҳтим олам ичра сарсон айлагай.

Зулфининг хушбуйидан тонг ели
ғунча күнглини
Мисли ошиқ күнглидек чоку паришон айлагай.

Хақ гувоҳ: кўрган эмас хаттоқи Кањон
пири хам,
Ҳажр аро менга азоб ул мохи Кањон айлагай.

Кўйлагидан тонг ели келтирмаса бўй хар куни,
Ким бу йиғлок кўзларим дардига дармон
айлагай?

Бош згиб ҳар лахза зору нотавон Макнунаси
Шохи даврон васлиининг ёдини ҳар он айлагай.



Айриликка сабр этишдан ўзга тадбир булмагай,
Хеч қачон тақдир хати саъй или
тағийир булмагай.

Кўз тикар хар тонг талаб истаб ижобат йулига,
Дилнинг охисиз дуода асло таъсир бўлмагай.

Тан фано бўлгай агар тушса кўнгилга ишқ ўти,
Сел йўлида чунки хеч биною таъмир бўлмагай.

Мен кўнгиллар лавҳидан ўчдим кетиб
 ўздан чунон,
Хуш ҳидида гулнинг асло рангу
 тасвир бўлмагай.

Хар нафас ўздан кетарман жилва қилса
 ул малак,
Келса ҳам бошга ажал ташвишга
 арзир бўлмагай.

Макнуна қуздан нихон булди пари, бас,
 йўқ илож,
Ўйнамай жон муҳрасин у сенга
 тақдир бўлмагай.

* * *

Эй дили девона, ғамдан шод бўл,
Кеч жаҳон ташвишидан – озод бўл.

Сарвқадлар жилвасидан кўзни юм,
Толиби ул тенги йўқ ҳурзод бўл.

←(ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)→

Истасанг Ширин лабидан мақсадинг,
Бир нафас ғам тоғида Фарход бўл.

Ғамзага ноз машқидан таълим бериб,
Дилраболик йўлида устод бўл.

Нозига кўзгу бўлишни истасанг,
Эй хароб кўнглим менинг, обод бул.

Кетди қўлингдан висолнинг этаги,
Энди қасби туну кун фарёд бўл.

Мушкул ишлар охири осон бўлар,
Макнуна, бас, энди ғамдан шод бўл.

* * *

Тунда юзинг ёдида нақши гулистон боғладим,
Тонггача гулдастай хоби паришон боғладим.

Мен эмасман бехабар киприклар бедодидан,
Бу жароҳат дафтарин кўзга намоён боғладим.

Дилни раҳмат денгизи томчисига қилдим қадах,
Шарм ила ёр ишқига кўнглимни пинҳон
боғладим.

Менга ҳайрат қасб экан, йўқ васлу
хижронга ишим,
Бас, фироқ шомида йиғлаб, асли
бўхтон боғладим.

«ЖАХОН ШЕҮРИЯТИ ДУРДОНАЛИРИ»

Боғлади кон қомати зебоси васфида күнгил,
Дема, Макнуна, бу мисрани мен осон боғладим.

* * *

Куним қора сочингдек, йүк қарорим,
Сочингдек йүк бирор ишда барорим.

Висолингдан эди дил коми ҳосил,
Фироғингдан йүк энди ҳол-мадорим.

Висолинг давлати айлаб мени тарк,
Фироғинг доғи бүлди устуворим.

Қошиңг токи билан ишқ үйнар эрдим,
Мозоринг тоши бүлди энди ёрим.

Тиларман толеимдан то қиёмат,
Хокингдан тушмасин айру ғуборим.

Қаён кетди саодатли у кунлар:
Тутиб күлга қадах, ёнимда ёрим?!

Қаёкқа бүлди ғойиб ёри жоним,
Азизим, ҳамдамиму ғамгусорим?!

Қаён кетди – жамолидан мунаvvар
Эди қоронғи тунлар то нахорим.

Тириклик даштида гүёки лола
Дил ичра түлди доғу оху зорим.

Тасодиф тоши синдириди, фиғонким,
Суянчим жомини – ўртанди борим.

Куяр, Макнұна, шамдек жисму жоним,
Хазон фаслиға айланди баҳорим.

* * *

Ед этарман – құлда жоми эътиборим бор эди,
Навбаҳор фаслида гулдек интизорим бор эди.

Шом каби қонли шафак сочгум, қаёқда
колди-ей,
У замон – қүйнимда офтоби наҳорим бор эди.

Неча кунлар зарнигор чархи фалак лутфи
билан
Бу жаҳон бустонида раъно нигорим бор эди.

Бир суянчик бор эди мақсудим айшободида,
Истагимни жобажо килгувчи ёрим бор эди.

Хар нафас нозу ғуур түпи қучогимда эди,
Чунки мохир үйнагувчи шахсуворим бор эди.

Құли құлимда эди узук құзидек ҳар қачон,
Ох, умид кафтида баҳти номдорим бор эди.

Макнұна, юз дөғу ҳасрат қолди у
кунлардан-ей,
Дилда бир шириң ҳаётдан ифтихорим бор эди.

↔ (ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛИРИ) ↔

* * *

Неча йилки, дилда бир севимли дийдор орзу,
Мисли булбулдек ҳамиша гули рухсор орзу.

Англамас юз даврасида оғзи рамзин ҳеч киши,
Шу учун бир дил каби маҳрами асрор орзу.

Хар сузида табъи тутиси түкар эрди шакар,
Айланиб күзгуга, қилдим тотли гуфтор орзу.

Ёэди пар товус куриб ёрнинг хирому
жилвасин,
Менда ҳам сарви қадидан бўлди рафтор орзу.

Тегмасин деб безавол ҳуснига ёмон кўз сира,
Айлагайман буйнига бўлмоқни туммор орзу.

Интизорлик ҳасратидан барча дарду хасталик,
Бир лабининг майидан тўйиб ичиш бор орзу.

То мадад берсин дея Макнунай бечорага,
Дилда ҳардам илтифоти Хожа Ахрор орзу.

* * *

Бир кўришга гул каби ораста рухсор орзу,
Менга наргисдек кўзи сармасту бемор орзу.

◊(ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)◊

Лаълидан гул баргидек оққай латофат инжуси,
Менда ҳам бор лаззати жонбахш гуфтор орзу.

Жилваси олдида шарм айлайди жаннат товуси,
Бор хиромон коматидан менда рафтор орзу.

Офатидир зулфининг куфри¹ мудом дин
ахлининг,
Боғламок мисли барахман² белга зуннор орзу.

Жўш урап кўнглимда майдек севги
бахсу сўзлари,
Бу жаҳонда менга бир маҳрами асрор орзу.

Тегмасин деб ҳеч ёмон кўз бу камоли
хуснингта,
Осилиш бўлганча оқ буйнингга туммор орзу.

Бебахо сўз дуридан бўлган ғазал халқасидек,
Макнуна кўнгли қулоғига бўлиш ёр орзу.

* * *

Ҳар киши ёдингни жо этса дили беморга,
Бўлса ҳам Чин сурати, юз ӯгирада деворга.

¹ Күфр – тасаввуфда касрат оламининг зулми, дунё талаби, вахдатдан жудолик.

² Барахман – 1) хинд ҳакими ва донишманди; 2) бут-парастлар пири.

Олса ким номингни тилга, куз ёши тасбехида
Тоабад номингни зикр айлаш хунар у зорга.

Гул хидини берди тонг елига сочинг хуш иси.
Хулкинг эл кўнглин қилас чоғ үхшабон
атторга.

Ол юзингдан пардани токи висолинг ташнаси,
Кўз жомини тўлатсин шарбати дийдорга.

Қад дарахтини яратмишлар самар берсин учун,
Иш эмас бермай мева, тўлдирса дил озорга.

То қиёмат кўзадан обиҳаёт суви оқар,
Етса кўйингнинг насими гар сафоли хорга.

Макнуна ўтли нафас олмок учун минг уртаниб,
Берди дил бегоналарни сийлагувчи ёрга.

* * *

Жаҳон мулки мисоли денгиз, унда
подшо гавхар,
Тасодиф тошидан синди ва лекин
бебаҳо гавхар.

Мухаббатдан сўз очма олдида ким
булмаса ошик,
Жаҳон бозорида ётларга сотма асло гавхар.

«ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Мухаббат файзидан махрум ҳамиша
бағритош зохид,
Заиф акли туфайли тошни уйлайди
гадо гавҳар.

Ҳак олдида хижолат терларининг
қиммати беҳад,
Ҳаё денгизидан чиққай кўриб ҳурматни
то гавҳар.

Кудурат гардидан соғ айла дилни
истасанг иззат,
Мақоми бўлди шоҳлар тожи топибон
жило гавҳар.

Саҳар юлдуз каби юксак у шоҳ руҳига
Макнунга
Фалак тоқига етказди килиб зикру дуо гавҳар.

* * *

Унинг хижрони юкидан тегирмон гүиё бошда,
Заифликдан чекарман оҳ кўриб минг
бало бошда.

Йиқилдим ҳайрат айлаб гулшани хуснинг
хаёлидан,
Қаранг, товус пари монанди нақши бўрё
бошда.

↔(ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)↔

Кўзимдан отилиб дил кони, кўкка етди
оҳим ҳам,
Ёғилди Карбало¹ қоними ё ҳажр аро бошда.

Жароҳат булди пайдо дилда айрилгач
гузал юздан,
Чаманнинг кушлари уйнаб, этарлар юз
наво бошда.

Намоён этди дилда ишқ ўти давлат ривожини,
Яна оҳим тутунидан-да сояйи Ҳумо бошда.

Сабо ёзганда сочини ўлиб қолдим-ку
рашк ичра,
Илоё, бўлмасин ҳеч кимда бу янглиғ
жафо бошда.

Бу Макнуна ғаминг етказгали оҳ-нола рамзида,
Дуо боғи қуши айлар наволар доимо бошда.

* * *

Ёр яна юзини пинхон қилди,
Ҳажри дарди ғорати жон қолди.

Кетди-ю оромижон, ишқ ахлини
Мубталоси дарди хижрон қилди.

¹ Карбало — Ироқдаги сахро. Мухаммад алайхиссаломнинг невараси, Ҳазрат Алининг ўғли Имом Ҳусайн халифа Яэид билан бўлган ҳокимият учун курашда онла аъзолари ва якинлари билан шу ерда шахид бўлган.

Дил мұхаббат дардидан фориғ әди,
Келди-ю ишқ, уни вайрон қилди.

Яиги ойга интизор бұлса бирор,
Коши тоқини намоён қилди.

Ваъда қилди васлини хижрон куни,
Бу әди мушкул, у осон қилди.

Хажри доғида жигарнинг қонидан
Дил териб гулларни хирмон қилди.

Хажри сахросида сарсон жон яна
Азми сахрою биёбон қилди.

Макнуна жони фирокда ўртаниб,
Хажрининг дастидан ағғон қилди.



Ул парипайкар қилиб жилва хиромон айлади,
Дустлар күзини бу жилвада ҳайрон айлади.

Ноз кинидан чикарганча бепарволик тифин,
Тўқди-ю қонимни, тупроқни гулистон айлади.

Иштиёғинг кўйида мажнун дилим гўёки шам,
Захмини, бок, нусхай чоки гирибон айлади.

Тўқди-ю эл қонини, кўздан ниҳон бўлди пари,
Берди ким дил – мубталойи доғи хижрон
айлади.

❖(ЖАХОН ШЕҮРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)❖

Мен күнгил ичра вафо қасрин қуриб
күйган эдим,
Бостириб келди-ю күз ёш сели вайрон айлади.

Келди ёдимга якинлар хажри шоми зулмати,
Сочини күк кампири гүё паришон айлади.

Мен жамолингни күрай деб сайри гулшан
истадим,
Йиғи сенсиз ёшларимни күзда түфон айлади.

Хонумоним күйдию, дил қасри хам бүлди
хароб,
Ашку ох чақмогу ёмрир бүлди – яксон айлади.

Макнуна жисми мисоли сурату ҳайкал эмиш,
Чунки уни хайрати жилvasи ҳайрон айлади.

* * *

Кимда бүлса орэу курмоқлик гулистони юзи,
Курмайин ойинадек бүлгуси ҳайрони юзи.

Лашкари хатти тутибди оламоро ҳуснини,
Арзир ошуфта күнгилни қылса курбони юзи.

Етмасин дея замон түfonларидан бир зиён,
Кошидан бүлмиш бино тоқиу айвони юзи.

«ЖАДИН ШЕЪРИЯТИ ДУРДЮНАЛАРИ»

Кандайин дил арғумоги топсин ул
гулшанга йўл,
Коп-кора холи бўлиб ўтиrsa дарбони юзи.

Миср хусни мулкида шоҳ бўлса-да
гарчи Юсуф,
Хар нафас Канъонда ўлмок эди армони юзи.

Бир куриш орзусидан холи эмас ҳеч бир киши,
Барчага бергай умид неъмату эхсони юзи.

Фам хаёлободида ўзни унутиб шу қадар,
Макнунга ойинадек ҳар лаҳза хайрони юзи.

* * *

Масиҳдек жон бағишлиайди санамнинг
тотли гуфтори,
Жаҳон аҳлини айлар лолу хайрон хусни
руҳсори.

Хиром этса агар лутфу назокат бирла
гулшанда,
Парилар ҳам қадингнинг бўлгуси зору
гирифтори.

Жамоли жилвагар бўлса мухаббатнинг
бозорида,
Бериб жонини сон мингта Юсуф бўлгай
харидори.

Менга мангу хаёт бахш айлагайдир бу
жажон ичра
Намоён булса зулмат чашмасида нури дийдори.

Жаҳонгир, фозилу доно баланд иқболли
бу шоҳнинг
Фалакнинг кӯзига сурма эмиш тупроғи девори.

Юзи рашкида йиртар ёқасини гулшан
ичра гул,
Ҳасаддан қилди кўр наргисни бўлса кўзи
бемори.

Қанотида сабонинг кошки ёрига стиб борса,
Саҳарлар Макнуна бечоранинг чеккан
оху зори.

* * *

Эй, сочинг савдосидан шаҳр ичра ғавғо
хар томон,
Навбаҳор офтобига чехранг келтиргуси шон.

Дил олишда юзингу зулфинг сира яқдил эмас,
Ҳалқа-ҳалқа соchlаринг шундан ёзилмиш
хар томон.

Сабр ипин кафтиmdан олди-кетди ишкинг
жазбаси,
Колди кафтиmdа бу ғам айёмидан минг
бир нишон.

◊(жаҳон шеърияти дурдониалири)◊

Ўзини хар ён ураг дил тегмасин деб ўкларинг,
Чунки шунда тегмагайдир унга ўқинг бегумон.

Дардли охидан фалак тоқи тутун бўлди бутун,
Макнуна кўнглида ишқингдан ёнар ут беомон.

* * *

Ёғдирап кўздан шафакдек қонлар шоми фирок,
Аввалу охирни билмайди ҳеч айёми фирок.

Ёрилиб ғам ичра, тўккайдир сиёҳдан кора доғ,
Бу қаламнинг тилига келса агар номи фирок.

Мингоёқдек етказар кўнглимга ранжу озор,
Ким қулоғимга агар етказса пайғоми фирок.

Кеча-кундуз ҳеч келишмайди жаҳонда, шу каби
Бўлмагайдир васли хам оламда ҳеч
роми фирок.

Бўлмаса васли мұяссар, мен илож қандай
топай?
Неча йилки дилнинг бўйнидадир доми фирок.

Хаста Макнуна дили қандай саломат бўлгуси,
Ҳар замон ғам заҳрини тутса унга жоми фирок.

«ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

* * *

Оху нола дарсини мен ишқдан олдим сабак,
Булмай огох кечаю кундуздан ағдардим варак.

Оташимдан тутун ичра бүлмагай вокиф киши,
Дил қули термас шафак қонини гулдек,
 бу ҳак.

Солди бошимга унинг хижрони юз ғам
 узра ғам,
Жисм аро дил қони ҳам бўлди табак
 узра табак.

Ишқ иши оғир десам, менга сира ишонмади,
Доимо аччиқ туюлгай кишига изхори ҳак.

Гоҳ қизил, гоҳ сариқ ошиқ юзи раъно каби,
Йук азоб дунёда дил дарди мисоли мутлақ.

Макнуна, сабр айла хижрони азобига мудом,
Сенга мақсад бофининг эшиги очилгуси нақ.

* * *

Солгай оташ бу чаманга хар нафас
 гуфтори ишқ,
Кўлга кирмайди ҳавасдан сира зулфи ёри ишқ.

«ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Куш тушунгандек фақат куш тилини,
эй булбул,
Менга сендан ўзга йўқ бир маҳрами
асорори ишқ.

Осадилар ишқ дорига ул Мансури Ҳалложни,
Сабри етмай, чунки элга айлади изҳори ишқ.

Тотмайин бир қатра Шириннинг висоли
жомидан,
Тутди Фарҳодга ажалнинг захрини
кӯҳсори¹ ишқ.

Таъна айлайди фалак офтобига кўнгли нури,
Тушса кимнинг бошига гар сояи девори ишқ.

Тун каби сочи ичидан жилва қилгач ой юзи,
Боғладим мисли барахман белга зуннори ишқ.

Бор умид – келгуси Ҳак дорушшифосидан даво,
Ким жаҳонда бўлса Макнуна каби bemори ишқ.

* * *

Бу гулистонга бағишлар чехраи дилдор ранг,
Тушса гуллар ичига ҳатто тиканда бор ранг.

Жилва қилса боғ аро у бекиёс ҳусну жамол,
Қолмагай гулзорда гуллар юзида зинхор ранг.

¹ Кӯҳсор – торлик жойлар.

Конга тўлибди хумор нарғис кўзи май тобидан,
Ким кўрибди олганини чехраи бемор ранг.

Юзу зулфи рангу бўй арз этди-ю бўстон аро,
Колмади бўйда латофат, бўлди шармисор ранг.

Тенг бўла олгайми гулгун юзи ҳуснига сира,
Гул юзида бўлса пайдо ҳар нафас минг
бор ранг.

Тушди ҳайратга жаҳон бир жилвасидан
кўзгудек,
Эй гўзаллик гулшани, қилма, етар, изхор ранг.

Бас, гулу гулшани таъриф айлама кўп, боюн,
Конли ёши қошида Макнунага бекор ранг.

* * *

Умр утди васли базмидан ушалмай коми дил,
Юзи шамъидан бўларми роҳату ороми дил?

Бўлди ой кўздан ниҳону кетди дил ҳам
ортидан,
Колмади кўз лавхи ичра ҳатто ҳарфу
номи дил.

Отди такдир қўли йўқлик денгизига гавхарим,
Энди етгайдир қулоғига нечук пайғоми дил?

«ЖАХОН ШЕҮРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Лутфу әхсон айлагай инсонни инсонга асир,
Күлгуси ҳаттоқи оламни гирифтөр доми дил.

Балки осмондан йиқилсанг сенга бүлмас
хеч нима,
Хавфлидир, юз пора қилгай, чунки юксак
томи дил.

Энди гулшандан очилмас менга мақсад эшиги,
Каъбаи күйига шундан боғладим эхроми дил.

Топгуси хеч бир қиёси йүк хумору нашъани,
Кимга Макнуна каби баҳш этса бода
жоми дил.

* * *

Килдим у нозик белидан қил каби
мазмун хаёл,
Булди йүқлик даштида оввора нақ
Мажнун хаёл.

Дилга боғлангайми ҳалқа зулфи
аждархоси хеч,
Дам уриб, ҳар қанча қылса сөхру афсун хаёл.

Ишқ дөғи рамзининг майдонларидан бехабар,
Гар заминдан то фалакка урса хам
тұлқин хаёл.

Нашъа бахш айлар эшитганга фифоним
хар сўзи,
Мавж урар кўнглимда гўёки майи гулгун хаёл.

Кимки хижрон заҳрин ичса етгуси бир ерга у,
Кутарилгандек кўнгил ичган маҳал афюн, хаёл.

Ақлу хуши айламиш тарқ нотавон Макнунани,
Чунки сургай кесча-кундуз ошики маҳзун хаёл.

* * *

Бўлдим ошиқликда бадном, чиқди
сархушликда ном,
Ранг-баранг гулларга булбул айлади
савдои хом.

Дилда поклик тақлиидан иштиёғим бор эди,
Шундан отдим дилни – олди бағрига
гирдоби жом.

Дил куши то бор экан, бсгонага йўқ хожатим,
Элтару ёрга хабар мендан, олиб келгай салом.

Дилни тортар жазбаси майхонанинг беихтиёр,
Ориф ахли узи билмай ичгуси майни мудом.

Менга кўзи тушдию, боғланди
душманнинг тили,
Ўлим олди хастага тортилганидек тил тамом.

Тунда ойим ойга бокардию, мен ой юзига,
У том устидаю мен том остида эдик бу шом.

Бандаси хаттоки осмон бекиёс зотин куриб,
Янги ой комат букиб олдида гүёки гулом.

Бир ғарибдек тутдим, ох, вайрона
кунжини ватан,
Факр түнини кийиб, Макнуна зору нотамом.

* * *

Мен вафо бустонида ойинадори ҳайрат,
Дийда товуснинг паридек интизори ҳайрат.

Ётса бехудлик бешигида кўнгил боласи тинч,
Юз жаҳонни бағрида асрар хисори ҳайрат.

Кўзгу турли накшу суратларни этгандек аён,
Жилва айлар хусн ҳам келса баҳори ҳайрат.

Шу қадар оҳим тутунидек үзимдан кетмишам,
Мужда бергай балки мен ҳакда ғубори ҳайрат.

Ишқ макоми ичра Искандарнинг ойинасидан¹
Кадрим олийдир, шу менга эътибори ҳайрат.

¹ *Искандар ойинаси* – Искандар Зулқарнайн буйруғи билан олимлар томонидан ясалиб, Искандария шахрининг портида кирғокка ўрнатилган улкан кўзгу. У ҳам худди Жамшид жомидек дунёда бўлаёттан воқеа-ходисаларни кўрсатар змиш. Тасаввуфда илохий маърифатта лиммо-лим кўнтил рамзи бўлиб келади.

«ЖАҲОН ШЕҶРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Айладим жам бир варакқа бир жаҳон
қайғуни мен,
Ахли донишининг билармикан бирори ҳайрат?

Макнуна, васли хаёлининг гулистони аро,
Гул каби шуъла ураг шамъи мазори ҳайрат.

* * *

Икки оламдан кўзим ишқингда хардам
боғладим,
Икки оламнинг вафосидан кўзим хам боғладим.

Боғладим юз чок дилемга мен кўйинг
тупроғидан,
Бошқалар юзига юз эшикни маҳкам боғладим.

Эшигинг тутдим ватан сурат каби беихтиёр,
То қиёмат хизматинингга белни маҳкам боғладим.

Сажда чоғи мушку анбар хидли кўйинг
гардини
Хур сочига, мен кўзимга мисли малхам
боғладим.

Фамда дил дардига бўлсин деб даво мен
шавқ ила
Кўз бодоми ёғини ёқамга хуррам боғладим.

«ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Кулларингдан бошқасининг таърифи
ёлғону лоф,
Бошқаларнинг мадхидан мен шу учун
дам боғладим.

Икки оламга қувонч эшигини очди ҳайт,
Мотам уйига юзимни мен чекиб ғам боғладим.

Сажда ишқининг юзига Макиунага булгай ҳайт,
Дил юзига ҳар замон рұмоли байрам боғладим.

* * *

Дилда ғами шахриёр бордир,
Йулида күз интизор бордир.

Юзидағи гул каби хатидан
Күнглимда менинг ғубор бордир.

Хажрида чекиб ғаму аламлар,
Бу хил ҳаётимдан ор бордир.

Орзусида юзининг хаёлда
Сайри гулу лолазор бордир.

Киприги үқи ваҳимасидан
Күнглимда тикан катор бордир.

Васлинини унинг қилиб умидлар,
Йулида күз интизор бордир.

«ЖАҲОН ШЕҶРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Васли ўтининг хумори ичра
Макнуна дили фигор бордир.

* * *

Ёр висоли гулшанида эътиборим бор эди,
Гул каби рангию буйидан хуморим бор эди.

Гул каби юз, сабзадек хат, уд¹ мисоли холидан
Шодлик олами аро мушкин баҳорим бор эди.

Бердиму қўнгилни, тутдим этагидан зулфининг,
Қайғу мулкида ӯшандоқ кирдикорим бор эди.

Килди жавлонингдан ул куни фалак
мени жудо,
Мавжли денгиздек қучоги улуғворим бор эди.

Юздаги нозик хати қўздан йироқ тушгач
бу кун,
Кўнгил ойинасида ғамдан ғуборим бор эди.

Хусн мулкида қуёшнинг нури учқуни каби
Соҳиби дунё амири шаҳриёрим бор эди.

Макнуна, айлаб мадад баҳтим менинг ҳам
бир замон
Васли айёмида даври баҳтиёрим бор эди.

¹ Уд - Жинистон ва Бирмада ўсадиган новдалари қахваранг ва хушбўй дарахт. Уни хушбўй ҳид таратгани учун манқалга солиб тутатадилар.

«(ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛИРИ)»

* * *

Зарра каби чехраи офтобингга бандаман,
Икки зулфи халқаи печ-тобингга¹ бандаман.

Орзу бори ниҳолидан йўқ қулимда мева,
То бодом каби кўзи нимхобингга² бандаман.

Жоним мулкига лаъли лабинг доим солар ўт,
Сирли, маъноли, ширин жавобингга бандаман.

Лутфи камолинг ичра барқ уради назокат,
Дилга қаттиқ ботувчи итобингга бандаман.

Каклик чекар хижолат хиромингдан қошингда,
Жилва ичра хироми шитобингга бандаман.

Макнунани назардан қочирма, эй шахриёр,
Гарди қадами олийжанобингга бандаман.

* * *

Мухаббат ути ичра куяр жуда димоғим,
Лекин лола доғидек эмас равшан чироғим.

Бу тун гул каби ҳусни хаёлимда уриб чарх,
Ўзимдан агар кетдим, қилишмади суроғим.

¹ Печу тоб – халқа-халқа.

² Нимхоб – ярим ухлаган.

←(ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)→

Хазон ели фирокнинг етиб гулшани жонга,
Мадор қолмайин танда, сұла бошлади бөғим.

Висолидан узокман, килиб кайғу бехузур,
Түкилди тушиб май, синди жомим,
не кийиноғим?

Йүк үзга иши нола қилишдан күнгил қушин,
Йүк умримда хотиржам, ҳаловатли бир чөгим.

Айирди лочинимдан фалак гардиши, энди
Ситам айлади ҳижрон, музaffer ахли зөғим.

Бас, узлатга чекинсам Худога умид боғлаб,
Ким айлайди, Макнуна, бұлак энди сүроғим?

* * *

Икки лабдан келди лабга жони зорим,
не қиласай?

Кора бұлды холидан тақдиди хорим, не қиласай?

Деди: «Оромгох бұлар тупроғинг үлсанг
сен агар»,
Лолалар ундиңса гар хоки мозорим, не қиласай?

Нола айлаб чиқаман то тонггача ити билан,
Бұлса у бедор, менинг ҳам йүк қарорим,
не қиласай?

«ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛИРИ»

Ёритар кўнглимни Яъқуб кузларининг ёғдуси,
Жон бўйин етказмаса ўшал диёrim, не қилай?

Интизорликдан улиб ҳам васлининг муштоғиман,
Балки тиргузмас яна бу интизорим, не қилай?

Булбул нолонман, аммо, деганим шсьру ғазал,
Бу ижод бўстонида шудир шиорим, не қилай?

Макнуна, жону дилим ичра ҳаловат йўқ сира,
Зулфининг ёдида йўқ сабру карорим, не қилай?

* * *

Диллар суури эрди дийдори паризодим,
Бир лаҳза унутмайди ҳуснини менинг ёдим.

Булбул не учун кулранг? Гул оташида куйган,
Куйдирди мени ҳам бир гул чехрали бунёдим.

Офтоб каби ӯгириди у киблага юзини,
Хижронда бериб ерга соя каби барбодим.

Кўз ёши билан поклаб бўлмайди вужудимни,
Қўкси каби лоланинг ишқи доғи ижодим.

Бизнинг чалажон күшга шафкат сира
топмас йўл,
Бир бора килар катлим икки кўзи жаллодим.

Беҳуда қилиш нола, Макнуна, узоклардан,
Етишмагай истиғно мақомига фарёдим.



Хар киши бўлса агар бир лаҳза ҳамрози қалам,
Жон қуши парвоз қилар гар етса овози қалам.

Ишқ савдосидан олам дафтарида мен каби
Ох дуди, кўз ёшидан охири оғози қалам.

Кофу нун¹ тилсимининг маъносини ким
англагай,
Булмайин то бир нафас у маҳрами рози қалам.

Ёр фироғи дардидан мотам тутиб йиғлар
мудом,
Ашқидир кора сиёҳ – айла эъзози қалам.

Дил қулоғи бирла эшитса бўлар, англаб эмас,
Макнуна оҳу фигонидир ҳамовози қалам.



Бу чамандан ранги сўлғин, кўзи гирён
бораман,
Шам тутунидек чекиб охи фаровон бораман.

¹ Кофи нун – араб ёзувида бу харфлар бирикмасидан «кун» сўзи ҳосил бўлади. «Кун» – «бул» дегани. Бу олам Оллоҳ таолонинг биргина шу сўзи орқали яралган.

◊(ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)◊

Айрилик дарди ғамининг хасратидан дил тұла –
Қон билан гүё кони лаъли Бадахшон¹ бораман.

Күшману ҳайрат шохіда, таъна үқи оркада,
Отиб ором мевасини зору ҳайрон бораман.

Мен фирок ели қуритган бир ҳовуч
хошок каби
Хотири ошуфтаю ҳоли паришон бораман.

Күлда ғам жоми – узоқман ёр висоли
базмидан,
Бошга қўйиб қўл яна ҳамрохи хижрон
бораман.

Мен ракиб жабру жафоси ичра сўнгандан
шам каби
Ўлтириб бир гўшада чоки гирибон, бораман.

Бу жаҳонда васлидан, Макнун, менда
йўқ умид.
Мисли Мажнун окибат дашту биёбон бораман.

* * *

Хажрида беҳад азоб бордир,
Бир пора дилим кабоб бордир.

¹ *Лаъли Бадахшон* – лаътнинг энг аъло нави бўлиб,
Бадахшон тоғларида ҳосил бўлади.

«ЖАХОН ШЕҮРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Бошим менинг айланар ҳамиша,
Лаъли ёдида шароб бордир.

Васлига етишни айлаб орзу,
Чакмок каби күп шитоб бордир.

Кундуз-кеча қайтариб вараклар,
Ўткинчи умр – китоб бордир.

Мушк-анбарин исли соchlаридан
Дил гарданида таноб бордир.

Хижрон ғамида сұрашда ахвол
Йүқ айбу гунох, савоб бордир.

Макнуна, фирғи хасратидан
Қўзимда ёшим селоб бордир.

* * *

Ишқ китобидан ададсиз достон бор дилда,
Лола доғидек бу савдодан нишон бор дилда.

Кетдим үзни тарқ этиб бир ергаким,
йўл йўқ уён,
Анқо¹ куши соясида ошён бор дилда.

¹ Анқо – Коф тоғида яшайдиган афсонавий қушнинг номи; мажозан: топилмас, нодир, ягона.

«ЖАХОН ШЕҮРНЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Бу жароҳатли күнгил нола қилиб тинмас сира,
Жон қулоғин тут – ададсиз ох-фиғон
бор дилда.

Ишқ даштини ўтиб бүлмайди ҳеч бедарду ғам,
Ох-надомат, дарду ғамдан карвон бор дилда.

Күнгли дөр бүлмай, киши билмайди
ишқ маъносини,
Маънийи савдойи лафзи бенишон бор дилда.

Дард макомига чиқиб бүлмайди оддий йул
билан,
Нола томига қадар не нарвон бор дилда.

Макиуна, беҳудадир бедард тоат айламок,
Мисли жон тан ичра, ишқидан жон бор дилда.

* * *

Нозанин ёрнинг фирғидан күнгилга
тулди ғам,
Танни кулфат эздию, куйдирди жонимни алам.

Ўтидан олиб алана күкка урлайди тутун,
Ким фирок дардини дафттар юзига этса ракам.

Кандайин бечора жисмимдан чиқарсин
ох-фиғон,
Кийналар шундан жуда жоним хижолат
ичра ҳам.

Гул юзининг ёдида түкилди қонлар шунчаким,
Бу жаҳоннинг сахни бўлди гүйё Боги Эрам¹.

Бу жаҳонда барчадан бой қилди ишқ ути мени,
Йўқ жаҳонда танга кўп кўнглимдаги
доғларча хам.

Булганинг минг марта афзал Ҳак йулида
хору зор,
Булганингдан бандан бойлигу зар, зебу ҳашам.

Айб эмас ҳар қанча нола қилса хаста Макнуна,
Бсхабар қилди ўзидан фурқати шохи Ажам.

* * *

Мен ўзимни банди занжири бало истар эдим,
Роҳату дармон эмас, дарду жафо истар эдим.

Биз кезардик дил биёбонида дуст ишқи билан,
Шундайин маъвоки, мисли Карбало
истар эдим.

Масту бехудлик ҳужумидан шахидлик шавкида
Мен Хумо сояси тифидан яро истар эдим.

¹ Боги Эрам – афсонавий гузал боғ. Ямандаги Од каинмининг ҳукмдори Шаддол ер юзида жаният яратиш даъвоси билан уни бунёд эттан эмиш.

Ишқ ўтида қанча куймай топмади
таскин кўнгил,
Мен жаҳаннамнинг ёник кўксини
ё истар эдим?!

Интилишдан тўхтамасдик биз сира
Макнунадек,
Бекиёс шавқ сохиби бўлмоқни то истар эдим.

* * *

Эй хаёли қоматинг сарви гуландоми дилим,
Юзинг уйи тонгу сочинг ёдидир шоми дилим.

Нега бўлмай тонгу шом мушкин сочинг
ёди билан,
Чунки у осойишу жондиру ороми дилим.

Лутфу меҳрингдан эмас ўзга бу жоним озиғи,
Лаъл лабингдан ўзга бўлмас хеч қачон
коми дилим.

Йўқ фироғингдан бўлак коронфилик
тонгим аро,
Излайнми зулматидан шомни(нг)
пайғоми дилим.

Сув булар ғам-ҳасратимнинг тафти
таъсири билан,
Накш этилса гар бирор тош устига
номи дилим.

«ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Ёр жамолига асир бўлган эсам маъзурман.
Чунки булди холу зулфи донаю доми дилим.

То киёмат бўлсан арзир шоду хотиржам бутун,
Бир ширин сўзни лабинг қилса гар
инъоми дилим.

Ор билар ўзига Жамшид базмининг орзусини,
Хар қасерда то кўзи ёди экан жоми дилим.

Макнуна, тушдим бало домига ёр ишқини деб,
Йўқ хузурида юзим олмоққа ҳам поми дилим.

* * *

Эй хуш ул дамларки, гулшонда мақомлар
бор эди,
Бир-бировга булбулу гулдек каломлар бор эди.

Гоҳ зулф ошиғи, гоҳи ой юз масти эдик,
Шу тарика бу жаҳонда субху шомлар бор эди.

Маст эдик биз бир-бирамизга ракиблар қасдига,
Кош учидан бир-бирамизга саломлар бор эди.

Йўқ эди дилларда ҳусни ишқу шавқидан булак,
Бемаю майхона кайфи бардавомлар бор эди.

Эрди киприк ҳатто ғофил бу нигоҳлар
рамзидан,
Фойибона ранг-баранг ишва-муқомлар бор эди.

↔ (ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ) ↔

Икки олам эркининг нашъаси дилда гул очиб,
Кошки десса кўйимиз ичра ғуломлар бор эди.

Этагига васлиининг етмай хаёлнинг қўллари,
Ўнгали оти туёғидан комлар бор эди.

Тер окиб пешонадан гўёки гулнинг баргидек,
Фунчадек қўлларда лола рангли жомлар
 бор эди.

Макнуна, хасрат зулфи занжирин кесмоқ учун,
Бу қаламнинг учидек тифи мудомлар бор эди.

* * *

Май нашъасидан юзи ҳар замон чаман-чаман,
Шодлигидан тан ичра дилу жон чаман-чаман.

Халқ айлагай томоша заъфарон рангу рўйим,
Дард ичра мисли барги хазон чаман-чаман.

Хусни нуридан худди навбаҳор мавсумида,
Ҳар рангу бўй бўлибди намоён чаман-чаман.

Гул юзининг ҳажрида йиғладим булут каби,
Икки кўзимдан конли ёш равон чаман-чаман.

Макнуна куйди ишки ўтида бир парининг,
Бўлди охим ўтидан бу жаҳон чаман чаман.

* * *

Шам каби базм ичра қурди ошён,
Барча шод, биз эса куйдик беомон.

Бебако умру фифон этмас асар,
Бевафо чарху санам номехрибон.

Үртамиизда қанча даҳшатли довон,
Қандайин ўтгум уни мен нотавон?

Мен асирман ишқингга пастми, баланд,
Гарчи ер қаттигу олис осмон.

Гарчи Мажнун бўлиш осон, ҳеч киши
Бўлмасин ошуфтаи ишқи ниҳон.

Юзта ваъданг ичра йўқдир бир вафо,
Феълу хўйинг роса қилдик имтиҳон.

Жон каби асрар эдим қунглимни мен,
Охири келтирди жонга хижрон.

Эй қарам денгизи, қаҳринг мавжи-ла
Сурма Макнуна қайиғин бир томон.

* * *

Билолмайманки, ишки кандайин ўт ёқди
жонимга,
Мисоли шам тутуни түлди олам ох-фиғонимга.

Фариблик даштида туфроғим охир елга
соврилди,
Сабо, етказ хабар мендан у ёри меҳрибонимга.

Табиб, ол томиримдан қўлларингни,
билимагай хеч ким
Масихлаб ёрдан узга бор нима дард
устухонимга.

Фиғону ох ариттай ошик аҳли дили дардини,
Жигар қон бўлди, шафқат эт менинг
дарди ниҳонимга.

Дилимдан сабру тоқат кетди, бошдан ақлу
хушим хам,
Қўлимдан кетди иш, бўлма бепарво
бу эйёнимга.

У истигғононинг авжидаю, мен соя каби ноймол,
Эмас, Макнуна, холим маълум офтоб
ошёнимга.

❖(жАҲОН ШЕҶРИЯТИ ДУРДОНАЛИРИ)❖

* * *

Хижолат чекади шамшод унинг нозик
хиромидан,
Кунгиллар яйрагай ёқимли, маъноли
каломидан.

Ўпай деб бир оёғидан изидан соядай чонгум,
Етишмас зарра офтобдек унинг юксак
мақомидан.

Фирок водийсида бўлдим тириклик
айшидан маҳрум,
Етишгай жон қулоғига қачон васли наёмидан?

Вафо бўстонида қолган эмас асло нажог йўли,
Кунгил қупчи асир булди, кутулмас энди
домидан.

Киёматга қадар қетмас хумору кайфи бошидан,
Агар ким тотса бир катра унинг эхсони
жомидан.

Тутиб лаъли майидан, нега озод айламас мени,
Ахир, Макиуна эди-ку унинг содик ғуломидан.

* * *

Ох, фалак майдонида тухми жафо унгай
мудом,
Лутфининг ёмғиридан хори бало унгай мудом.

Бу жаҳонни ғам билан тарқ айлаганлар кўзидек,
Бу чаман нарғиси ортдан бехато унгай мудом.

Фунчадек ҳар гулга қисмат урагай бир қун
кафан,
Бу тириклик боғида гули фано унгай мудом.

Юз бериб тӯфон, яна сув остида колса жаҳон,
То қиёмат устухонлар мутлақо унгай мудом.

Бўлма раҳмат булути сарву гулнинг боиси,
Бас, умидсизлик тикони ерда то унгай мудом.

Эй фалак, турфа үйинлар үйнадинг,
балки етар,
Макнуна кўнглида фарёду наво унгай мудом.

* * *

Ўртанар сенсиз дили вайронимиз,
Кўй оёқ – зор дийдан ҳайронимиз.

Жон гирибони ғамиргининг қўлида,
Не тилар қийнаб бу хаста жонимиз?

«ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Воҳ, жунун боғида садбарг гулидек
Чок гирибондан то домонимиз.

Биз кабобимиз ишқинг ўтининг,
Қонли ёшлар тўқади мужгонимиз.

Киссаи Фарходу Мажнун нусхадир,
Асли унинг оташин девонимиз.

Авжи истиғно мақоми позидир,
Етмагай қулоғига афғонимиз.

Макиуна, гулчехранинг васфи билац
Туладир бошдан-оёқ девонимиз.

* * *

Иш бошқа, лофи журъат бошқадир,
Мард одамда жаҳду химмат бошқадир.

Тожу тахту қасрини бир четга қуй,
Шохга асбоби давлат бошқадир.

Шону шавкат қилмасин ҳар қанча арз,
Подшохликка аломат бошқадир.

Барча кучу қудрат ахли аро
Рутбан ахли каромат бошқадир.

Шўру ғавғою жунун бир бошқа-ю,
Кий-чуви рўзи қиёмат бошқадир.

Бермас иш машшоқ навою сози хеч,
Лаззати оху надомат бошқадир.

Шуъла урди тил тири Макнунага,
Жавҳари шамшири ғайрат бошқадир.

* * *

Интизорман сенга, эй сарви хиромоним, кел,
Жон турар кафтимда, қўзюлгилу,
жононим, кел.

От суарсан мунча қаҳр айлаб бешарволик
 билан,
Кўй оёғинг, интизор дийдан гирёним, кел.

Нур олар васлим ғонги офтоб жамолингдан
 сенинг,
Шоми хижроним корайди, мохитобоним, кел.

Чекаман сенсиз надомат кунжида
 хижрон ғамиш,
Кел, ҳалос эт, кийнади бу дарди
 хижроним, кел.

Бир нафас билмас ҳаловат сонсиз
 уйқучи кўзим,
Бир нафас тегсии, десанг, мужгонга
 мужгоним, кел.

Эй баҳори ноз, чаманнинг гулларидек
кел кетиб,
Чок-чокдир гирибондан то домоним, кел.

Чекса гулзордан этак ул сарвдек бўйинг агар,
Ўтказарман кўэим атрофига, эй жоним, кел.

Айлагай тонус парини ишо хайрон кўзларим,
Гул каби бепарда, эй рашки гулистоним, кел.

Макнуна, зулфи хаёлида жуда ошуфтаман,
Сургали бир лахза бу ҳоли паришоним, кел.

* * *

Кон бўлди ишқ дарлидан дили нотавонимиз,
Бу ҳолни килди аён ул ашки равонимиз.

Биз сенинг фаминг учун асраганмиз бу жонни,
Юз минг ғам юборсанг ҳам, чекар уни
жонимиз.

Ҳар канча қилма жафо, вафо кайтардик
жавоб,
Эй бағритош, қиласан мунча имтиҳонимиз?!

Мажнун билан Фарходнинг қиссаси
даври ўтди,
Йўкка чикарди уни оташин достонимиз.

Икки хиллик булмайди ҳакиқий ишқда сира,
Дил жононники бўлса, бизники жононимиз.

Аччиқлиги ҳаётнинг бизга килмайди таъсир,
Хар дардга килар даво ул ширинзабонимиз¹.

* * *

Юзу зулфингдан наришон бўлди то ахволимиз,
Ою йил шам доғидек ранжу алам шоймолимиз.

На лабиндан васлу на зулфингдан бўйи
мурод,
Куйди маҳрумлик утида бу тани бехолимиз.

Бу мухаббат ичра бизнинг кўзимиз равшан
мудом,
Чунки бўлди интизорлик сурмайи иқболимиз.

Хаста бу кушларда парвоз орзуси
қайдан булар,
Ёр хумори синдириб отди-ку парру болимиз.

¹ Фазалнинг шонира тахаллуси кўлланилган охирги байти йўк.

↔(ЖАХОН ШЕРГИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ)↔

Тонігача хажри тунида ғам үтида ёнаман,
Эй сабо, бир мужда етказмасми
мушкинхолимиз?!

Юзларингнинг жилваси гулзору биз
барги хазон,
Эй баҳори ноз, юзингсиз не кечаркин
холимиз?

Макнұна шукр айлар эди толсы масъудига,
Бир киё бокса нигори әзгулик тимсолимиз.

* * *

Эй назокатбахш ҳусни нуридан гулзорлар,
Боғламиш сунбул сочининг ёдида зуннорлар.

Эгри қўйганча қулоҳин¹ сахродан үтдими ё?
Мажнун ошуфта булиб, ерга отар дасторлар.

Эй сабо, сўйла қулоғимга мухаббат рамзини,
Колмади оламда ўзга маҳрами асрорлар.

Ул қуёшдек чехрасини бир кўриш орзусида,
Қўзларим юлдуз каби тонгта қадар бедорлар.

Үгрилар тутмиш макон ўзига меҳроб қунжини,
Коши узра анбарин холи эмиш айёрлар.

¹ Кулоҳ — бош кийими.

«ЖАХОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ»

Дил қуши фориғ бўларми ноладан ҳеч
тонгу шом,
Юзларида бўлса зулфи торларидан морлар¹.

Тенг бўлолмас жонпарвар қомату рухсорига
Макнуна, курдим агарчи сарву гул бисёрлар.

¹ Мор = илон.



МУНДАРИЖА

Эргаш Очилов. Шеърият маликаси.....	3
«Туркий девон»дан. Фазаллар.....	11
Мухаммаслар	178
Мусамман	187
«Форсий девон»дан. Фазаллар	191

Адлбий-бадий нашр

Жаҳон шеърияти дурданалари

НОДИРА

ТУШУМДА КҮРСАМ ЭДИМ

Мухаррир *Н. Эргашев*

Бадий мухаррир *Ҳ. Құмшуков*

Техник мухаррир *Л. Хижова*

Мусаххих *М. Ишонғонова*

Кичик мухаррир *Д. Холматова*

Компьютерда тайёрловчи *Л. Абкеримова*

Нашриёт лицензияси AI № 158, 14.08.2009.
Босишига 2015 йил 11 августда руҳсат этилди.
Офсет көғози. Бичими 70x90^{1/8} «Peterburg»
гарнитурасида оғсет усулида босилди.
Шартли босма табоби 8.78. Нашр табоби 7.96.
Адади 2000 нусха. Буюртма № 15-575

Ўзбекистон Матбуот ва яхборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129, Тошкент, Навоий қўчаси, 30.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz

Очилов, Эргаш

O-95 Нодира / Э. Очилов. (Жаҳон шеърияти дурдоналари). – Тошкент: «O'zbekiston», 2015 – 240 6.

ISBN 978-9943-28-365-7

УЎК: 821.512.133-1

КБК 84(5\$)

РАССЫЛКА

«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-28-365-7



9 789943 283657